

◊(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)◊

Расул ҲАМЗАТОВ

УМР
КАРВОНИ

шеврлар



ТОШКЕНТ — «О'zbekiston» — 2013

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(2Рос.Лог)

X 24

— Рус агад.

2014/8

A

650

Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK

N1 31823
2g1

ISBN 978-9943-01-923-2

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013



СҮЗ ЙÜЛИ

XX аср жаҳон адабиётининг забардаст намояндаларидан бири, машхур авар шоири, давлат ва жамоат арбоби Расул Ҳамзатов 1923 йилда Дөғистон Республикаси Ҳунзах туманидаги «шоирлар овули» бўлмиш Ҷадада Ҳалқ шоири Ҳамзат Ҷадаса хонадонида туғилган. Беш ёшида овулдаги мактабга боради. Ўн олти ёшида Бўйноқ педагогика билим юртини тугатиб, 1940—1945 йиллар мобайнида аввал мактаб ўқитувчиси бўлади, кейин театрда сүфлёр бўлиб ишлайди, авар сайёр театри режиссёрининг ўринбосари сифатида бутун Дөғистонни айланиб чиқади. Республика газетаси ва радиосида адабий ходим сифатида хизмат қиласди. Бу даврда шоир ҳаётида икки муҳим воқеа содир бўлади: биринчиси — отаси билан Махачқалъага кўчиб ўтади, иккинчиси — «Ҳассос муҳаббат ва оташин нафрат» (1943) номли илк китоби босилиб чиқади¹. 1945—1950 йилларда Москвадаги Максим Горький номидаги Адабиёт институтида таҳсил олади. 1951 йилдан

¹ Бу маълумотлар ҳақида қаранг: *Дементьев В. Расул Гамзатов (Жизнь и творчество)*. Москва, 1984. С. 68—69.

бошлаб, узоқ йиллар мобайнида Догистон Ёзувчилар уюшмасини бошқарган.

«Бизнинг тоғлар» (1947), «Менинг юртим» (1948), «Тоғлар ўлкаси», «Туғилган йилим» (1950), «Догистон баҳори» (1955), «Бир хонадон фарзандлари» (1956), «Янги учрашув» (1957), «Қалбим менинг тоғларда» (1959), «Юксак юлдузлар» (1962), «Битиклар» (1963), «Юлдуз юлдуз билан сўзлашар» (1964), «Йиллар ортидан йиллар» (1968), «Ўчоқ бошида» (1969), «Чегара» (1972), «Севги сонетлари» (1973), «Муҳаббатнома» (1974), «Сўнгти баҳор» (1976), «Аёллар ороли» (1980), «Йигирманчи аср» (1983), «Йиллар ҳисоби» (1986), «Ишқ китоби» (1987), «Мени севги қонунига кўра жазола» (2003) каби кўплаб китоблари чоп этилган. «Отам билан суҳбат» (1953), «Тоғ қизи» (1958), «Оналарни асрсанг» (1978), «Зарема», «Овулдан мужда» достонларини ёзган. Икки китобдан иборат «Менинг Догистоним» (1967—1971) насрый асари, мухтасар қилиб айтганда, ҳаёт ва адабиёт, она ватан ва замондошлар ҳақида битилган. У ўтган аср «60-йилларининг иккинчи ярмида қардош халқлар адабиётидаги соҳта ватанпарварлик ғоялари ўрнига миллий ғоя ва миллий гуур туйғусининг шакланишида муҳим роль ўйнаган»¹. «Туғилган йилим» (1952) ва «Юксак юлдузлар» (1963) китоблари юксак мукофотларга сазовор бўлган. 1959 йилда унга

¹ Ҳамзатов Расул // Узбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд. Тошкент, 2005. 293-бет.

Догистон халқ шоири унвони берилган. Китобдан-китобга Расул Ҳамзатов истеъодининг янгидан-янги қирралари намоён бўлиб, бадий маҳорати ошиб борди. Шу тариқа, бор-йўғи етмиш хонадондан иборат Цада овуидан чиққан Расул Ҳамзатов етти иқлимга машҳур шоир бўлди. Таниқли латиш шоири Эдуардас Межелайтис айтгани каби, Расул Ҳамзатов қадрдон Догистонининг бир неча ўн минг аҳолиси гаплашадиган авар тилида ижод қиласди. Ҳолбуки, уни бутун дунё аҳли ўқийди¹. «Дунё миқёсидаги воқеа-ҳодисаларни ўзининг қалб мулкига айлантириб, чукур идрок этиб, бадий ифодалаш орқали унинг асарлари умумбашарий аҳамият касб этади»².

У Пушкин, Лермонтов, Блок, Маяковский каби улкан рус шоирларининг кўплаб асарларини авар тилига маҳорат билан таржима қилган моҳир таржимон ҳам ҳисобланади. Айни пайтда, кўплаб ўз асарларини мутаржимлар билан бирга таржима қилганидан улар «муаллифлаштирилган таржима» мақомини олган.

Расул Ҳамзатов том маънодаги йирик шахс, фавқулодда сиймо. Унинг шеърияти ўзида Шарқу Farb адабиёти анъаналарини ажойиб бир тарзда омихта қилиб юборгани билан ҳам ўзига хос

¹ Межелайтис Э. Поэт орлиного полета // Гамзатов Р. Двадцатый век (Избранные стихотворения). Москва: «Известия», 1983. С. 6.

² Шукуров Н. Догистон лочинининг парвози (Сўзбоши) // Ҳамзатов Р. Бир хонадон фарзандлари. Тошкент, F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. 6-бет.

теранликка ва жозибага эга. Бу шеърият дарахти ўз миллий илдизларидан узилмагани, бильъакс ўзи озиқланган заминдан куч олгани учун ҳам фалакка юксалиб, барчанинг эътиборини ўзига қаратди.

«Расул Ҳамзатов шеъриягининг илдизлари миллий заминдан озиқлангани учун ҳам моҳият эътиборига кўра халқчилдир, шоир ўз ижоди елканини давримиз шамоли билан тўлдиради», — деган эди бу ҳақда дўсти ва сафдоши Қайсин Қулиев¹.

Расул Ҳамзатов шеърияти ҳамиша, ҳар қандай шароитда кишиларни некбинликка ундаши, буюк ҳаётбахш руҳи билан муҳим аҳамият касб этади. Бу шеърият — дунёнинг, инсониятнинг ёруғ келажагига чексиз умид билан қарашга уннаб, ўқувчига шу ишончни мустаҳкам тарзда сингдира олади. Бу шеърият ўз жозибаси билан ҳар қандай тил ва миллат намояндасини ўзига тортиш қувватига эга.

Расул Ҳамзатов қайси жанрда қалам тебратмасин, ўша жанрни ижодининг асосий йўналишига айлантиради: элегиялар, саккизликлар, сонетлар, тўртликлар, битиклар, ривоятлар, эпиграммалар шулар жумласидандир. Бу жанрдаги изланишларини у алоҳида китоблар тарзida эълон қиласи.

¹ Кўчирма қўйидаги китобдан олинди: Дементьев В. Расул Гамзатов (Жизнь и творчество). С. 86.

Расул Ҳамзатов ижоди мавзу жиҳатидан бой, жанрига кўра ранг-баранг, услубан ўзига хос, мазмуни теран, тили содда, ифода тарзи самимий. Бу шеърлар фалсафий теранлиги, чукур ҳаётийлиги, фикру туйғулар самимияти, тимсолу ташбеҳларининг кундалик турмушдан олинганлиги, оддий ва содда, айни пайтда гўзал ва таъсирчанлиги, ҳассос лиризми, ҳалқона услуби ва тили билан бутун дунё адабиёт муҳибларини бирдай ўзига жалб қилиб келмоқда. Э. Межелайтис таъбири билан айтганда, Расул Ҳамзатов — бутун вужуди билан мағиз-мағзигача «битиб кетган» лирик¹.

Шоирнинг кўп шеърлари Шарқ шеъриятида машхур савол-жавоб санъати асосида яратилган.

Расул Ҳамзатов қўллаб ҳалқ афсона-ривоятларини ҳам қайта ишлаб, улар асосида гўзал асарлар яратади. Ва, албатта, бу ривояту афсоналар шарқона характеристерга эга. Расул Ҳамзатов шеъриятида фольклор мотивлари замонавий мазмун билан чамбарчас тулашиб кетган, деб ёзади бу ҳақда шоир ижодининг талқиқотчиларидан бири Вадим Дементьев².

Расул Ҳамзатов шеърларига мавзуни ҳаётдан олади, биз ҳар куни кўрадиган, лекин эътибор бермайдиган нарса-ҳодисалардан кутилмаган ташбеҳлар яратади. Жумладан, мана бу оддий ҳаёт ҳақиқатининг теран бадиий талқинини кўринг:

¹ Межелайтис Э. Поэт орлиного полета. С. 5.

² Бу ҳақда қаранг: Дементьев В. Расул Гамзатов. С. 123.

Баъзи ноҳақликлар қолдирар ҳайрон,
Ризқ-рўз тақсимотин олиб кўринг, хўш:
Тиш борида эди еганим ёвғон,
Тиш йўғида энди узатишар гўшт.

Ҳамма биладиган, лекин ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бир ҳаётий ҳақиқат асосида дунёда қарама-қаршиликлар бирлиги ҳукмроилиги, барча нарса инсон хоҳишига зидлиги, халқона ибора билан айтганда, «доим аксига олиши» ҳақидаги тирикликтининг азалий ва абадий қонуниятини бир тўртликда юксак маҳорат билан ёрқин бадиий гавдалантиради. «Унинг бир қатор шеърлари бамисоли фалсафий ҳикматлар ва халқ мақоллари каби жаранглайди»¹.

Расул Ҳамзатов ўз шеърларини, таъбир жоиз бўлса, ўқувчи билан ўзаро суҳбат қуриб ўтиргандай ёзади. Уларни ўқир экансиз, китоб ўқигандан кўра кўпни кўрган ва билган донишманд ва куюнчак бир инсон билан суҳбатлашгандай маза қиласиз, енгил тортасиз.

Мен донишманд инсон билан суҳбатни яхши бир китоб мутолаасига тенглаштираман. Расул Ҳамзатов китобларини мутолаа қилганда эса гўё бунинг акси содир бўлади: донишманд бир инсон билан мулоқот қилгандай ички бир қоникиш туясиз.

Расул Ҳамзатовнинг асарлари дунёнинг юздан ортиқ тилларига таржима қилинган. У ўзбек халқининг ҳам ўз шоирига айланиб кеттан. Fafur

¹ Межелайтис Э. Поэт орлинного полета. С. 5.

Фулом, Асқад Мухтор, Ҳамид Фулом, Шукрулло, Абдулла Орипов сингари ўзбек шоирлари билан яқин ижодий алоқада бўлган. Унинг «Юксак юлдузлар» (1964) ва «Бир хонадон фарзандлари» (1982) каби салмоқли шеърий китоблари ўзбек тилида нашр этилган. Шоир шеърларини ўзбек тилига Мамарасул Бобоев, Зоҳиджон Обидов, Эркин Воҳидов, Нуриддин Шукуров, Юсуф Шомансур, Эргаш Муҳаммад, Машраб Бобоев, Омон Матжон, Барот Исройл, Миразиз Аъзам, Муҳаммад Али, Муҳаммад Раҳмон, Рассоқ Абдурашид, Тоҳир Қаҳҳор, Шукур Курбон, Хуршид Даврон, Асрор Мўминов, Мирпўлат Мирзо, Мирза Кенжабек, Турсун Али, Нурилла Остонов каби қатор ўзбек шоир ва олимлари таржи-ма қилганлар. «Ошиқларнинг сардори мемман» ва «Аёллар» шеърлари халқимизнинг севимли қўшиқларига айланиб кетган. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида «Менинг Доғистоним» асари Эркин Воҳидов таржимасида «Гулистан» журналида босила бошлаганида жамоатчилик орасида қандай кучли акс садо бергани ҳамда асар таржимаси ва нашри тўхтатиб қўйилганини зуко ўқувчиларимиз ҳали-ҳануз унугланларича йўқ. Кейинги йиллардагина бу асар Асрор Мўминов томонидан тўла таржима қилинди. Ушбу тўплам улуғ авар шоирининг ўзбек тилига ўтирилган шеърларининг энг сара намуналари, шунингдек, «Менинг Доғистоним» ва бошқа асарлари ичидан танлаб олинган ҳикматлари асосида тузилди. Расул Ҳамзатов ижоди ҳақида яхлит тасаввур

берувчи, адиб бадиий тафаккурининг қаймомини ўзида жамлаган ушбу тўплам ўзбек ўқувчилари қалбидан чуқур жой олишига ишончимиз комил.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди



ШЕЪРЛАР

Эркин Воҳидов
таржимаси

ОНА ТИЛИМ

Ажабо! Туш деган жуда қизиқ-да,
Ўлиб қолганмишман тушда ногаҳон.
Кўксимда кургошин, қуёш тифида
Тоғлар орасида ётибман бежон.

Узокда шарқираб сойлар оқмоқда,
Борлиқда бир ажиб дилбарлик ҳоким.
Мен эсам ўйлайман ётиб тупроқда,
Мана шу тупроққа қўшилар хоким¹.

Мен ўлиб ётибман, кимсасиз, унут,
Ҳеч кимса қайғурмас ва чекмас ёху².
Фақат чўққиларда қурқуар бургут,
Фақат водийларда инграйди оху.

Навқирон ёшимда бўлдим-ку адo,
Оташ кўкрагимни ўиди, ахир, ўқ.
На онам, на ёрим беради садо,
Дўст тугул, ҳаттоки йиғичи ҳам йўқ.

¹ Ҳок — тупроқ.

² Ёху — Худони ёдлаш, Худованд лейиш (арабча «ёхува» сўзидан).

Фифон отилади жонсиз бағримдан,
(Гүё фифон бордек мурда дилида).
Шу пайт икки киши ўтди наридан
Қувноқ суҳбат қуриб авар тилида.

Мен-ку бу дунёдан кўз юмдим мангу,
Улар кулиб-кулиб сўзлашар борин;
Қандайдир Ҳасаннинг турфа ишию,
Қандайдир Алининг шўх кирдикорин.

Авар сўзин тинглаб кирди менга жон,
Оҳиста тирилдим ва шунда билдим:
Мени тузатолмас ҳеч дори-дармон,
Жонимга Масиҳдир¹ шу она тилим.

Майли, ким қай тилдан шавқу завқ олса,
Менинг ўз тилимга минг жоним фидо.
Эрта она тилим агар йўқолса,
Мен бугун ўлишга бўлурман ризо.

Майли, қашшоқ бўлсин, майли беҳашам,
Лекин менинг учун азиз ва суюк.
Жаҳон минбаридан янграмаса ҳам
Она тилим менга муқаддас, буюк.

Оташин Маҳмуднинг² ёниқ шеърини
Наҳот таржимада ўқир авлодим!
Наҳот мен аварнинг сўнгги шоири,
Шуми эди менинг эзгу муродим?!

¹ *Masiҳ* — Исо пайғамбар. Унинг нафасидан ўликка жон кирад экан.

² *Maҳmud* — Догистон халқ шоири.

Севаман ҳаётни, дунё кўркини,
Мұхаббатим чексиз барча эл учун.
Ҳаммасидан азиз она юртимни
Аварча кўйладим етганча кучим.

Узоқ Сахалиндан Болтиққача то
Қалбимда кўраман хур Ватанимни.
Ҳар қайда қилайин унга жон фидо,
Лекин ўз юртимга қўйинг танимни.

Юртдошларим туриб қабрим олдида,
Кўрсатсин аварнинг шоири шул деб.
Элим ёдга олсин она тилида
Ҳамзат Цадасанинг ўғли Расул деб.

ҚЎШИҚ

Йўлга чиққан ҳар одам
Куруқ чиқмас бегумон.
Нон олади, шароб ҳам.
Аммо, азиз, эй меҳмон,
Тоғларга йўл тутсанг гар
Кел хуржунни тўлдирмай.
Тоғ дилбари нон ёпар,
Тоғ йигити тутар май.

Йўлга чиққан ҳар одам
Куруқ чиқмас бегумон.
Олар ўткир ханжар ҳам.
Аммо, азиз, эй меҳмон,
Ханжар тутма қўлингга,
Ханжар сенга на даркор?

Душман чиқса йўлингга
Бил, тоғликда ханжар бор.
Йўлга чиққан ҳар одам
Куруқ чиқмас бегумон.
Олар йўлга қўшиқ ҳам.
Эшит, азиз, эй меҳмон,
Соз қўшиққа бой бу эл,
Куйлар бизда кўп, аммо —
Қўшиғингни олиб кел,
Қўшиқ керак доимо.

ИККИ ТОМЧИ ЁШ

Шоир ёноғида икки қатра дур,
Икки томчи кўз ёш — икки сабабдан,
Бириси шодлигу бири ғамданур,
Бириси севгидан, бири ғазабдан.

Икки тиник қатра, қайнақ ёш, холос,
Қўшилмаса ожиз томчидир улар.
Ва лекин бирикса, шеър бўлур кўз ёш,
Чақмоқ бўлиб чақнар, сел бўлиб қуяр.

АРМОН

Она юртим жамолин, кўркин
Мен оламга очолганим йўқ.
Елкамда бу юк тўла хуржун,
Тугунини ечолганим йўқ.

Оламда кўп тингладим қўшиқ,
Она тилда қўйга солмадим.
Елкамда бу юк тўла сандик,
Калитини топа олмадим.

АРГУМОФИМ

Арғумоғим, тўхтагин бир дам,
Учма бундоқ монанди дулдул.
Ортда қолди меҳрибон онам,
Ортда қолди қадрдан овул.
Арғумоғим, тўхтадинг нечун,
Тўхтамоқнинг пайтимас асло.
Бизни кутар ўлкалар буқун,
Бизни кутар поёнсиз дунё.

СЎЗ

Халқимда азалдан бор шундай матал:
Сўз билан яралган, дейдилар дунё.
Бу сўз амр эдими ва ёки қасам,
Ёки лаънатмиди ёинки дуо?

Майли, дунё учун умримиз фидо,
Унинг кўксига-чи, сонсиз жароҳат.
Шундай бир сўз беринг, лаънатми, дуо,
Ё қасам. Дунёни кутқарсин фақат.

ТОҒ ФАРЗАНДИ

Эрка ўсмас тоғликнинг ўғли,
Хўп дашномлар олганман мен ҳам.
Шўхлик қилсан, юрмасам тўғри,
Кулогимни буради отам.
Замон мени тергаб турар гоҳ,
Агар бўлса шеърим бўш, нўнок,
Бўшаб қолса или баногоҳ¹ —
Тор кулогин бурайди машшоқ.

МАВЗУ ҲАҚИДА ШЕЪР

Ўсмир эдим. Бир тўйга кириб
Илк бор тотдим шароби қирмиз.
Шунда менга таёнчи бериб,
Дедиларки, танла рақста қиз.
Турар эдим лол этиб ҳайрат,
Билмай сози қайси сарвиноз.
Шунда менга бериб маслаҳат,
Дер эдилар: уни қўй, бу соз —
Йиллар ўтди. Менга соз тутиб
Дедиларки, юртни куйга сол.
Лекин ҳамон менга ўргатиб
Дерлар, умас, буни куйлай қол.

¹ Баногоҳ — тўсатдан, кутилмаганда.

ШОМИЛ¹

Яна ўртар мени эски жароҳат,
 Яна юрагимни қиймалар армон.
 ...У мен учун энди кўҳна ривоят,
 У ҳақда овуллар сўйларди достон.

Кўнгил у эртакни қайдга унутар,
 Кечалар кўз юммай тинглардим тўлиб.
 Ҳатто тоғлар узра сузган булатлар
 Кўринарди Шомил лашкари бўлиб.

У бир қўшиқ эди. Уни гоҳида
 Онам куйлар эди, эслайман ҳамон.
 Онам бу қўшиқни айтар чоғида
 Ўйга чўмар эди кўзлари гирён².

Суратдан боқарди черкаска³ кийган
 Кўзида ўт ёнган суворий одам.
 У чапақай эди. Чап қўли билан
 Қилич дастасини туттанди маҳкам.

У суратдан боқиб кузатган эди
 Иккита акамни муқаддас жангга.
 Онам марвариду балдоғин берди
 Унинг номи билан аталган танкка.

¹ Шомил — Дагистон ва Чеченистон тоғли халқлари-нинг чор Россияси мустамлакачилари зулмига қарши ҳаракати (1834—1859) раҳбари.

² Гирён — йигловчи, йиглаб турган.

³ Черкаска — черкасча кам.

Ўлимидан аввал отам бечора
Унга бағишлиди ажойиб достон,
Лекин Шомил номин қилдилар қора,
Ёғдирдилар марднинг шаънига бўхтон.

Балки шу кўргилик бўлмаса, отам
Кўпроқ яшармиди... мен ҳам айбдор.
Кўпнинг овозига жўр бўлиб мен ҳам
Шомилни шеър билан қилгандим абгор.

Халқим эрки учун тоғли еримда
Ёвларга беаёв бўлганди Шомил.
Болалик қилдиму, мурғак шеъримда
Мен уни атадим сотқин ва қотил.

Тоғларни тун чулғар. Ётаман беҳол,
У дарчам олдида пайдо бўлади.
Гоҳида мўйсафид, кўпни кўрган чол,
Гоҳи лашкарбоши бўлиб келади.

Дер: «Нелар кўрмадим дардли оламда,
Қанча азобларга бўлдим гирифтор.
Ўн тўққиз жароҳат ёнар танамда,
Сен, гўдак, тиф урдинг йигирманчи бор.

Ўн тўққиз ярага чидадим, биллоҳ¹,
Ўн тўққиз ярамдан қолмади асар.
Лекин сен урган тиф битмагай, э воҳ,
Болам бўла туриб солдинг-ку ханжар.

¹ Биллоҳ — Худо ҳаққи.

Озодлик жангига боримни бердим,
 Кўшиқ, майшатга бўлмади фурсат.
 Малдоҳларни баъзан қамчилар эдим,
 Шеърбозни калтаклар эдим бешафқат.

Лекин мен уларни жабрлаб, уриб,
 Хато қилгандирман ва лекин ишон,
 Сендек сафсатабоз шоирни кўриб
 Ҳақлигимга бир бор келтирдим имон».

Тонггача қаршимда турар у сиймо,
 Тонггача ўша рух беради озор.
 Қуюқ соқолини бўяган ҳино,
 Попоги¹ устидан ўраган дастор².

Мен унга на дейин? Унинг қошида
 Ва сенинг қошингда айблиман, ҳалқим,
 Мен хато қилгандим гўдак ёшимда,
 Лекин чекинмоққа йўқ бу кун ҳаққим.

Ноиб Мурод бир вақт Шомилдан кетиб,
 Сўнг пушаймон бўлди. Яна қайтмоққа —
 Аҳд қилди-ю, аммо ажали етиб
 Йўлда дучор бўлди тубсиз ботқоққа.

Мен ҳам пушаймонман ўз шеърим учун,
 Яна ортга қайтиб, қилдим деб хато —
 Ё узр сўрайми Шомилдан бу кун!
 Йўқ, йўқ, ботгим келмас ботқоққа асло.

¹ Попог — қалпоқ. Тоғликларнинг бош кийими.

² Даствор — салла.

У ҳам кечирмайди барибир мени,
Мен отдим орқадан, пана жойдан ўқ.
У қиличда ёзган мардлик шеърини,
Менинг бўхтон шеърим кечирмайди, йўқ.

Майлига... лекин сен қил менга шафқат,
Халқим, кечир, сени севаман ёна,
Жон ўлкам, сен мени қарғама фақат,
Мисоли ўғилдан ранжиган она.

*Машраб Бобоев
таржимаси*

БЕМОР ЎҒИЛ БОШИДА ОНА КУЙЛАГАН ҚҮШИК

Майли, уйга тўлсин тамаки иси,
Майли, май иссанг ҳам, бўза¹ иссанг ҳам.
Майли, мен кампирга раҳминг келмасин,
Фақат тезроқ соғай, соғайгин, болам!

Майли, олис юртга чиқиб кет уйдан,
Менга у томондан хатлар ёзмагил.
Майли, қайси қизга хоҳласанг уйлан
Ва бевалар билан билганингни қил.

Ардоқлаб ўстирдим сени ғунчадек,
Кўксим ҳароратин бердим бир олам.
Майли, ич, лаънати тамакини чек,
Фақат тезроқ соғай, соғайгин, болам!

¹ Бўза — арпа, тариқ ва бошқа донлардан тайёрлана-
диган маст қиласидиган ичимлик.

ОНАМГА

Тоғ боласи, шүхликларимдан
Тоқ қилардим мен тоқатингни.
Катталардай, ўжарлик билан
Қайтараардим барча гапингни.
Йиллар ўтди.

Тақдирдан ҳаргиз
Хайиқмасдан мен топдим камол.
Энди сенинг олдингда тез-тез
Ийманаман ёш бола мисол.

Бугун уйда иккимиз яна,
Унсизгина титрайди қалбим.
Оқсоч бошим аста қўяман
Сенинг илиқ кафтингга мен жим.

Аlam хуруж қиласи тағин,
Аlam эзар мени, онажон!
Сени жиндай шод қилолмадим,
Асир этган телба бир сурон.

Айланаман унда чархпалак,
Сирқиратар ғавғо танамни.
Бирдан ортга тортади юрак:
«Унутдимми, — дейман, — онамни?»

Ўртаса ҳам сени ҳаяжон,
Кўзларингда кулар муҳаббат.
Кўз ёшингни артасан пинҳон
Ва хўрсишиб қўясан фақат.

Юлдуз чақнаб сўнгги бор тунда,
Ёритади энг сўнгги йўлин.
Бугун сенинг илиқ кафтингга
Оқсоч бошин қўяди ўғлинг.

ЎҒРИЛАР ҲАҚИДА

Қилмасанг эҳтиёting,
Ўғри беради додинг.

Бас келиб бўларми
Уларга, ҳай-ҳай!
Ишлари — ўмариш
Туну кун демай.
Бири кўпроқ урар,
Бириси — озроқ.
Гоҳо думба унар,
Гоҳо — бир оёқ.
Бирининг бўгчаси
Кўлтиқда кетар,
Бирининг ўлжасин
Арава элтар.
Баъзи ўғрилар бор,
Ўғри деб кўр-чи!
Баъзиларга тайёр
Қоп-қора курси.

Қари ўғри ҳакка
Бўтқасин қўзғар,
Гапни улаб гапга

Хикоя сўзлар:
«Ўнта бармоқ — ўн ўртоқ
Йўлдошлар эди.
Икки кўрсаткич бармоқ
Йўл бошлар эди.
Ўрта бармоқлар топар,
Бош бармоқлар ер,
Холис бармоқлар фақат
Билар эди сир.
Сувдан чиқди-ю қуруқ
Саккизта бармоқ.
Кесилди гуноҳи йўқ
Икки жимжилоқ».

Қилмасанг эҳтиётинг,
Ўғри беради додинг.

Ўғри ҳар хил бўлар:
Ёлғиз ё шерик.
Гоҳ отарни ураг,
Гоҳ — кимнинг шеърин.
Нонга қорни тўйди,
Қаппайди кармон,
Энди-чи, етмайди
Бурнига нарвон.
Кўнгил қурғур чопар
Ҳамон юксакка.
Ўзга билан ётар
Ўзга тўшакда.

Қари ўғри ҳакка
Бүтқасин қўзғар.
«Ўнта бармоқ — ўн ўртоқ
Йўлдошлар эди.
Икки кўрсаткич бармоқ
Йўл бошлар эди.
Ўрта бармоқлар топар,
Бош бармоқлар ер,
Холис бармоқлар фақат
Билар эди сир.
Сувдан чиқди-ю қуруқ
Саккизта бармоқ.
Кесилди гуноҳи йўқ
Икки жимжилок».

Тоғлардан тоғ туғилар,
Ўғрилардан — ўғрилар.

Тулкининг ҳаммадан
Ҳурмати баланд.
Изни ёпишда гап
Усталик билан.
Хўп устаси фаранг
Баъзи ўғрилар.
Ҳатто қонунга ҳам
Чап берар улар.
Кўй бўлганда ўлжа
Чиқмайди иси,
Аммо, тушар қўлга
Хўроз ўғриси.

Қари ўғри ҳакка
 Бүтқасин құзғар.
 «Үнта бармоқ — ўн ўртоқ
 Йўлдошлар эди.
 Икки кўрсаткич бармоқ
 Йўл бошлар эди.
 Ўрта бармоқлар топар,
 Бош бармоқлар ер,
 Холис бармоқлар фақат
 Билар эди сир.
 Сувдан чиқди-ю қуруқ
 Саккизта бармоқ.
 Кесилди гуноҳи йўқ
 Икки жимжилоқ».

«УНУТИЛГАН НАЙ НАВОСИ» ФИЛЬМИДАН ҚЎШИҚ КОМПОЗИЦИЯСИ

Баҳор оқшомида мени ўйлагил,
 Ёзниңг оқшомида мени ўйлагил,
 Куэзниңг оқшомида мени ўйлагил,
 Қишининг оқшомида мени ўйлагил!

Майли, сендан йироқ жойларда бўлай,
 Ўзга юртлар, ҳатто ойларда бўлай,
 Хуш бўйларга тўла хонаи хобда¹,
 Ширин бир энтикиш, бир изтиробда
 Мени хаёлингдан чиқарма бир дам,
 Ойдин тушларингга айлагил ҳамдам!

¹ *Хонаи хоб* — ётоқхона.

Баҳор оқшомида мени ўйлагил,
Ёзнинг оқшомида мени ўйлагил,
Кузнинг оқшомида мени ўйлагил,
Қишининг оқшомида мени ўйлагил!

Кундуз мени ўйла демасман асло:
Кундуз ўйламасанг — урмагай бало!
Кундузинг ўзингга ҳавола, жоним,
Бошқа дардларингни давола, жоним,
Кундузинг — ўзингга, билганингни қил,
Лекин оқшом фақат мени ўйлагил!

Баҳор оқшомида мени ўйлагил,
Ёзнинг оқшомида мени ўйлагил,
Кузнинг оқшомида мени ўйлагил,
Қишининг оқшомида мени ўйлагил!

Энтиkkил, менинг ҳам энтик нафасим,
Олислардан келган соғинчли сасим
Деворингдан сизиб, ёнингга кирсин,
Куршаб олсин сени мисли бир тилсим!
Яшагил ишқ деган жавоҳир ичра,
Бахт ичра, ҳадигу хавотир ичра!

Баҳор оқшомида мени ўйлагил,
Ёзнинг оқшомида мени ўйлагил,
Кузнинг оқшомида мени ўйлагил,
Қишининг оқшомида мени ўйлагил!

*Мамарасул Бобоев
таржимаси*

ТОҒЛИК КЕКСАЛАР

Улар яшар баланд тоғларда, қайдам,
Пайғамбар давридан, балки? Ким билсин...
Шарқдаги энг баланд чүкүлардан ҳам
Баланд билар улар ўз ор-номусин.

Фикридан уларни қайтаролмайсан,
Фаҳму фаросати шундай баркамол,
Бирөвга анчайин, бир марта боқса,
Қандай одамлигин айтади дарҳол.

Уларга аёңдир нур ва соядай,
Жанг олдиdan айтар нима бўлар ким.
Ким жангда қўкрагин тутар қоядай,
Ким ёвга тиз чўкиб, бўлади таслим.

Ҳар қандай ёлғонни пайқашар дарҳол,
Кимнинг лабларидан чиқмасин у гап.
Бўлмасин қанчалик нозик ва маккор,
Айтилмасин қанча пардага ўраб.

Ёз-қиши бир пўстинда юрган тоғдаги —
Оппоқ соч-соқолли у нуроний чол,
Гапни шундай чертиб гапирадики,
Гапи бўлиб кетар дунёга мақол.

Халқ сақлар уларга дилдан эҳтиром,
Кексалар ҳар ишда элнинг йўлдоши.
Улар ақли бўлди бу халққа мудом —
Маслаҳатгўй, элчи ва лашкарбоши.

Агар бир бегона отлик узоқдан
Отин ниқтаб келса овулга томон,
Нима мақсад билан келар у ёқдан,
Бу гап аллақачон чолларга аён.

Билишар овулда қандай иши бор,
Енгилми-оғирми, жўнми-қийинроқ?
Ёки тўй қилмоқчи — бир қизга хуштор.
Ёки бирор уйга бўлмоқчи қўноқ¹.

Битта ўғил бола туғилди Чўхда².
От қўйдилар унга Камолил Башир³.
Бир чол айтганмиш у туғилган чоғда:
— Тоғликлар бошига ташвиш қалашур.

Ўсиб улғайганда у гўзал ўғлон,
Қиз-жувонлар севиб, қилас сийна чок,
Тоғликлар номусин сақлаб, бир замон
Ўз отаси уни қиласди ҳалок!..

Шомил бир озгина ўсиб, улғайиб,
Мўйловлари энди сабза урганда,
Бир тўп яланг оёқ болани йигиб,
Уруш-уруш ўйнаб чопиб юрганда,

¹ Қўноқ — меҳмон.

² Чўх — Догистондаги овул.

³ Камолил Башир — афсонавий гўзал йигит.

Кўриб деган экан гимринлик¹ кекса
 Бир куни улғайиб мана шу гўдак,
 Баҳодир қўллари милтиққа тегса,
 Кавказ осмонида янграп гулдурак!

Маҳмуд шеърин тинглаб ва англаб кучин,
 У ҳақида айтган овулда бир чол:
 — Гўзал хотинларнинг кўzlари учун
 Кўкрагидан ўқ еб, топади завол...

Шеъримнинг нуқсони, кучи ҳақида,
 Олим, танқидчилар китобидамас,
 Шу чолларнинг шинам саклаларида²
 Бир сўз айтилишин қиласман ҳавас.

Булар мағрур, аммо такаббур эмас,
 Барча сиру асрор буларга аён,
 Билар осмондаги юлдузлар бесас
 Бир-бирига не сир қиласди баён.

Улар мағрур, аммо такаббур эмас,
 Арғумоғим бериб уларга ўзим —
 Хоҳ чиқсам баландга, хоҳи тушсам паст,
 Улар қаршисида қиласман таъзим.

¹ Гимрин — овулнинг номи.

² Сакла — тоғликлар уйи.

КЕЧА ВА КУНДУЗ

Гарчи мен гул эмас, чечакмас сен ҳам,
Бир куни шарт кесар бизларни бераҳм
Кундуз деб аталган оппоқ юз боғбон,
Кеча деб аталган қора кўз боғбон.

Майли, сен буғдоймас, мен арпа эмас,
Барибир ўради бир кун, аямас —
Кундуз деб аталган ўроқчи ўғлон,
Кеча деб аталган ўроқчи жонон.

Мен ота кийикмас, сен она кийик,
Барибир, завқ билан отиб ташлар тик —
Кундуз деб аталган ўткир кўз овчи,
Кеча деб аталган қора юз овчи.

Бизни ийқитарми биринчи сайёд¹,
Кўксимиз тешарми иккинчи сайёд,
Қўл титраб отолмас неча бор бири?
Нишонга ололмас неча бор бири?

ҚЎШИҚ

(«Муи қўшиқлари» туркумидан)

Кўзин юмди отам дунёдан,
Онам дардин ичга соларди.
Ой нурида бешик тебратиб,
Менга кулиб аллалар айтиб,
Аммо ўзи йиглаб оларди.

¹ Сайёд — овчи.

Гўзал эди ёргинам, аммо
Бевафолик қилиб қоларди.
Секин менга дер эди онам:
«Ҳечқиси йўқ, куйма, жон болам»,
Аммо ўзи йиғлаб оларди.

Кўшиқ айтсам, чалиб чилдирмам,
Йигитчалар қулоқ соларди,
Оҳ чекарди кўксига уриб...
Уларнинг ҳам онаси кўриб,
Кулиб, кейин йиғлаб оларди.

Ташлаб кетди мени онам ҳам,
Йиғлагандан йиғлаб толардим.
Айрилиқдан бошим эди ҳам,
Ёлғиз уйда бечироқ, бешам,
Қанча-қанча йиғлаб олардим.

ГЎЗАЛ ҚИЗЛАР

Муҳим бурчни ўтай деб мен ҳам
Баъзан яқин дўстларим билан
Уйдан чиқиб кеч ё субҳидам
Узоқларга бориб қоламан.

Унда дўстлар етаклар мени,
Меҳмонга лутф ҳар ерда одат.
Шаҳарнинг энг соз жойларини
Кўрсатишар навбатма-навбат.

Элта бошлашади вайроналарга:
— Деворлар, боқ, қандай мустаҳкам.
Элтишади бутхоналарга¹,
Қолмас түпту түпхоналар ҳам.

Тоқатим тоқ.
Сир бермайман ҳеч,
Аммо, дўстлар билсами шу чоқ:
Гулгун ёноқ қизлар кулгичи
Диққатимни тортди кўпроқ.

Қалъа кўрдим Терек² томонда,
Ўчмас бўлиб ёдимда қолди.
Бунга сабаб, қалъа ёнида
Бир қиз менинг ақлимни олди.

Ереванда обида узра
Бир шеър ўйлаб сурардим хаёл.
Диққатимни тортди ўзига
Маро номли бир соҳибжамол.

Мен севаман ҳамма қизларни:
Уятchan ва меҳрибонларни,
Вафолию вафосизларни,
Ер париси, жонажонларни.

Қизлар, сизни кўрсам мен дейман,
Олимларнинг хато исботи
Уларга ҳеч ишонгим келмас:
Маймун эмас инсоннинг зоти!

¹ Бутхона — бутпарастлар ибодатхонаси.

² Терек — Кавказдаги дарё номи.

Баъзан ғамдан юзларим сариф,
Үтли қайғу күнглим ёқиб дер:
Ҳаёт нима — эски бир тарих,
Баҳоси ҳам ярим чақадир...

Шундай чоғда,
Бир гўзал қизнинг —
Табассуми бахш этур ҳаёт.
Дунё акси бўлган шу юзнинг
Ёғусидан дил бўлур обод.

Қизларни биз гулга қилиб teng,
Чиройига бўламиз асир.
Қиз севмаган одамлар, айтинг,
Ҳаётсевар бўларми, ахир?

Ушбу шеърни ёзар эканман,
Бир қиз бўлди қаршимда пайдо.
О!.. Қаламим тушди қўлимдан.
Қизлар, яшанг тургунча дунё!

ИНСОН РУҲИЯТИ

Қанча ўзгармасин замину замон,
Мен ҳали ўзимни ёш деб биламан.
Сочим оқ бўлса ҳам ўзимни ҳамон
Ўн саккиз ёшда деб хаёл қиласман.

Ўлайми, куяйми бу ҳолга, йўлдош?
Йигитчалар мени тан олмас сира,
Ҳисобламас мени ўзига tengдош,
Уларга эргашиб юрсам-да бирга.

Баъзан, юрак гуп-гуп урган маҳали —
 Күркүб кетиб — унга қулоқ соламан
 Ва бир ҳақиқатни билиб қоламан:
 Ёшларга бу ҳолат бегона ҳали.

СЕН МЕНИНГ ҲАЁТИМСАН

Менимча, бу ҳаёт ажойиб нарса.
 Күрсатур бир кунда минг турли мақом.
 Гоҳ фамдан у мени тош қилиб қўйса,
 Гоҳ бола шодлигин қиласи инъом.

Гоҳ қушдай учирар баландга, қирга,
 Гоҳ чўққидан ерга йиқитиб ташлар.
 Гоҳ мени темирдай киргизар ерга,
 Гоҳ арқон сингари тоблару эшар.

Гоҳ фам, гоҳ шодлигин солар кўкракка,
 Гоҳ у пичоқ чархлаб, дамини якбор¹ —
 Кўксимга тўғрилаб, санчар юракка...
 Юракда бўлса-чи, сенинг номинг бор.

Сен ҳам шу ҳаётга ўхшайсан, санам,
 Гоҳ ситамкор, гоҳо меҳрибон, иноқ.
 Кўлингдан келади ерга тиқмоқ ҳам,
 Ер узра тутмоқ ҳам мисоли байроқ.

¹ Якбор — бир бора, бир марта.

ТАФОВУТ

Умрим чопар, аммо тоғли пойтахтнинг
Янги хиёбону күчаси тўлиб —
Ўтар эгалари бу давр, баҳтнинг,
Ёш ҳамشاҳарларим ўйнашиб, кулиб.

Учрашувлар гўзал, суҳбатлар қизғин,
Ошиқлар эгаллар толлар тагини.
Йигит совуқ еган севимли қизин
Кифтига ташлаган ўз пиджагини.

Мен уйга шошаман, унда хотиним —
Терговига жавоб беришим керак.
Сўнгра, ўтираман чиқармай сасим,
Қовоқ солиқ, қўллар иякка тиргак.

АХВАХ¹

Хурсандчилик қиласилик десанг,
Кел, Ахвахга томон юрайлик,
Ёш ўтганин билайлик десанг,
Қизлараро синаб кўрайлик.

Кел, бўйсуниб у ер расмига
Ёшлиқ завқин тотиб кўрамиз.
Бирор қизнинг деразасига
Попогимиз отиб кўрамиз.

¹ Ахвах — Догистондаги овул.

Маълум бўлар шу замон бизга
Кўнгил берган кимга у гул юз.
Кимнинг бўрки¹ қайтса изига,
Демак, уни севмас экан қиз.

... Мен эслайман бир баҳор шомин:
Кулар эди уфқда ҳилол,
Гуллаганди севги айёми...
Эсга келар гўё бир хаёл.

Ўша узоқ ёшлик чоғида
Катта ёшли йигитлар билан
Жўра бўлиш иштиёқида
Ажралмасдим сира улардан.

Шу сабабдан мен бўлдим бир кун
Бир бегона ҳовлида пайдо.
Ўсал бўлдим, уялдим, лекин
Пушаймоним йўқ бунга асло:

Кўпик каби шивирлар барглар,
Ярқирарди кўк узра ҳилол.
Ёниб куйлар бир тоғлик дилбар,
Узоқ тинглаб, мен ҳам бўлдим лол.

Куйлар қуёш, юлдуз ҳақида
Висол завқи ва хижрон доғин.
Бахтли ўғлон, кел ўз вақтида,
Ром этмасин бирорлар тағин.

¹ Бўрк — бош кийими.

Типирчилаб қүшдай юрагим,
 Қизни күриб ёнар, орзиқар.
 Ўз бўркини отди аллаким,
 Деразага учди попоқлар.

Таваккал деб, юрагим тошиб,
 Толеимни синай деб шу дам,
 Попоқларнинг ортидан шошиб,
 Ўз кепкамни иргитдим мен ҳам.

Нафас олмай боқдим интизор:
 Ойдин кеча тўп қўзичоқлар —
 Фовдан сакраб ўтгандай қатор
 Ташқарига учди попоқлар.

Соябонли менинг кепкам ҳам,
 Мижиқланган қанот сингари,
 Ерга келиб тушгач, фаҳм этсам:
 Менга баҳтим боқмиш тескари.

Раҳми келиб дер соҳибжамол:
 — Тўхта, тўхта, бери кел, ўғлон.
 Ҳали эрта, фурсат бор хиёл.
 Кейинроқ кел, албат, укажон.

Уялгандан қон қочиб бетдан
 Дил ўртаниб юрдим мен нари.
 Кимдир шу чоқ бўрки кетидан
 Деразадан кирди ичкари...

Йиллар ўтди оқин сувлардай,
Барглар бўлди неча бор ҳазон.
Тоғ ошгандай, Ахвахга атай,
Йиллар оша келдим бу замон.

Тоғ қизлари, гўзал жононлар...
Энди бу гал қайтмасман қуруқ.
Менга ҳамроҳ бошқа ўғлонлар,
Булар ичра мен ёши улуғ.

Такрорланди боз¹ ўша саҳна,
Ўша қўшиқ, ўша ой, юлдуз.
Барглар куйлар оҳистагина,
Деразада худди ўша қиз.

Ишіга тушди попоқлар яна,
Қиздан иқбол кутган нозик дам.
Очиқ турган ойнадан, ана,
Учиб кирди пўрим шляпам.

Ҳамма ҳайрон, жим боқишарди,
Бахт ўйинин охирин кутиб.
Попоқлар-чи ерга тушарди
Енгилгина чангин тўзғитиб.

О, менинг ҳам шляпам учди,
Кўқда бирдан чирпираб чунон,
Анча жойга бориб ер қучди
Ўққа учган қарғадек бежон.

¹ Боз — яна, тагин.

Шунда менга қараб қиз деди,
Таъна қилган каби беомон:
— Кеч қолибсан висолга энди,
Қаёқларда юрувдинг, ўғлон?

Ҳаммаси ҳам аввалги тахлит,
Гувоҳ ўша кўк юлдузлари.
Мендан ёшроқ бошиقا бир йигит
Деразадан кирди ичкари.

Доим шундай:
Қалб тўла ният,
Лекин унга етолмайман ҳеч,
Ё келаман жуда ҳам барвақт,
Ё келаман ҳаддан зиёд кеч.

ЮЛДУЗЛАР

Юлдузларга кеча-кундузлар
Ракеталар учди басма-бас.
Эй одамлар — юксак юлдузлар,
Сизга учеб етсам, менга бас.

Зоҳиджон *Обидов*
таржимаси

ДЎСТЛИК ҲАҚИДА ҚИССА

Сўрсалар мендан агар: «Не билан ҳаёт азиз?»
«Ёв кўз ёши, дўстларнинг қувончи-ла», —
дейман тез.

Менинг юртим тик қоя, улкан тошлар аро жо,
Довруғи анча катта, ери кичикдир аммо.

Эртакдаги боғ эмас, кам ҳосилли ери бор,
Дўстликдан қудрат топмиш, севгиси ҳур ва бисёр¹.

Бир кун шу қорли тоғлар каби сочи оппоқ чол
Қазо чоги келганин пайқаб бўлибди беҳол.

Бироқ уни ўлим банд қилиб олмоқдан аввал,
Кечган умрин сўроқлаб, берибди шундай савол:

«Қандай яшаб, не тахлит ўткарган эдинг умр,
Қани айтиб бер, — дебди, — тортинасадан
бирма-бир».

Сўйлай бошлабди шўрлик келган чоқда сўнгги он
Кўрган-кечирганларин қисқача қилиб баён.

¹ Бисёр — кўп, ортиқ, зиёда.

Ўзин пок асраганмиш, бўлмайин деб нобакор,
Гуноҳ йўлга кирмабди, ичиб-чекмабди зинҳор!

Эрта тонгдан то оқшом келгунича бечора
Беш вақт намозин ўқиб, еб-ичибди уч бора.

Ўғрилик не билмабди, не билса билдирмабди,
Ҳалолу пок яшабди, олмабди ҳам бермабди.

Ўлим тинглаб чол сўзин, дебди содда, бепарво:
«Ҳа, яшабсан, эй ота, гўёки бир авлиё.

Эй кекса, сочинг ўхшар улкан қорли тогларга,
Қилдиргансан эзгу иш дил тортар ўртоқларга.

Шул сабабдан уларнинг кўнглин қилмай, деб,
вайрон,
Ортга сурай қазойинг муҳлатини, бобожон.

Қилиб ҳар бир энг яқин дўстларингдан армуғон,
Бир йилдан умрин олиб, сенга берайин, кувон!»

Мурдадек бўзарибди чолнинг юзи шу онда,
Дўсти тугул, йўқ экан душмани ҳам жаҳонда.

Ўлим қилибди хитоб: «Ундай бўлса, эй доно,
Тирик юрсанг-да ўлик экансан-ку доимо.

Ҳозирлик кўр, мен билан биргаликда кетурсан,
Кимга ҳам даркордирсан, кимни ҳам шод
этурсан?»

«Эй ўлим, сўзларингни мақбул деб тан олурман, Ашаддий ёв бўлсанг ҳам, бу гапинг ҳақ билурман».

Инсондирмиз, демакким, дўстларсиз умр маҳол,
Дўстларсиз қазо топмоқ ундан ҳам оғир, малол.

Дүстларсиз кичик халқым янчиларди батамом,
Улуғланди дүстликдан, дүстлар бор, яшар омон.

Бизларға дүстлик даркор, у ҳақда қүшиқ
даркор,
Хаводан ҳам нондан ҳам шунга муштоқмиз
минг бор.

БУЛГОРИЯ ГУЛЛАРИ

Булғория гуллари, ақиқдай¹ гуллар,
Ёш ўлка гербіда борсиз бу замон.
Құярдим сизларни ҳақ берилса гар
Ёқутранг юлдузлар билан ёнма-ён.

Булғория гуллари, ақиқдай гуллар,
Қошингизда ўзга чечаклар бекор.
Мен сиздан ясардим ҳақ берилса гар
Гүзәллик орденин қилиб ифтихор.

¹ Ақиқ — қызил рангли ялтироқ, қимматбаҳо төш; мажозан: қызил ранг.

*Эргаш Мұхаммад
таржимаси*

ВАТАН ҲАҚИДА

Тушуна олмасдим, тушундим букун —
Керак әмас менга ҳеч бир таржимон —
Қүшлар кузда учеб кетаркан, нечун
Йиғлар улар аччиқ,
Күйлагай нолон.

Мен аввал ўйлардим: бесабаб алам —
Чекар чангта ботиб барглар куз маҳал.
Она шохин ўйлаб чекар улар ғам —
Мен энди англадим,
Билмовдим аввал.

Билмасдим ва лекин оппоқ бўлиб бош,
Йиллар ўтиб, мана, тушундим алҳол¹,
Не учун чўққидан кўчган кичик тош
Бунча бўзлаб йиғлар
Тириклар мисол.

Сени ўз туғилган юртингдан йироқ —
Йўллар ёхуд тақдир олиб кетган дам
Ватан севинчи ҳам, англадим, фироқ,
Аччиқ қўшиғи ҳам,
Нурсиз ишқи ҳам...

¹ Алҳол — энди, ҳозир.

УЧ БОРА

Мен йигладим уч бор дунёда,
Ҳеч қачон бош эгмадим аммо,
Тоғ чўққиси чўмиб зиёга,
Бўлди менинг кўз ёшимга жо.

Овулдаги нуроний тоғда
Боболарнинг удумин қилиб,
Шоир отам деган бир чоғда:
— Сен улғайдинг ҳисни пок билиб!

Яраландим уч бора беҳол,
Қақшаб оқди ундан ер дарди,
Қизил бута гуллари мисол
Юрагимдан томчи томарди.

Туман аро сас келди аммо:
— Бил: тузалар — шунаقا қонун —
Фолибларнинг дарди доимо
Енгилганлар дардидан бурун.

Шеърлар ичра менга энг азиз
Юрт ҳақида уч қўшиғим бор,
Менинг учун унинг эркисиз
Хатто бир кун яшамоқ душвор¹.

Умид билан этдим илтижо
Юлдузлардан, тонглардан уни.
Шундай чоғда келди бир нидо:
— Муқадлас деб билдинг севгини!

¹ Душвор — қийин, оғир, мушкул.

Уч мартаба тобланган аср
 Босқинида мен тиз чўкканман.
 Аскарликда энганиш ахир,
 Алвон байроқ бурчин ўтганман.

Ўтмишда ҳам урчиган шарпа,
 Панжарага айланган қат-қат,
 Лек сас келди:
 — Тиз чўк, ҳар дафъа
 Эзгу ният олдидা фақат!

АЙМОҚЛАРИМ ҲАҚИДА

Дунё кездим. Сўрсалар агар
 Гўллик билан мендан ҳайратда:
 «Уруғингдан бер-чи
 бир хабар,
 Борми улар бошқа давлатда?» —

Тоғ овулин томидан яккаш
 Йирокларга ёриб кираман,
 Худди менинг отамга ўхаш
 Истамбуллик туркни кўраман.

Тор кўчалар ортида зиё
 Аста сўниб,
 қуёш ботган чоғ
 Учратгандек ўз ўғлин гүё,
 Ташлаганди у менга нигоҳ.

Порлар кичик томчыда ботин
Күкда кезган улкан қүёш ҳам.
Ёдимдадир каприлик хотин,
Үхшаб кетар унга волидам.

У қолғанди қирғоқда қараб,
Ортимиздан силкиганча құл —
Тұлқинларға қарши эрталаб
Биз соҳилдан олган чоғи йўл.

Яқин бўлиб қолди Париж ҳам:
Париж кузин сингдириб бутқул
Бир гўзал қиз олиб келган дам
Менга атаб қирмиз чиннигул.

Яширмайман, мен яширмайман,
Макиларга этса ҳам итоб
Тортинмасдан ўз синглим дейман,
Шажарамга бўлса ҳам хилоф.

Зотларимга талпиниб бетин
Не-не кучли тўфонни енгдим.
Узган чоғда қуллик занжирин
Африкалик бағрига сингдим.

Аймоқларим кўпдир шу қадар,
Ватанимга раҳмат дейман мен.
Мендан сўраб қолсалар агар:
«Бўлганмисан асирикда сен?» —

Дейман: нега бўлмайлик тутқун
Барча қардош халқларга, ахир.
Мени чехлар дўстлиги букун
Эта билди тамоман асир.

Қозонликнинг қизил гулидан
Рус аскарин қабри қизилроқ.
Булғор меҳри ўчмас дилимдан,
Банди этган ўзига мутлоқ.

Кенгайгандек наздимда замин,
Ким ҳам олар фурурим тортиб,
Бу безовта дунёда тағин
Аймоқларим бормоқда ортиб.

*Нуриддин Шукуров
таржимаси*

ШЕЪРИЯТ

Аввал иш, ишдан сўнг дам олиш — одат,
Сафар, сўнг ўн минут ҳордиқ чиқариш.
Мен учун ҳордиқ ҳам, иш ҳам — шеърият,
Ҳам — сафар, ҳам — ҳордиқ чоғдаги роҳат.

Бешикда аллалаб, тепамда мудраб,
Жасоратга ундан, куйлаб кўкламни,
Қалбимда туғилдинг муҳаббат бўлиб,
Мен сен билан кўрдим ёруғ оламни.

Бола эканимда сен она эдинг,
Улғайтач сен бўлдинг севимли дилдор.
Кексайсам бўлурсан қиздай меҳрибон,
Ўлсам хоким узра қолурсан ёдгор.

Баъзан чиқиб бўлмас тоғсан мен учун,
Баъзан ўргатилган қуш каби қобил,
Курашганда — қурол, учганда — қанот,
Сукунат эмассан ёки соқов тил.

Қаерда иш тугаб, бошланар тиним?
Қачон сафар? Қачон ўн минут ҳордиқ?
Билмайман, сен менинг куним ҳам туним,
Дам ҳам, машаққатли меҳнат ҳам сенсан.

ТОҒЛИКЛАР

Тоғликлар нақлича, ўликлар бедор,
Азага келганни улар кўрармиш.
Шу учун азага келганлар қатор
Тобутдан сўл ёқقا бориб турармиш.

Тоғлар тоғлар билан учрашмас, лекин
Хотира сақлаш хос замон, заминга.
Шу учун тириклар вақти-вақтида
Ўликларга бориб турар таъзимга.

Зиёрат қилғали онам қабрини
Топмасди ҳеч бир куч тан билан жоним,
Турмасдим лаб тишлаб, ютиб нафасим,
Тоза бўлмасайди агар виждоним.

Онамни зиёрат қилиб, қабрдан
Қайтарканман гўё тўкиб армоним,
Рұҳим енгил тортиб қолади бирдан
Янгиланган каби жоним, имоним.

Қадим ривоятда айтилган такрор:
Ҳасратзадалар ҳам тинчир оқибат:
Ўликлар олдида кимки гуноҳкор
Яна кўп гуноҳлар ортириар беҳад.

Мен кўпинча узоқ-узоқ элларда
Юртдан юртга ўтиб кезиб юраман.
Шунда ўйлагандага ўз диёримни
Отам қабри узра, чапла тураман.

ЁШ ШОИРГА

Балки қилолмасман сенга устозлик,
Лекин эсингда тут шуни, ёш шоир:
Шеър дунёга келмас тўлғоқсиз, дардсиз,
Шодлик ё қайғунинг фарзандидир шеър.

Хоҳи лаънат ўқи, хоҳи мадҳия,
Бир хил бўл ҳаётда ва шеъриятда.
Шуни унутмаки, тўй либосин ҳам,
Оппоқ кафанинг ҳам игнаси битта.

Толе ҳақида ёз, шундай ёзгинки,
Юзин ўгирмасин юрак ҳасратдан.
Денгизга оқувчи дарё туғилар
Муздек қор, баҳорги илк ҳароратдан.

Мұхаббатни күйла учқур байтларда,
Аммо сенга бўлсин ҳамиша аён:
Ҳақиқий аскарнинг қалбидан доим
Мұхаббату нафрат яшар ёнма-ён.

Шошқалоқлик билан қалам чоптирма,
Ёзгин фақат фикр келганда тобга,
Ким узади, ахир, хом кўк олуни,
Кимнинг ҳаваси бор фирт хом шаробга.

Ҳушёр ва синчков бўл, ахир зўр овчи
Тун бўйи тикилар қорли ўрмонга.
Ўқинг бутадаги қуённи эмас,
Кумушранг тулкини¹ олсин нишонга!

ҚЎРҚОҚ

«Онажоним, мени яширгин,
Ваҳмдан муз кирди қонимга.
Нима қиласай, маслаҳат бергин?
Раҳминг келсин менинг жонимга».

«Шамширни ва попоқни ташла,
Мўйлабингни, ўғлим, қирдиргин,
Рўмолимни ўраб ол бошга,
Тўғри бориб қабрга киргин».

¹ Кумушранг тулки — Догистон тоғларидаги қиммат-баҳо мўйна берадиган ноёб тулки.

Юсуф Шомансур
таржимаси

ШЕРОЗДА

Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,
Каро холига баҳи этгум Самарқанду Бухорони.

ХОФИЗ

Шерозда сўрадим мўъжаз дарёдан:

— Не боисдан, қани, бўлгин-чи иқрор,
Кўпдан сен машҳурсан ёруғ дунёда,
Бошқа дарёлардан нима фарқинг бор?

Жавоб берди дарё қўймай тўлғоғин:

— Ҳавас қилгуликдир номим азалдан,
Хофизнинг босганман у вақт чанқоғин
Ва мени куйлаган у ҳам ғазалда.

Сўрадим Шерозда атиргулдан ҳам:

— Неча асрларки, нечун жаҳонда
Сени аташади энг гўзал, кўркам,
Ахир, гулнинг зоти кўп-ку бўстонда?

Оқшом юлдузидай нечун қаддингни
Ўзга атиргулдан қўюрлар баланд?

— Чунки орттирганди Ҳофиз қадримни
Ўзининг оташин ғазали билан!

Аёллар ҳуснига нигоҳ ташлаб ҳам

Ўша саволимни такрорладим боз:

— Не учун қадимдан сизни бу олам
Ҳусну латофатда санар бекиёс?

— Умрни бир қултум майга ўхшатган
Ҳофиз шундоқ деган саховат ила,
Бир дона хол учун дангал бахш этган
Бухорони шартта Самарқанд ила.

*Miraziz Aъзам
таржимаси*

ГИЛАМ

Бир кун тайёр бўлди тўқилган гилам,
Қирқиб олди митти пичоқда ойим.
Мен унинг кашагин, жуннинг
рангин ҳам —
Барин энг бошидан хотирлаб қолдим.

Сўнг тайёр гиламга қарадим мафтун,
Гулларин, рангларин санадим бир-бир.
Силадим безагин... ўртасин, четин...
Завқ-ла ўйнаб кетдим устида ахир.

Энди баҳор чоғи ўйнаб юрганда,
Суюкли юртимнинг ўтлоқларида.
Худди кўз ўнгимда гилам тургандай,
Болалик пичирлар қулоқларимга.

Ўша гиламдаги рангларни бир-бир
Ерга кўчиргандай бўлар табиат.
Кашагин тортгану бамисли ёмғир,
Безагин тўқиган офтоб фақат.



Қарайман ўтлоққа, тоғ этагига...
Зёр гилам түқибди табиат она.
Қадрдон юртимнинг гилами узра
Завқдан ўйнаб кетгим келади яна.

*Муҳаммад Раҳмат
таржимаси*

БОЛАЛАР

Таратган чоғда ҳам анвойи исни
Парво қилмас эдим зинҳор уларга.
Отаси бўлдиму уч ширин қизнинг
Мехрим тушиб қолди бирдан гулларга.

Энди эрмагимдир ҳар субҳидам боғ,
Ҳар новда остига ўтгум бош тиқиб.
Уларни гулдонга solaётган чоғ
Кўзимдан росмана кетар ёш чиқиб.

Дунёнинг жамики паррандалари
Куйлади, дер эдим бир хил, бетаъсир.
Кўрсам боғда кезар жигарбандларим! —
Яшабман, о, қанча ҳам кар, ҳам басир.

Етса қулогимга энди қүш саси
Шовуллай бошлайди қалбим барт мисол.
Учса йироқларга қушлар галаси,
Чўкар юрагимга ўқинч ва малол.

Эртароқ күрмадим ичию ташин,
Нега ҳаёт қадрин сезяпман энди...
Босганча бағримга қызларим бошин
Үкириб-үкириб йиғлагим келди.

Эсди бахт эпкини қайтадан секин,
Қайтадан чулғади бағримни ваҳм
Күрқардим оламни чўчишидан мен! —
Усиз шу пайтгача қандай яшадим?...

КЕЧИР

Узр сўрамоққа шайман эгиб бош
Насибанг бутуну камлиги учун.
Кеча мен хунбора¹ тўкканимдек ёш,
Бугун сенинг кўзинг намлиги учун.

Гоҳ жадал еламиз, гоҳ қотамиз тек,
Ўзгарар, тусланар бекарор ҳаёт.
Мени аро йўлда қолдирганидек,
Кечиргин, йиқитган бўлса сени от.

Девор соатлари бонг ураётир
Умрнинг яна бир куни ўтди, деб.
Бошингга иш тушса ҳамдардман ҳозир
Ва сен ҳам, эҳтимол, келарсан етиб...

¹ Хунбора — қонли.



Юзлар бор, дейсизки, бирор ўпмаган,
Күзлар бор, бир умр гүё сүлмайди.
Лекин бора-бора ажин күммаган
юз ҳам,
ёш тўкмаган кўз ҳам бўлмайди.

Бир томчи ёмғирга зормиз саратон,
Кузда-чи, ёмғирдан бўламиз безор.
Кеча тўй-томуша кўрган хонадон,
Ким билади, балки, бугун азадор.

Раззок Абдурашид таржимаси

ОДАМЛАР

— Шошмагил, йўловчи, отинг ҳам ҳорди,
Чўхга бургил қани, қочиб кетмас йўл.
Кўзада кўпирган бўзамиз бордир,
Ҳинкал ҳам қайнашда, юра қол, тез бўл!

— Худо ёр, чўхликлар, биламан, асал —
Бўза-ҳинкалингиз, қамаштиргай кўз.
Бироқ, қаранг, бугун оқшомга қадар
Уйга қайтаман деб берган эдим сўз!

— Ўзи келган меҳмон — Худодан эҳсон!
Йўлчи, биз томонга, Гунибга¹ сол йўл.
Бугун бизда тўйдир бир олам жаҳон,
Келинни ўкситма, қани меҳмон бўл!

— Вой гунибликлар-ей, баҳтли бўлсинлар,
Ёшлардан давлат ҳеч ўгирмасин юз,
Бироқ мен ойимга оқшомга қадар
Уйга келаман деб берувдим-да сўз!

— Эй доно йўловчи, кенгаш бер бизга,
Касалхона, ҳаким олисда, бехос —
Хасталик ёпишди бир қўшнимизга,
Эпласанг кулфатдан бизни эт холос!

Табиб бўлмасант ҳам сўздан ясад бол
Умид учқунини юрагида ёқ.

— Жийроннинг згарин, майли, еча қол,
Қўшнингиз қаерда, бошла, бўл тезроқ.

УНУТИБ БЎЛМАС

Менга ном қўйганни унутмам асло,
Унутмайман ёруғ оламда ҳануз —
Шу ҳўмрайган, чўтири қоялараро
Кимки берган бўлса менга нон, уй, сўз!

Унутмасман сира ўт берганни ҳам,
Бўрка ташлаганни нимжон кифтимга,
Унутмасман сира, дуч келгани дам
Дўстона босганни кафтин кафтимга.

¹ Гуниб — Догистондаги овул.

Албатта эслайман, ошиб йўл, олам,
 Ўтиб борар экан умрим карвони:
 Ҳамма аёлларни — аритган фуссам,
 Яна бўлакларин — бўлмиш армоним.

Асло унутмайман, даралар узра
 Кўприк қурганини ишонч-эътиқод
 Ҳам инсон меҳрининг битта қатраси
 Фазаб оловини ўчирганин бот.

Асло унутмайман, оддий бир меҳмон
 Баъзида бўлганин энг ёвуз ғаним.
 Муштини ўқталиб турувин у он
 Гуноҳкор бошимда ўшқириб маним.

Тоғлар оғушида шодмонман, мана:
 Даралар устида мумкин унутмоқ —
 Кимлиги аслида нотайин, яна —
 Ўзлигин йўқотган касларни¹ мутлоқ.

Унутгайман, кимки, ўзи айтган дам
 Гапин уддасидан чиқмадими, бас,
 Кимки инсонлигин оқлолмаса ҳам...
 Бундан бўлакларни унутиб бўлмас!

КЎМАК БЕРИНГ!

Қайдадир дард чекар кичик, мурғак жон!
 Онаси йиглар зор. Одамлар, илдам
 Топиб келармисиз бир дори-дармон,
 Чақириб ул доно ҳакимларни ҳам!

¹ *Кас* — киши.

Дунёга қўл чўзиб зорлангай аёл,
Дунё кўр ёким кар эмас-ку, бироқ —
Унинг ҳам оламча ўз ташвиши бор,
Бироннинг зорига солгайми қулоқ?!

Одамлар, наҳот бу даҳшатмас, даҳшат!
Шошилинг, офатни қувинг беомон.
Сизни бир лоқайдлик бир куни фақат
Кўймаса гўргайди азобга ёмон!

Тоғлик илтижода кўкка чўзмиш қўл,
Ноласин эшитмас ҳеч кимса бироқ.
«Қайда неваралар, қанисан, ўғил?»
Шивирлар, атрофга солади қулоқ.

Қарияга оғир, қисади нафас,
Унга кўмаклашсин ким ҳам бундай дам?!
Ўғиллар шаҳарда, уни эшитмас,
Ўз ишидан ортмас неваралар ҳам!

Тинчини йўқотган, дардманлдир дунё,
Инграб гоҳ дардини билдиргай бизга.
Биз эса бепарво, ўтар фурсат, он,
Гўёки ҳеч нарса сезмагансимон
Юрамиз ўт қалаб ўчогимизга.

Наҳотки ҳаётга ачинмай сира
Дунёни беришга қийгай кўзимиз?!
Наҳот барбод этиб танбаллик ила,
У билан йўқолиб кетсак ўзимиз?

АЁЛ БИЛАН

Дўстлар, узр, боролмайман ёнингизга,
Сиз ҳам келманг юмуш ё бир хаёл билан.
Бугун кечни, тўғрисини айтсам сизга,
Ўтказаман хилват жойда аёл билан.

Бунда фақат иккаламиз — мен ҳамда у,
Соатлар ҳам гўё бу кез тўхтаб қолар.
Сукунат куй-қўшиқларга айланару
Ажаб сирли ҳам сеҳрли маъно олар.

Сиз, юмушлар, қўшин янглиғ кирманг босиб,
Қаршиламай сизни яна малол билан,
Бу оқшомни, айтсам сизга, кўнгил ёзиб,
Ўтказаман хилват ерда аёл билан.

Майли, поезд ўрмон оша ўтгансимон
Бош айлансин яна, яна тинсин кўзлар...
Тунги кўкда порлаб турган беҳад, бесон
Юлдузлардек жилвалансин Ерда сўзлар.

Йиртиб ташлай тунги рейсга билетимни,
Кутганларни алдай, майли, бу сафар ман.
Бугун оқшом ҳамма-ҳамма фурсатимни
Ўтказаман хилват ерда аёл билан!

АЁЛ ЮКИ

- Пичан келтирасан ёйдек букилиб,
Терингдан хўл бўлгай ҳатто хору¹ хас.
- Ойи, сен кўтарма, ахир мен туриб.
— Ўғлим, бу эркаклар юмуши эмас.

Саратон бўлар хоҳ, хоҳ кузак бўлар,
Хоҳ шамол қор селлиб дайдиган дамлар
Овул аёлларин кўраман, улар
Доимий юк билан ҳорғин одимлар.

- Ўзим сув келтиргум туриб субҳидам,
Дарвозани очиб, челак берсанг бас!
- Кўйинг-е, акажон, — дейди сингилчам, —
Бу, ахир, эркаклар юмуши эмас.

Чўққига ўрловчи, баланд сўқмоқ йўл,
Саратон ҳовури бўғади нафас.
— Хотин, қизимизни менга узат, бўл!
— Йўқ, кўйинг эркакка бу иш ярашмас!

Булутлар тўзғиган тоғда ёз-қишин
Ернинг елкасида турган янглиғ қўқ,
Севги андуҳлари, турмуш ташвиши
Аёллар кифтига тушган оғир юк.

¹ Хор — тикан.

Эркаклар жанг қилиб бўлгали хунхор¹,
 Билсанг, арзийдурган икки сабаб бор.
 Бири: она юртинг ҳимоя қилмоқ,
 Унинг сарҳадларин дахлсиз билмоқ.

Иккинчи бурч ота-бободан ёдгор,
 Ҳамма эркакларга шундай буюрар:
 Аёлларни асра, ўлсанг ҳам минг бор,
 Мард шундай курашда шаксиз билинар.

Қўшиқ куйлаптаям эркакка ёна,
 Бор фақат арзирли икки баҳона,
 Бири: она Ерга меҳрдир улкан,
 Тану жонимизга омихта албат,
 Сўнмас юлдузимиз у бўлиб қолган,
 Ўзгаси аёлга бўлмиш муҳаббат!

ФАРЗАНДЛАР

Келгач умр байт ул-аҳзони²
 Ёлғиз истак қолгай дунёда:
 Фарзандларнинг баҳту камоли
 Бизникидан бўлсин зиёда.

Тўқис бўлсин ризқу рўзлари,
 Бизда эди ярим-ёрти гоҳ...
 Жондан кечиб севсинлар бари,
 Фикрлашсин жасуру огоҳ.

¹ Хунхор — қон тўкувчи.

² Байт ул-аҳzon — зам уйи, қайғу кулбаси.

Оталарин бор уйқусидан
Ширин бўлсин тунги хоблари¹.
Ёшлиқ, баҳтнинг шан туйғусидан
Ажралмасин дил китоблари.

Майли, мақтов эшитсиналар хўп,
Кетмасинлар талтайиб бироқ,
Ёзганлари завқ-шавққа тўлиб,
Бизнидан бўлсин яхшироқ!

Виждон бўлсин уларга ҳакам,
Ҳақиқатга тик қараашсин, бас,
Унга яқин юрсинлар ҳар дам,
Биздан дуруст яшашсин хуллас!

*Toҳир Қаҳҳор
таржимаси*

ЭРКАКЛАР

Баъзилар бўлади ҳавойи ва пуч,
Аммо, попоқ кийиб, кеккаяр доим.
Ишқ дейди:

— Барини қилинг менга дуч,
Аниқлаб бераман асл эркак ким.

Учардек мўйловин бурару аммо,
Баъзи бир кимсалар бўлади номард.
— Эркакман, дейишга ҳақлими ҳамма,
Текшириб кўрамиз, — дейди фалокат.

¹ Хоб — уйқу.

— Кўрамиз! — ҳайқирар тўлқинлар шу чоқ,
 Тунги осмон бирдан ёришиб кетар,
 Пайдо бўлар бўшлиқ узра бир сўқмоқ
 Ва ундан бир йигит от қўйиб ўтар...

Бош узра ўқ учиб ўтар ногаҳон,
 Нақ томоқ тагида ялтирас қилич:
 Овулнинг гўзали, бир қопи камон
 Хиёнат қилибди бир мардга бу кеч.

Шунда қадаҳ дейди:
 — Ҳар қандай одам,
 Мард бўлса, қаршимда тик турсин ичмай:
 Нечоғ иродали, билинар шу дам,
 Мардми ё номардми, айтиб берар май!

— Эй, барча кишилар келсин биз томон, —
 Кармонда тангалар кулар жаранглаб, —
 Қай бири яхши-ю, қай бири ёмон,
 Қай бири қадрли — оларсиз англаб.

Бирдан тоғ товуши чўққидан бир жом —
 Садосидай пастга таралди равон:
 — Эркак ҳақ-ноҳақни фарқ қилас мудом,
 Ўлолгай озодлик учун ҳар қачон.

ҚҮРҚОҚ ЭРКАК ҲАҚИДА ХОТИНЛАР ҚҰШИФИ

Тоғларда, жанг олди күп ивирсийсан,
Нечун тез солмайсан түппончанғта ўқ?
Безгак тутган каби нечун титрар тан,
Кимсан ўзи, тоғлик, эркакми ё йўқ?

Құрқувдан бўлибди рангинг бир аҳвол,
Қисматни алиша қолайин, майли,
Попоқни менга бер, сен рўмолни ол,
Сен — хотин, мен эркак бўлайин, майли.

Қўлингга бераман ўткир бир ўроқ,
Зиммангда ўроқчи хотиннинг куни;
Мен эса, шивирлаб қасам ичароқ,
Қисаман сен тутган ўроқ тифини.

Ўримдан қайтасан, сигирни соғиб,
Сув-пувни ташийсан ва бу орада,
Үйингга, хотинлик бурчингга содиқ
Киримни юvasан киртоғорада.

Уига қайтганимда қўноқлар ҳамроҳ,
Дастурхон тузайсан, бўза қуясан.
Қайтганимда, қўлим бўш келмас ҳеч чоқ —
Совғаларни олиб, мени суюсан.

Шалпанг қулоғингдан ушлаб ўзгинам,
Гоцатлин зирагин тақиб қўяман,
Силаб, овутаман сени бир боғлам,
Сувтекин унцукул мунчоғи билан.

Лаббўёқдан лабинг бўлар олболи,
Упа оқартирап сочу юзингни.
Ташвишу аламдан бўласан холи
Агарда овқатдан тийсанг ўзингни...

Афсуски, тақдирни алмашиб бўлмас,
Балки, кўйлагимни кийиб сен бир бор
Ёшу қари ичра юрсанг бир нафас,
Ўзингга қайтарди жасорат ва ор?!

Одамнинг кўнглини билиш кўп қийин,
Билинар фалокат бошга тушган дам.
Менимча, фалокат билдирап тайин
Хотинчалиш бўлиб қолганда одам.

ХУШОМАДГА УЧМАНГ

Замон кўз ўнгида ўлди қаҳрамон,
Зотан асрароққа тумори йўқ-ди:
Уни ҳалок қилди на ўқ, на бўхтон,
Уни аста-секин хушомад йиқди.

Иблисдек қўйнига кирди хушомад,
Мазах-ла ўйнади соф виждонини,
У ширин сўзларга учди ва фақат
Асал еб ўтказди ўз давронини.

Лутфу муруватга берилиб, мамнун,
Гуноҳи ҳақида ўйламасди ҳам.
Аммо, бари бир кун бўлди ост-устун,
Уни ўз комига тортди тубсиз ғам.

Хушомад-ку, ишин битириб, шу он
Илонга айланиб, сурдариб кетди.
Тош узра вишиллаб ўтганда илон,
Томган заҳардан тош ўт олиб кетди.

Хушомадга учманг!
Ундаги ҳар тук
Ёвузлик ўқидир. Бизларни ҳар дам
На шухрат ўлдирди, на бўхтон, на ўқ,
Биз ўлдик ширин сўз — ширин заҳардан.

Ёдда тутмоғи шарт буни ҳар нафас,
Юксак кенгликларга йўл олган шаҳдам
Фақат фазогирлар ё шоирлармас,
Юртнинг ҳар улуғи, арбоблари ҳам.

Шукур Курбон таржимаси

БЕЛАНЧАК

Ер шари, бу — олтин беланчак,
Чайқалади ортмоқлаб бизни
Ва уқтирад бир умр бешак —
Бола бўлиб яшашимизни.

Одамлар-чи, асрлаб шундай:
Эртаю кеч йиғлар, чинқирад,
Оналарин бўзлаб чақирад...
Чайқалади беланчак лоқайд!

Бирор йиглар очликдан бунда,
Асрларким, томчи сутга зор.
Бошқа бирор асрий фархунда¹,
Кўтирчогин эркалаб ётар.

Яна бирор тарааллабедод
Билан кунни кеч қилсан дейди.
Булар эса хўроздай шаддод,
Бир-бирининг гўштини ейди.

Ер шари — мустаҳкам олтин беланчак,
Чайқалади ортмоқлаб бизни.
Асрларким уқтирас бешак
Бола бўлиб яшшимизни.

Бу беланчак кимларга музтан,
Кимлар учун дўзахдир ҳаргиз.
Бунда кулги, йигимиз билан
Бир-бирорни безор қилганмиз.

Бою қашшоқ, шоду ношод² кас —
Беланчакка тушган жонки бор —
Бир кун қаттиқ ухлаб қолур, бас
Ва уйғонмас ҳеч қачон такрор.

¹ *Фархунда* — баҳтли, масъуд.

² *Ношод* — ғамгин, хафа.

ХАЁТ

Рости, қарамасдим ўзимга унча,
Югуравермасдим докторга ҳар чоқ.
Бода сипқорсам-да күнгил түлгунча,
Дориларга хушим йўқ эди мутлоқ.

Соғлигим жойида, бақувват эдим.
Бирок, йўлим тушиб бир куни Мали
Республикасига, азим шахри, дим —
Бамакода битта ўлимдан қолдим.

Эгаридан учган ярадор отлиқ
Мисол чанглладим қўксимни ҳолсиз.
Худди юрак қушим ким бирор отди,
Тилим калимага келмасди ҳаргиз.

Пешонамдан муздай тер чиқиб, тоғлар
Ва онам хаёлдан ўтди ногаҳон.
Юрак уриб турган бўлса ҳам зўрға,
Амаллаб бошимни кўтардим шу он.

Кўзим очигида дўстлардан сўраб,
Мана шу сўзларни деёлдим аранг:
«Тўсмангиз! Африка осмонин кўрай,
Кўрайин, қадрдон эмас у гарчанд.

Кўрай чор атрофда неки бор — барин,
Дараҳтлар соллансин бош устимда. Оҳ!
Кушлар сайрамоқда! Шу ердан бориб,
Яшнатмасми улар юртимни ҳар чоқ?»

Менинг кўзларимда акс этди уйқаш
Дараҳтлар, Бамако самоси шу чоқ,
Жаҳонда осмоннинг бирлигин ўйлаш...
Бундан ортиқ сурур бормикан, валлоҳ!¹

Яқин эди ўлим соатим аён,
Юрагим уришдан тўхтовди гўё.
Бироқ ҳаёт менга қайтди ногаҳон,
Қайтди шу туйғудан топиб куч, сафо.

Ва зулмат чодири сўкилди зимдан,
Кўзларимга оқди турфа зиёлар.
Бамисли қиши ўтиб, томирларимда
Жўш урди қайтадан олов дарёлар.

Кўз ўнгимда, ўзга юрт осмонида
Ҳамюртлар юзидек, африкаликлар
Кафтларилик иссиқ булатлар ёнди,
Кўнгил янглиғ тўлди юксак, юксаклар.

Менга — мўъжизага кўз тикиб ҳамма,
Хушнуд жилмаярди тепамда шу кўй.
Кўпни кўрган эдим, кўрмовдим аммо
Одамларнинг бунча бўлганин хушрўй.

Узуқ-юлуқ гаплар кирди қулоққа,
Оқ ва қора танли дўстлар сўзларди.
Жумлалар янграрди мисли мусиқа,
Дунёвий валторна² куйи сузарди.

¹ Валлоҳ — Худо ҳаққи.

² Валторна — пуллаб чалинадиган мусиқа асбоби.

Одамлардан ажиб нур оқар менга,
 Яширмай яшайман ҳаётдан ўзни,
 Күшлар баҳор олиб келса юртимга,
 Шунинг-чун жилмайиб, ёшлайман кўзни.

ТИЛАКЛАРИМ

Шаҳримизга ёғди биринчи қор,
 Бу ёруғ оламда янгирмоқда йил...
 Яхшиларга шундай тилакларим бор,
 Тилаклар — дўстона, сидқидил.

Истайман ҳаммаёқ болажонларнинг
 Жарангдор, бахтиёр товшига тўлсин.
 Қизлар чирой очсин ҳушни оларлик,
 Йигитлар бақувват ва оқил бўлсин.

Шундай дўст тилайман — зеҳнили, кучли,
 Бошта оғир кунлар тушганда ҳар хил,
 Ҳалокатдан сизни қутқаролгувчи
 Ҳақиқий жумлани айтсин у дадил.

Кулфатларсиз яшаш амримаҳол бу,
 Бироқ, истардимки, шодумон дамлар
 Хотирадан чиқса кечаги қайғу;
 Бир-биридан совиб кетган одамлар

Қайта учрашганда жилмайиб, кулса,
 Онага азобмас, ҳаловат бериб
 Гўдаклар тўлғоқсиз дунёга келса,
 Аксинча, шоирлар қон қусса шеърин.

Агар маңшуқангиз ранжиттан бўлса
 Раъйингизни қайтариб бу ёз,
 Янги йилда албат васлингиз қўмсаб,
 Ёнингизга келсин сўйлаб ишқдан роз.

Доғистонимга мен талай ва зўр-зўр
 Шоирлар тилайман шу ажиб дамда,
 Эшитилмай қолсин майли овозим,
 Қарсиллатиб шеър ўқишганда.

Сенга-чи, хотинбоз, тилайман инсоф,
 Иқрор бўл бу йилда айбингга буткул,
 Биринчи хотининг айлаб юр тавоф
 Йил бўйи ва хор бўл бамисоли қул.

Сенга тилагим шу, эй эзма ўртоқ,
 Сўйлаб каллаларни ғовлатмоқ ишинг,
 Уэр сўраб дейман, бу йилда камроқ
 Гапиргилки, кўпроқ оғрисин тишинг.

Яна бир тилагим ғалати пича,
 Доғистон одатин унугтган, хасис
 Баъзи ҳамюртларнинг бу йилда ҳеч ҳам
 Меҳмон кутишиликдан боши чиқмасин.

Доим тўлиб турсин қадаҳларда май,
 Кўшиқлар ювсин дил ғашликларини.
 Ҳамма бир-бирига тиласин шундай
 Ҳозир мен тилаган яхшиликларни.

Барот Истроил
таржимаси

ДҮСТЛАРНИ ҚАДРЛАНГ

Эй дүстим, душмандан дүстни ажратгил,
Шошиб ҳукм чиқариб, бўлма гуноҳкор.
Балки қаҳринг ўтар бамисоли ел,
Ғазабинг сочишга ошиқма зинҳор.

Эҳтимол, қадрдонинг шошилиб қолиб,
Билмайин бехосдан эттандир хафа,
Дўстинг иқрор бўлса, бўйнига олиб,
Айбин юзга солиб, айлама жафо.

Ҳамма ҳам кетма-кет қаригай, чирип,
Умримиз дарёдек оқар тинмайин,
Ажраб қолмоқдамиз дўстлардан бир-бир,
Ҳақиқий дўст топиш қийиндан-қийин.

Агар содиқ отинг оқсаса ногоҳ,
Қоқилиб суринса такрор ва такрор,
Отингни айблама — йўлдадир гуноҳ,
Уни алмашмоққа шошма, биродар.

Биродар! Хайрингни берсин, илтимос,
Тантилик қилишдан тортинма асло.
Жаҳонда дўстимиз унча кўп эмас,
Дўстларни йўқотиб қўймайлик, ошно.

Қонунга риоя қила олмадим,
 Баъзан ихтиёрни ғазаб қоплади,
 Ҳаётда жуда кўп дўстдан ажралдим,
 Қанчаси юз буриб кетди, боплади.

Сўнгра яна анча дўстлар орттиридим,
 Шундай қилиб, мана, сўқмоқ йўл аро —
 Гоҳ пушаймон бўлдим, гоҳо қайғурдим,
 Ажралган дўстлардай бўлмади, аммо.

Энди барчасин бир кўришга зорман:
 Хуш кўрмай, кўнглини очмаганни ҳам,
 Ўзим ёқтиргмаган ошнолар борми,
 Менинг гуноҳимни кечмаганни ҳам.

КЕЧИРИМЛИЛИК

Илк бора янғлишсанг қўрқма, биродар,
 Илк бора ранжитса қилма эътибор,
 Дастребки ваҳима чўчишлиқ холос,
 Агар қисматингда шу бўлиб, бир кун —
 Илк бор дўстинг хафа айласа нохос,
 Дарров қораламай уни ҳам тушун.

Наздимда, дунёдан топмайсан бирор —
 Адашмай умрини ўтказган ким бор?
 Ҳаёл туманида ўралашиб гоҳ,
 Дўстингнинг бошига тушиб ғам, ҳижрон,
 Ўрнин топиб сўзин айтмаса шу чоқ,
 Унинг хатосини санама ёлғон.

Дўстгинам, бемаъни бир хато учун,
 Мендан юз ўгирган бўлсанг ҳам у кун,
 Сенга очиқ доим эшигим менинг.
 Кулишдик, қайфурдик бўлишиб ҳамдам,
 Ҳамон ўшандайман — кечдим гуноҳинг,
 Фақат кечиринглар, дўстлар, мени ҳам.

МЕҲМОНГА

Агар қўноқ бўлиб келгудек бўлсанг,
 Сенга уйим очиқ, осто нам муштоқ.
 Агар ташналиқдан толиқиб қолсанг,
 Менинг дарём шаксиз сеники мутлоқ.

Агар ўз уйимда ўзим бўлмасам,
 Олдиндан хабар қил, қарши олайн.
 Гул ҳам бор, нон ҳам бор, агар ўлмасам,
 Топганим олдингга тўкишим тайин.

Совқотсанг ўчоққа яқинроқ келгин,
 Чалма ёқай, кўнглим ўтдай илиқ, кенг.
 Нолима, оч бўлсанг уялмай олгин,
 Ҳатто еримни ҳам бўлишамиз тенг.

Агар ёнган шамдек бўшашсанг ногоҳ,
 Бетоблик азоби қийнаса бедор,
 Табибни келтиргум ёнингга шу чоқ.
 Конимни беришга розиман минг бор.

Хавфу хатар сезсанг ханжаримни ол,
Ёнбошингга тақиб юргин бемалол.
Ахир меҳмонимсан, дилтантг бўлмагил,
Фамингга шерикман, ташвиш қилмагил.

Тулпоринг йиқилса, жабдуқли отим,
Бир кунингга яар, мин, чоптирик жўрам.
Содиқ қўноқ бўп қол ва содиқ дўстим,
Ёмон кунимда ҳам, яхши кунда ҳам.

*Асрор Мўминов
таржимаси*

ДЕНГИЗ

Сен сукут сақлагин, сўзласин денгиз,
Фам-шодлигинг унут, қулоқ сол бир он.
Пушкин сўз айтишда бўлса-да тенгсиз,
Жим тинглаган денгиз солса ғалаён.

Одамлар бордир ё йўқдир қирғоқда,
Майли, бор овозда сўзласин тўлқин.
Қаршисида денгиз гувлаган чоғда,
Ҳатто буюк Данте олган экан тин.

ТОШБИТИК

Тошибитик эслатар ўтмиш замонни,
Шукурки, йўлимиз бўлмаган тамом.
Боболар қиличда ёзган достонни,
Биз уни қаламда эттиридик давом.

ШЕЪРИЯТГА

Сенсиз дунё ўхшарди гүё,
 Қуёш нури тушмаган ғорга.
 Ё юлдузсиз сим-сиё¹ само,
 Ё бир ошиқ зору зор ёрга.

Сенсиз дунё мисли бир уммон,
 Суви музлаб гезарыб қотган.
 Сенсиз дунё гулсиз бир макон,
 Булбулларсиз хувуллаб ётган.

Сенсиз дунё баргиз бир дарахт,
 Бошида қишлоғи, унга ёт баҳор.
 Сенсиз башар ғариб ва бебаҳт,
 Куйламас, куй унда йўқ зинҳор.

УМРИМ МАҲНОСИ

Шеърият — умримнинг орзу-матлаби,
 Сатрларни тиздим оддий сўзлардан.
 Қалбимдаги пинҳон муҳаббат каби,
 Уларни асрадим ёмон қўзлардан.

Яккаш сўзлар чеккан оҳини илғаб,
 Ўзим билан олдим қараб раътига.
 Кейин соатсоздай жарангин тинглаб,
 Мурватдай сўзларни қўйдим жойига.

¹ Сим-сиё — қоп-қора.

Тунлар қучогига олди туш — хаёл,
 Қаршиладим қанча гўзал тонгларни.
 Шафақдан ранг олдим, тўқувчи аёл
 Таңлагандай гилам учун рангларни.

Майли, дилбар қўшиқ куйласин ўзга,
 Эҳтимол, мен уни удда қилмасман.
 Дилдаги ниятим кўчдими сўзга,
 Бор гапим айтдимми, шуни билмасман.

Балки яратмадим юксак шеърият,
 Лекин ўтган умрим шу сўзларда жо.
 Муҳарририм, сендан илтимос фақат,
 Умримни қисқартма, бўлса ҳам хато.

Менинг фарзандимга ўтмайди тиши,
 Ўзга ота қанча турмасин тергаб.
 Менга айтгин бўлса ёмон қилмиши,
 Ўзим кулоғини қўяман бураб.

ОТ

... Чавандози минмади сакраб,
 От депсинмас сувлиқни чайнаб.
 Унинг оппоқ тишига қараб,
 Туриб қолдим кулди деб ўйлаб.

Шу ҳолати ростдан этди лол,
 От куларди ўхшаб инсонга.
 У бош эгди, ерга тегди ёл,
 Елда ёллар тўзди ҳар ёнга.

Ажабландим, кетолмай йироқ,
От олдига бордим яқинроқ.
От кулмасди, эгиб бошини
Тўкар эди қўздан ёшини.

От ҳолини кўзи қилди фош,
Куйиларди селоб-селоб ёш.
Мен жилмайсам, яқинроқ кел, ёр,
Кўзларимга тикилгин бир бор.



ТОҒ ЭЛЕГИЯЛАРИ

*Мирлўлат Мирзо
таржимаси*

ЧИН МУҲАББАТ

Хаётимда сен-ла танишгунимча
Йўқ эмасди менинг ўз қувончларим.
Бизлар учрашишган кундан сездим мен
Уларнинг майда ва арзимаслигин.

Қачонлардир сен-ла кўришгунимча
Бўларди менинг ўз қайғу-ғамларим.
Бирдан саёзлашиб қолдилар улар
Ёзги Сулак, Кўйсу сувлари каби.

Қувончларим эди ўсмир мисоли,
Қайғуларим эди болага ўхшаш,
Бироқ йитди улар, тоғ одатича —
Катталарга ёшлар бергандек ўрин.

Эсимда, сен билан учрашгунимча
Битган эдим талай ишқий газаллар,
Лекин бирортасин китобларимга
Киритмадим сен-ла кўришгандан сўнг.

Шундоқ бўлиб келган бурун-азалдан
Қушлар авжга чиққан бутазор аро
Майна, булбул учиб келган заҳоти
Унутилиб кетар читтак куйлари.

БАХТ СОҲИЛИ

Юксак тоғлар сирасидаги
Қайси бир тоғ энг ҳайратангиз?
Гап билан иш орасидаги
Тоғча юксак тоғ йўқдир ҳануз!

Бундан фақат дунёдир воқиф:
Гарчи ниҳон ўзи қарогдан¹,
Бўлавермас ҳар кимга насиб
Ошиб ўтмоқ бу улкан тоғдан.

Аёвсиздир номус ўти ва
Кўтармоқлик мушкулдир доғни,
Ўлганим соз менинг,
мабодо
Ололмасам гар ўша тоғни.

Дарёлар кўп заминда, аммо
Қайси бири нисбатан энг тор,
Зеро ундан одамлар гоҳо
Ўта олмай бўлади абгор?

Биз-чун Умид соҳилидан бот
Ҳаёт сари сузмоқлик осон,
Бироқ Рўёб қирғони фақат
Бўла олур манзили имкон.

¹ Қароғ — кўз қорачиги.

Ёлвораман: чорлагин илло¹,
Малул² қолсам — юпат эрта-кеч.
... Бахт соҳилин қуммагунча то
Ишонч мени тарк этмагай ҳеч.

АЁЛ ЖОЗИБАСИ

Игали овулида эшитганимдек,
Гўзал аёлни деб кавказлик ошиқ
Учкур тулпорига берганича эрк,
Ўтармиш тоғлардан ел каби ошиб.

Дерларки, бир золим, буйруқпаст шоҳ
Сабаб бўлган эмиш дув-дув, миш-мишга:
У гўзал аёллар қошида ҳар чоғ
Бошини қуллардай эгар эмиш, ҳа.

Жавоб бергин ўзинг,
холис ўқувчим,
Ҳассослик эмасми — севгида мардлик?
Гўзал аёлни деб рақиблар мамнун
Дуэлга чиққанлар қадни тутиб тик.

Бу оқшом ёш испан дарча ёнида,
Зайтунга суюниб, кўзларидаги мунг,
Куйлаётир гўзал аёл ҳақида
Куйлагани каби бобоси унинг.

¹ Илло — аммо, лекин, магар.

² Малул — ранжиган, хафа.

Илк кўклам,
улашар тоғларнинг қорин
Маъсум капалакда бор гўзаллик жо.
Фазогир ҳам қўмсаб гўзал нигорин,
Энтикиб қўяди самовот аро.

Ўзим ҳам гоҳи шод, гоҳида маҳзун —
Тўлганда юрагим қувончга, ғамга,
Гўзал аёлларни куйлайман мафтун,
Зеро шоир бўлиб келдим оламга.

Аёл ҳусни билан зебодир замин,
Файзном — у сочган нурда, зиёда
Ва мен шу нарсага бўлдимки амин,
Жозибасиз аёл йўқдир дунёда.

АЁЛЛАР

Куйлаганди бир пайтлар Ҳофиз:
— Форс жонони гар этса карам,
Бахш этардим
холига шу кез
Самарқандни, Бухорони ҳам.

Лекин гўзал демишки кулиб:
— Харид этсанг магар холимни,
Ўлтирганин савдосин қилиб,
Қайтариб ол арzon молингни.

Шоирлар ҳам сўйғанларига
Уларнинг бир ғамзаси ҳаққи,
Юлдузларни ипга тизиб ва
Минг ёлвориб этганлар тақдим.

— Ҳадя қилманг бизга юлдузни, —
 Аёллардан тарапади сас.
 Мехр билан эркалант бизни,
 Ишқингизнинг ўзи бизга бас.

Ва келтирманг сандиқчада ҳам
 Зебу зийнат, бебаҳо олмос,
 Биз сизни деб ғусса чеккан дам
 Кўз ёшимиз аритинг, холос.

ЭЗГУЛИК

Жилгалар тордайин куйлар эди шан:
 — Ойдин тун яхшидир қаро кундуздан.
 Юксак тоғ шафаққа термулиб,

пастда турган

Ёш чўққига сўйларди аста:
 — Гарчанд девор тоши кўримсиз, бироқ
 У қабр тошидан кўркам, яхшироқ.

Ёдимда, косагул улашаркан жом,
 Деганди даврада бир улуғ қалом:
 — Май билан бўялсин, майли, дастурхон,
 Тўкилгандан кўра қорга иссиқ қон.

Чехраси чандиқли собиқ аскар бот
 Унинг пайравига¹ қилганди иршод:²
 — Азалдан кўрошин ҳуштаги эмас,
 Қалбларни забт этган қалбдан чиққан сас.

¹ Пайрав — эргашувчи, изидан борувчи.

² Иршод — тўғри йўл кўрсатиш; раҳнамолик қилиш.

Аёлни тоабад құчмоқ яхшидир —
Тутмоқликдан қилич бандин бир умр
Майли, аскар учун никоқ түшагин
Дала бўронимас, аёл тўшасин,
Ястанган майсага куз ташлаб пинҳон
Ногоҳ гуфтор¹ қилди шунда бир жувон:
— Чўққилар, майлига, бўлсин оқсоч бош,
Муштоқ этган қаллиқ эса — доим ёш.

СЕВГИ

Мозий — ўтмиш чоғларда,
Буни билар ҳамма ҳам,
Севги учун тоғларда
Тақиқланганди маскан.

Лекин шеър сайдроҳи —
Булоқ бўйида аҳён
Отлиқ йигитни гоҳи
Чодрали қиз нигоҳи
Этиб қўярди бежон.

Ва қўшиқ, шеър туфайли
Фош эди давра, аро —
Элдарилавнинг майли,
Маҳмуд кимга мубтало.

Кавказ кўкка бош урган
Ложувард самоларда

¹ Гуфтор — сўз, сўзлаш, гапириш.



Ишқ — шеърларга йўғрилган —
Эндиликда порлар шан,
Юзига тутмас парда.

Аёл борки — у соҳир¹,
Фақат жумбоқдир азал:
Кимни деб ёнгай шоир,
Куйланган у — қай гўзал?

ИШҚ ЎТИ

Дилимда ишқ ўти ёнгандан буён
Тинглайман энтикиб ҳар лаҳза, ҳар он
Тоғлардан биллурий қўнфироқ сасин.
Аёллар азалдан куюнчак, муштоқ
Ва мен туйган эдим ўша чоғданоқ
Мубҳам бир ҳаяжон эзгу шарпасин.

Бари такрор кечар ибтидо² билан
Ҳамда болдай тотли шул садо билан:
«Қайдасан, севгилим, ҳузуримга кел...»
Аёл рафторидан³ шуълалар — соҳир,
Майли, ёғаверсин билмайин охир,
Мангулик номидан бамисоли сел.

Мұҳаббат қаримас, навқирон мангү,
Мозийда ҳам, бизнинг замонда ҳам у
Солмиш юракларга сурур ва баёт.

¹ Соҳир — мафтун қилувчи, жалб этувчи.

² Ибтидо — бошланиш, бош, аввал.

³ Рафтор — 1) юриш; 2) хатти-ҳаракат; 3) хулқ-атвор.

Зеро ошиқ Ҳофиз ғазали, шаксиз,
Форсигўй насллар тилида ҳаргиз
Яшаб келмоқдадир тирик, барҳаёт.

— Айтгин менга висол онин, айта қол,
Шошай ҳузурингга бамисли шамол.
Юксак довонлардан ҳайиқмай тақир.
Етиб тизларингга қўядирман бош,
Балки кўзларимда ялтирагай ёш,
Висол айрилиқсиз бўлмагай ахир.

Тоғли эркакларнинг урфи бу қадим:
Кавказ фарзандиман — чўққилардан мен
Ўргандим гоҳида қолишни танҳо.
Кўклам чақинлари ларзакор ҳамон,
Муҳаббат кўйида мен ёниб мудом
Ўтарман то абад мажнуни шайдо.

СЕВГИ ҲИМОЯСИ

Тинчлик ҳимояси комитетлари
Мавжуддир дунёда, шоирлар ҳамкор.
Яна турфалари бордирки,
барин
Номларини санаб бермоғим душвор.

О, ерлик маъбудам, ёлворгум: мени
Иттифоқингга ол иккиланишсиз.
Севги посбонлари Комитетини
Тузажакмиз тоғли Догистонда биз.

Ва юксак чўққилар қуршови аро
Иккимиз назорат қилурмиз ҳар чоқ,
Токи аёлларнинг қалбига асло
Жароҳат солмасин ҳар қандай олчоқ.

Каҳкашонга яқин — само аршида
Кузатиб тургаймиз термулиб бот-бот,
Токи ҳар бир аёл эркак қошида
Ўтдан чўчиғандек бўлсин эҳтиёт.

Қачонлардин айтмиш буюк Навоий,
Муҳаббат дардларга малҳамдир дебон.
Севги ҳимояси Комитетини,
Кейин бошқарайллик элда икковлон.



САККИЗЛИКЛАР

*Мамарасул Бобоев
таржимаси*

Шошилмай ёздилар боболар қадим
Ханжарлар юзига ханжарлар билан.
Мен зўрга қийналиб ёзаман ҳадеб
Уни қалам билан, бўш сўзлар билан.

Жангга от сурдилар боболар қадим
Хайрлашиб севган ерлари билан,
Менинг сиёҳ билан зўрга ёзганим
Тошга ёзди улар қонлари билан.

* * *

Умрим — гилам. Мен уни эплаб
Тўқиёлмадим. Хижолатдаман,
Тўқимамга қараб синчиклаб,
Қанча-қанча нуқсон топаман.

Китоб ёздим, эплаёлмадим:
Бўш саҳифа кўп унда беҳад.
Бунчалар суст ташладинг одим,
Бунчалар кеч келдинг, маҳорат?

Кўшним бир қиссани қиларди баён,
 Қошини чимириб, кўзларин қисиб.
 Бир кампир кўзасин кўтариб шу он
 Ўтди оқсоқланиб қўчани кесиб.

Гапин чала-чула тутатди-да чол,
 Кампир орқасидан қараб қолди у.
 Кампир муюлишда бурилгач, дарҳол
 Деди: «Қандай гўзал жонон эди у!»

Болалар йиғлайди билмаймиз — нега?
 Билиб бўлмас буни баъзан сўраб ҳам.
 Бугун бир хафалик илашди менга,
 Ўзим ҳам билмайман, нимадан бу ғам.

Шамол эсар бугун шикоятомуз,
 Бугун алланечук ёмғир ҳолати.
 Қуёш ҳам осмондан нур сочади суст,
 Сенинг товушинг ҳам бугун фалати.

Учратганман қўп бор бизнинг овулда,
 Заргар қўшниларим билгандай ҳисдан:
 Айлантириб кўриб бир нафас қўлда,
 Ажратар эдилар олтинни мисдан.

Ҳурматли ўқувчим, моҳир заргарим,
 Сен баҳо берасан бизнинг ҳунарга,
 Ўзинг ажратасан бу мисраларим
 Мисини мисга-ю, зарини зарга.

* * *

Мен эски мерғанман, сўз — менинг овим,
Кўздан фойиб бўлар нишон олган дам.
Йилт этиб кўриниб, йўқолади жим,
Қочади қолдирмай ҳатто изин ҳам.

Милтиқ сасин ҳали билмаган қуён
Юради бепарво ва бегам жуда.
Сўз ҳам бўлар тогу ўрмонда пинҳон,
Қочади қуёндек қалам учидан.

* * *

Тез оқар нодон сой, эй ҳовлиқма сой,
Бу ерда қоялар ёрилар бенам,
Нечун сен кўзлайсан узоқлардан жой,
У ёқларда сув мўл, етар сенсиз ҳам.

Юрагим, юрагим, сенга мен ҳайрон,
Сени севғанларни нега севмайсан?
Нега югурасан чопиб у томон,
У томонга керак — на ман ва на сан.

* * *

Баъзи ёш новдалар ўзин унутар,
Дерлар рашк соламиз кўп юракларга.
Дўл қуймоқчи бўлиб турган булутлар
Истеҳзоли кулар фўр куртакларга.

Шундай думбуллар бор, кибрланиб дер:
«Яшаймиз баҳтиёр, фароғатда биз!»
Баҳт эса, уларга раҳми келиб дер:
«Болалар сингари бунча соддасиз!»

* * *

Биз ҳамон йўлдамиз, ҳамиша йўлда,
Биламан бу йўлни қадамма-қадам.
Яна қанча йўл бор биз учун олдда,
Билмайсан буни сен, билмайман мен ҳам.

Биз ҳамон йўлдамиз, ҳамиша йўлда,
Мақсад манзили бор аниқ ва кўркам.
Аммо, етамизми унга, гап шунда,
Билмайсан сен буни, билмайман мен ҳам.

* * *

Ирмоқ куйлаб оқар қоя остидан,
Қоя бу қўшиққа ҳиссиз, бепарво.
Ирмоқнинг ҳолини мен тушунаман,
Менинг аҳволимни ким тушунар, о.

Ирмоқнинг ноласи кетади зое,
Қоя кўнгли бундан на шоду на ғаш.
Ажабо, бу мағур, парвосиз қоя
Бағри тош ёримга бунчалар ўхшаш.

* * *

Алла айтиб сени кеч ухлатмайман,
Тинчинг бузилмасин, ухла бехатар,
Ёстиғинг ёнидан нари кетмайман,
Ҳеч нари кетмайман мен тонгга қадар.

Майли, кузнинг узун кечалари ҳам
 Тинчинг қўриқлайман жимжит, олмай тин:
 Богни қўриқлаган чинордай бардам,
 Дарёга эгилган қоядай сокин.

* * *

Ёшимни унугдим, бироқ, сен нега:
 Қаридинг, мен ёшман, деганинг-деган.
 Ким билади, балки сочим оқига
 Сенинг ёшлигинг ҳам сабабкор бўлган?

Кекса деб, юракка солаверма ғам,
 Нега керак буни эслата бермоқ.
 Ахир, жуда оғир — ярадорга ҳам:
 Ўлимга маҳкумсан деб айта бермоқ.

* * *

Қийин эмас асли журъат кўрсатмоқ,
 Жасорат — лаҳзалик ишга уринмоқ.
 Аммо, ўз шаъннингга лойиқ яшамоқ —
 Журъат кўрсатишдан ўта қийинроқ!

Қийин эмас хоин, ё ўғри бўлиш,
 Лаҳзада юз тубан кетиш кўп осон!
 Қийиндир сўнгра бу доғни йўқ қилиш,
 Кўтариб юриш-чи, бундан ҳам ёмон!

* * *

Дейдилар, севгида сахий эмишман,
 Севганлари эмас оз, дейдилар ҳам,
 Бу билан, у билан, фалончи билан...
 Ҳатто лақаб тақиб «...боз» дейдилар ҳам.

Иннома, бу гаплар ёлғон, биламан,
 Сени кўрган кундан бошлаб, мен билсанг,
 Фақат сени севиб, эъзоз қиласман,
 Ҳануз билмасам ҳам, сен ўзинг кимсан.

* * *

— Баҳор, қани кўрсат, бойлигинт қанча?
 — Нима дейин сенга, бепарво инсон,
 Тоғлар ёнбағрини қор кўммагунча,
 Сен менинг қадримга етмайсан, нодон!

— Эй ёшлиқ, кўп гап бор сенда, менимча,
 Бойлигинг, шодлигинг тутасан пинҳон...
 — Соч-соқолинг оппоқ оқармагунча
 Сен менинг қадримга етмайсан, нодон!

* * *

Менимча, бор нарса сўлар, кексаяр,
 Менга ёққани ҳам, ёқмагани ҳам.
 Ҳаммаси бузилар ва яксон бўлар,
 Қоларми ўзгармай бирорта одам?

Ҳаёт олиб кетар ёшлигимизни
 Ҳаёт ўйчан қиласар баъзида бизни.
 Ким ўйга чўммагай, бўлмагай ғамгин
 Кўриб бир тенгдошнинг қариб қолганин.

* * *

Ҳаёт китоби зўр ва гўзал тусда,
 Варақлаб ўқийсан завқига тўлиб.

Бошоқ бўлиб қайта яшамоқ истаб,
Ерга ётар буғдой жонсиз дон бўлиб.

Қаерда навбаҳор ёмғири қуйса,
Хушбўй ўт-ўланга қопланади ер.
Шоир кипригидаги ёш йилтираса,
Ўшандада туғилар ҳақиқий шеър.

* * *

— Унутибсан куйларинг, сурнай,
Қани эски овозинг, нағманг?
— Йўқ, мен ўша-ўша бутунлай,
Фақат сенинг қулоғинг гаранг.

— Нега энди қайнаб жўшмайсан,
Нағманг лоқайд, кучин йўқотган.
— Йўқ, мен ҳамон ўша-ўшаман,
Фақат сенинг қалбинг тош қотган.

* * *

Ёмғир ёғар, бетин қуяди ҳамон,
Қачон тинар, шўрлик йигитча ҳайрон.
У бугун ёринни бориб кўрмоқчи,
Ошиқар ва лекин кўриши гумон.

У ёқда бечора қиз ҳам жонсарак,
Келадими, йўқми, кутар интизор.
Жала тинмай қуяр, ёрдан йўқ дарак,
Наҳотки, жаладан қўрқиб келмас ёр?

* * *

Қор ёғади совуқ булутдан,
 Ерда уни қаршилар баҳор.
 Ер юзини күрган минутдан
 Ёмғир бўлиб эриб тушар қор.

Тор сўқмоқдан шошиб сен томон
 Югураман — жуда ғазабкор.
 Жамолингни кўрганим замон
 Тез эрийман — худди ўша қор.

*Зоҳиджон Обидов
 таржимаси*

Сайроқи қушларга, булбулга зинҳор
 Жабр этиб, ҳеч қачон тош отиб юрманг.
 Шўх қизлар, ёр дилин бекордан-бекор
 Ёндиранг, ҳеч озор етказа кўрманг.

Севиклим, сен менга қилмайсан шафқат,
 Ўйламай сўйлайсан, бўламан ҳайрон.
 Билмайсан, бу сўзлар бўлиб бир офат,
 Бу қўнгил мулкини қилади вайрон.

* * *

Қоялар, чўққилар баланд-пастлигин
 Билмоқчи бўласан куйиниб, шошиб.
 Севгидан сўрай қол, билмоғи тайин,
 Тоғлардан-тоғларга ўтган у ошибб.

Күринмас, сир бермас денгиз тубини
 Қанчалар чуқурдир, бўласан билмоқ.
 Севгидан сўрай қол, билади буни,
 У бўлмас жой йўқдир оламда мутлоқ.

* * *

Болалик ўтади сув каби оқиб,
 Болалик ўтади бўлиб бир мерос —
 Кўшиғи яшайди дилга хуш ёқиб
 Ва ёди яшайди бўлиб дилнавоз.

Ёшлиқ ҳам ўтади дарёдай бўлиб,
 Не оқиб ўтса гар қайтмагай яна.
 Ёшлиқдан жасорат қолар эш бўлиб
 Ва ёди яшагай қилиб тантана.

* * *

- Қайдасан иқболим, қани юз кўрсат?
- Юксакда — сен асло бўлмаган жойда!
- Юксакка чиқолдим, кўрин бир фурсат!
- Сен сузиб кўрмаган азамат сойда!

- Қайдасан? Кўп сойни суздим мен кушод!¹
- Эндиги қўшиқда, тезда ёза қол!
- Қайдасан? Қўшиқлар айладим ижод!
- Олдинда, қўлингдан келса етиб ол!

¹ Кушод — очик, ошкор.

* * *

Не ўтиб кетса гар қолмагай қўлда,
Биз фақат шу кундан баҳраманддирмиз.
Ўтган дам армонин солсак кўнгилга,
Келган кун ўтмишга айланади тез.

Бизларни шафқатсиз юлқийди ҳар кун
Вақт ўтиб бораркан, қолдирмас вақо.
Буни тергашга бор на суд, на қонун,
Бундайин ўғирлик топмайди жазо.

* * *

Қишлоғимиз ёнидан неча юз йиллаб
Минг буралиб оқади жўшқин сув хушҳол,
Қачондир шу сувда қувнаб, чувиллаб
Чўмилган гўдаклар бўлди кекса чол.

Ўша шўх сув ўтлоққа, сайҳонга оқар ҳамон,
Тўлқин урап вақтнинг ўтишига қилмай парво.
Рашк қўзғатиб оқади тинмай хушнуд ва хандон
Тошдан-тошга сапчийди мудом гўдаклек гўё.

* * *

Ўзингни эҳтиёт айла, дилрабо,
Йигитнинг юраги ёнган бир олов.
Оловни сўндиримоқ мумкиндир, аммо
Учқуни тушса гар ўртагай дарров.



Ўзингни эҳтиёт айла, дилрабо,
Йигитнинг юраги бир ханжарсимон!
Тифи ўтқир унинг, тегса мабодо,
Кўлингта жароҳат солмоғи аён.

*Омон Матжон
таржимаси*

Биламиз — умр иши кўп қийин савдо.
Нолиймиз. Ҳаётни сўкамиз баттар.
Қанча солмасин у шўришу¹ ғавғо,
Кўнгилни боғлаймиз унга шу қадар.

Ўйдим-чуқур йўллар, қалқишлиар, жунун...²
Бу қандай кўргилик, қандай ихтиёр!
Ва лекин барибир умр кўп ширин,
Ҳаётдан гўзалроқ яна нима бор?!

* * *

Одамлар туш кўрар шодликни, ғамни,
Уйини, баҳтини ва кўп шу йўсин...
Лекин биз сен билан учрашган дамни
Ҳеч ким тушида ҳам кўрмаган бўлсин.

Теварак атроф ҳам билмаса тузук
Бошимизга тушган бу на сирли кор³ —
Нечук изтироб бу, нечук баҳт ўзи
Ва қалбда титраган нечук нажиб тор?!

¹ Шўриш — ғавғо, тўполнон.

² Жунун — телбалик, савдойилик.

³ Кор — иш, амал.

* * *

Зўр бир қўнфироқни қиласан орзу,
Унга еру осмон бўлса ҳавоза.
Қошимга сен келган лайтда қўқдан у
Чексиз қувончимни этсин овоза.

Минг бир оҳангли ул буюк қўнфироқ
Ярим кечадами, ё кундуз куни,
Тинмай жарангласин, сен кетганинг чоқ
Юрагимга тушган сўнгсиз қайгуни.

* * *

О, сен ҳаёт тонги! Тенгқурлар билан
Сени хуш ўтказдим, шодлик бир дунё.
О, ҳаётим шоми! Сен уйсан улкан
Ва қайғу майини ичмаклик танҳо...

Фалак! Кўй, ёндирма юлдузларингни,
Розиман самодан абад ўчсалар.
Эсга солдинг ахир ул дўстларимни,
Қисматидан айтиб ғамгин қиссалар...

* * *

На моҳи талъатсан!¹ Кўрдим кечқурун,
Алғов-далғов бўлди бир зумда қалбим.
Мени алдамапти демак қора тун...
Тонгда кўриб... Баттар ром бўлиб қолдим...

¹ *Моҳи талъат* — ой юзли, гўзал.

Баҳорда янада ёндинг бетакрор,
Куёшингдан гўё кўзлар қамашди...
Мени алдамапти гул тўла баҳор.
Киш... сенинг ҳуснингни яна ҳам очди...

* * *

Гоҳ гувлаб киради хонамга шамол,
Киради эшикми-тешикдан ўтиб.
Ўйга худди шундай, кудурат, малол
Кўчадан кирадир этни жунжитиб.

Хонамиз меҳрдан, нурдан чароғон,
Қара, қаҳратон ҳам, қор ҳам йўқдир, бас.
Бу совуқ гап-сўзлар, маломат, гумон
Кўчадан киргандир... бизники эмас.

* * *

Жуда қувонганлар дастур жамоат
Кўз очиб дунёга мен келган маҳал.
Чакки гапми, ўсиб соатма-соат,
Тоғликлар сафига киурман жадал.

Лекин бундан буён яшайман қандай,
Қандай куйлай, ёнай, йўқолди тинчим.
То қолсин қалбларда камаймай жиндай,
Туғилган пайтимда берган севинчим.

* * *

Гарчи ширин эмас барчага ҳаёт,
Бироқ барча севар... мангу, абадий.
Гарчи сени қарғаб соларман фарёд,
Бироқ, юрагимда ўчмас ишқ ўти.

Мен совуқ қотяпман. Ёмғир ҳам тинмас.
Мен нодон кутаман күкламда қорни.
Гарчи тушимда ҳам ва ўнгимда ҳам
Сира тополмайман чорлаб сен ёрни.

* * *

Юрагим ёнмоқда, юрагим олов,
Аммо қанотим йўқ... нетай юракни?
Қанот? Мана қанот! Елкамда баёв!
Лекин баланд тоғлар тўсмиш фалакни...

Учдим мен... ва ўтдим тоғлардан, бироқ
Денгизга йўлиқдим асов, бекирғоқ.
Бу дардлар, бу ғовлар тугарми охир...
Севги, йўлинг оғир... йўлларинг оғир...

* * *

— Эй тун, қачон тугайсан, қани,
Бир қиссасан узун, бемаъни,
Нечук қора қийноқсан, толдим...
Неча чўчиб, неча қўзғолдим.

— Унчаликмас. Одатий тунман,
Лекин сенинг учун узунман.
Сал кечикди йўлдан ҳамроҳинг,
Келсин, нурга тўлар атрофинг...

* * *

Пўстинларни елкага ташлаб,
Суҳбат қуарар бир тўп кексалар.
Дейман, худди шундай гаплашар
Агар тоғлар тилга кирсалар.

Ана жаранг кулги, тўполон,
Бегам ўйнар шўх болакайлар.
Шундай сўзлар, гар битса забон¹,
Ўлкамдаги дарёлар, сойлар.

* * *

Йигитлар бир жанжал бошласа,
Келар эди имдодга² аёл:
Пойларига рўмол ташласа,
Қўлларидан тушарди қурол.

О, аёллар, оламда бугун
Қитъалар ҳарб³ бошлашса тажанг,
Эркакларнинг пойига беун
Кўз ёшдан ҳўл рўмолни ташланг.

* * *

Дунё кездим, кўрдим ҳаётни,
Не маъбадлар⁴, ранглар, кемалар...
Айтдиларки: «Бу одамзоднинг
Қўлларидан келмас нималар!»

Кездим, кўрдим: ёнарди ўтда
Не маъбадлар, ранглар, кемалар...
Айтдиларки: «Бу — одамзод-да,
Қўлларидан келмас нималар!»

¹ Забон — тил.² Имдод — мадад.³ Ҳарб — жанг.⁴ Маъбад — ибодатхона.

* * *

Бу дунё кемадир. У кучли бўрон
Олдида омонат, хароб ва носоз.
Кемада аёллар, болалар бордир,
Сузишни билганлар эса жуда оз.

Агар кема аро қўзғалса бирдан
Фитнаю жанжалнинг қаро шамоли,
Не бўлар бу ожиз кемамиз билан,
Не кечар сузишни билмаслар ҳоли?

* * *

Ҳар ўтган кун бир дараҳт десак,
Инсон умри ўрмондир бешак:
Не оғочлар йиқилди... Чопилмагани қанча
Ўрмон — умримдан менинг?

Кун, бу ёлғиз отликдир, бирдир,
Инсон умри гўё уюрдир.
Қанча отлар қочиб кетди... Қанча от қолдийкин
Умрим — уюримда менинг?

* * *

Улғаяркан болалар беғам,
Мен бирдан қўрқаман, неси қўрқинчли?
Олма гули оқ, ажиб кўклам...
Негадир қўрқаман, неси қўрқинчли?

Булут ёриб, ракета учса,
Негадир қўрқаман, неси қўрқинчли?

Ҳеч гап йўғу... лекин қани тинч қўйса
Мени юрагимнинг эски қўрқинчи.

* * *

Тонг билан шом, тун билан кундуз —
Оқ балиқчи, қора балиқчи.
Оlam — денгиз, бизлар балиқмиз.
Чукур ерда сузib борувчи.

Оlam — денгиз. Балиқчи бедор,
Қармоқ, тўри шайдир қўлида.
Ушлашига мени қанча бор
Кун қармоғи, туннинг тўрида?

* * *

Бош чайқайди олим асабий,
Шоир хафа, ёзувчи тажанг.
Не бўлдийкин, йил сайин Каспий
Саёз тортиб кетмоқда, аттанг.

Ваҳм нечун, не ҳам бўларди
Кўхна Каспий сал тоб ташласа?
Мен қўрқаман инсонлар қалби
Саёзлашса, қурий бошласа...

* * *

Қийин эмас дарддан ёш тўкмок,
Ёшни тиймоқ мушкул атайин.
Қийин эмас ўтмишни сўкмоқ,
Уни тўғри таърифлаш қийин.

Йиллар кирап меҳмондек уйга,
Кимга ёқар узлуксиз меҳмон,
Келган пайти мақтаб минг кўйда,
Кетгандан сўнг сўкамиз обдон.

* * *

Қайда кўрма, нолигани-нолиган шоир,
Тушунмайди гўё ҳеч ким дардли, шеърини.
Қайда кўрма, қайнана куёвдан нолир,
Хотинига жуда-жуда кам деб меҳрини.

Ва ҳайдовчи зоти борки қайда дунёда,
Полицияни сўкар бари, ўч-ғашлиги кўп...
Ва билдимки одамларда фарқ йўқ зиёда,
Фарқдан кўра, бир-бирига ўхшашлиги кўп.

* * *

Ҳали мутлақ зўр билимдон кўрмади жаҳон,
Кўп кўрган у лекин сохта донишмандларни.
Ўшаларнинг важоҳатли обрўси ёмон,
Зимдан ушлаб, тергаб турар жами бандларни.

Сукрот ўтди. Пушкин ўтди. Илм беэга.
Оlam чексиз. Ҳаёт ўзи буюк муаллим.
Тавба! Азал ҳикматлардан баъзан дунёга
Ўша сохта билимдонлар беради таълим.

* * *

Кўп мардларни даврон шафқатсиз,
Ҳақми-ноҳақ босди пойига.
Кўп мардларни кўмди лаҳадсиз,
Ҳақ-хурматин қўймай жойига.

Даврон тоҳо чарх урди тинмай
Жанг ўтган қир узра нақ қузғун:
Қаҳрамон ким, қўрқоқ ким, билмай,
Бирваракай чўқиди кўзин.

* * *

Кадхудо¹ бир одам ваъз айтар эди:
«Донолар доноси тахтда турса соэ!»
«Йўқ! Юртни сўрасин мардларнинг марди!» —
Бошқаси қиласарда унга эътиroz.

Мен дейман, дунёни бошқармоқ иши
Шоирлик олдида оддий бир хизмат.
Шоирнинг шеър холос дарди ташвиши,
Лекин шунинг ўзи минг алвон ҳикмат!

*Хуршид Даврон
таржимаси*

Мангу туюлмайди менга бу осмон,
У гўё тургандай омонат, нураб.
Менга туюлади: гўё ҳар бир он
Тушиши мумкин у устимга қулаб.

¹ Кадхудо — сардор, арбоб, оқсоқол.

Бироқ тоғлар турар мағрур ва ўйчан,
 Улар паноҳига олғандир мени.
 Улар күұна уйни құтариб турған
 Устундай құтариб турар самони.



Жилға тошар, шаршара гүвлар,
 Олисларга бориб сингади.
 Сойлар жүшар, даражтлар күйлар,
 Маст шоирлар базми сингари.

Ватанингни мангу тарк эта,
 Нега кулиб жүшасан, эй сув?
 Мен Ватандан кетаёттанды
 Юрагимни ўртайди қайғу.



Жаҳл келса, ақлу ҳуш кетиб,
 Токи йиғсин, дея эсими,
 Ханжарларга қўйингиз битиб
 Болаларнинг маъсум исмини.

Оналарнинг кўз қарогига
 Боқолмасдан, йиғсин деб эсин.
 Милтиқларнинг тунд қўндоғига
 Ўйиб қўйинг она чеҳрасин.



Бунда тоғлар нақадар зангор
 Ва гувуллар буғдойзор зарҳал!
 Агар бундан олса андоза
 Дунё яна бўларди гўзал.

Она юртим оқсоқолларин
Ҳикматлари юракда ҳар дам.
Уларни сен англасанг барин
Дунё яна бўларди кўркам.

* * *

Нима бордир, эскирар бари,
Ўзгаради бари бешафқат.
Ўзгаради йил ўтган сари,
Ўзгармайман мен ўзим фақат.

Баъзан, баъзан вақт этар ҳушёр:
Йиллар бизни аямас нақ тиф.
Қариб қолган дўстларни кўриб,
Юрагимда уйғонар оғриқ.

* * *

Тунлари кўксимга аёлдек аста
Хавотир бош қўйиб тонггача ухлар.
Дам қувонч, дам қайғу ухлар кўксимда,
Кўрқув останамни итдай қўриқлар.

Тонгда уйғонмайман ёлғиз бир ўзим,
Хавотир уйғонар олдинроқ мендан.
Мендан олдин қувонч, ғам очар кўзин,
Кўрқув останамни тирнайди тонгдан.

* * *

Одамлар, судралиб яшайсиз нечун?
Тошбақа судралиб яшайди фақат.

Гарчи улар шошмас, — яшамоқ учун
Уларга берилган роса юз йил вақт.

Бунчалар шошасиз, одамлар қайға,
Қүёндек чопасиз шошиб муттасил?
Қүён умри, ахир, тинимсиз пойға,
Ахир, улар яшар бор-йўғи беш йил.

* * *

Ҳаттоқи дунёда беш дақиқалик
Умри қолганлар ҳам дунёда яйраб,
Ҳаяжонга тўлиб боқишар тетик,
Яшамоқчи каби яна юз йиллаб.

Олисда-чи, тоғлар сукунат аро
Хоргин ва юракда сезмасдан ларза
Қотганча туради, ғамгин, бесадо
Умри қолган каби фақат бир лаҳза.

* * *

Уч муқаддас қўшиқ яшар эл аро,
Уларда жамики қувончу алам.
Биринчиси барча қўшиқдан аъло,
Уни тўқир она бешик қучган дам.

Иккинчи қўшиқни ҳам она куйлар зор
Уни куйлар она, куйлар зўриқар
Ўғиллар жасадин қучганда мозор.
Учинчиси — қолган барча қўшиқлар.

* * *

Физиклар аро ҳам шоирлар бордир,
Шоирлар ичиди бордир олимлар.
Дунёга бағишилар ҳақиқат ва нур
Уларнинг меҳнати, уйқусиз тунлар.

Физиклар, лириклар, бир кун тўсатдан
Бош узра янграйди ҳаёт чақмоғи,
Биз ҳалок бўламиз нур касалидан
Юрак кучланиши зўрайган чоғи.

* * *

Қадимда кутарди бешафқат жазо
Инсон сиймосини чизган кишини.
Айтардилар: фақат Оллоҳ таолло
Бажармоғи жоиз бу қутлуг ишни.

Инсоннинг сиймоси бетакрор, уни
На чизиқ беролар, на берар бўёқ.
Ҳатто суратдаги ўрмону тоғлар
Ҳақиқий ўрмону тоғдан хирадоқ.

* * *

Ханжарнинг дастаси тоза кумушдан,
Товланиб турибди нақшдор, гулгун.
Ханжарни сугуриб олиб қинидан
Боқдим: у занг босган, кўкарган ва кунд¹.

¹ Кунд — ўтмас.

Бироннинг меҳнати — ачиниб боқдим
 Ва шу он ўнгимда сафланди бари:
 Ичи занглаб ётган, кунд китобларнинг
 Тилларанг, нақшдор муқовалари.

* * *

Чексиз кўкда бургут қоқмоқда қанот,
 Тоғ пойида уя қуарар чумчуклар.
 Бургутнинг парвози чумчук учун ёт,
 Гарчи улар ўзин бургут деб билар.

Денгизда тўлқинни кўтарар шамол,
 Мудраган сойларда сув қотгандир маст.
 Сойлар ўзин денгиз деб сурар хаёл,
 Бироқ, оқ кемалар уларда сузмас.

* * *

Қора қарға учар излаб эринмай
 Мўрисидан тутун чиқмаган уйни.
 Ўлим элчисидай айланар тинмай
 Эгасини кутиб ичиккан уйни.

Одамлар, уйингиз бўлсин саришта,
 Ёришсин у ором, меҳнат қўридан.
 Қарғалар учмасин унинг бошида,
 Қалдирғоч ин қурсин айвон тўрида.

* * *

Фолбин хотин рангин тошлар билан очди фол:
 Тақдиримни айтиб берди ул фолбин хотин:
 «Мақсадинг ҳам гўзал эрур, ёруғ истиқбол,
 Бироқ ҳали кўп кўрарсан душманлар зотин».

Бўлди, етар, фолбин хотин, айтма бошқа сўз,
Фолингсиз ҳам барча гапни ўзим англадим:
Ўй-мақсади гўзал бўлса одамнинг, ёвуз
Душманлари бисёр бўлар, кўп бўлар ғаним.

* * *

Мағурланма, эй Вақт, инсон олдида,
Сен уни соям деб санама, зеро,
Одам борки, умри нурли олтиндай
Сенга умр бўйи сочади зиё.

Умримиз ёритган донишмандлардан,
Ботиру шоирдан бўлгин миннатдор.
Агар сенинг бағринг нурафшон бўлса,
Демак, юрагингда улар ўти бор.

* * *

Биз билан заминда ётар соямиз,
Оёқ остимизда чўзилиб ерга.
Биз уни топтаймиз, топтай олмаймиз,
У кетар заминдан биз билан бирга.

Соатлар ва кунлар ўтар бешафқат,
Қариймиз, тўқилиб тушади тишлар.
Гарчи вақт олдида бизлар соямиз,
У бизни заминдан ўчириб ташлар.

* * *

Болаликни кўраман танҳо,
Лабда кулги, киприкда маржон.
Мен қанчалар чақирмай, аммо
У ортига қайтмас ҳеч қачон.

Кўраяпман қариликни ҳам,
Сукут сақлаб, боқиб ортидан.
Кичқирсам-да унга «Кетгин» деб,
У барibir кетмас олдимдан.

* * *

Кўрга атроф қора туюлса,
Ой сабабмас, қуёш сабабмас,
Деҳқон агар камбагал бўлса,
Замин асло сабабчи эмас.

Айбормас-ку ахир совуқ ҳам
Оёқяланг титрасанг зор-зор?
Бироқ, инсон то чекарсан ғам,
Бунга фақат одамлар айбдор.

* * *

Улғаяру учиб кетар қуш,
Ўз инидан четга интилар.
Ва гоҳида инсон ҳам хомуш
Ватанидан йироқда ўлар.

Инсон яшар, олға интилар,
Қувиб етай дея орзуни.
Күшлар каби парвозда ўлар,
Парвоз аро юмар кўзини.

* * *

Деразам ортида ёмғирлар тинмас,
Деразам ортида чақмоқлар бу дам.
Юрагим қатида тўпланди бесас
Оғриғу қувончлар, севгию алам.

Кувончни дўстларга қилгум армуғон,
Кўшиққа бераман оғриқни қат-қат.
Севгини элимга тўкарман ҳар он,
Аламни ўзимга қолдиргум фақат.

* * *

Кўтарса-да гарчи етти қат кўкка,
Амалу бойликлар, унвону мансаб,
Сўнгги дамда ҳеч ким келмас кўмакка,
Барчаси бекордир дўстинг бўлмаса.

Наҳотки, кун келиб мен ҳам тўсатдан
Топтаб юрагимнинг кутлуғ ҳисларин,
Унвону амаллар, мансаб қасдидан
Сиздан юз ўгиргум, азиз дўстларим?..

* * *

Қайғую шодликни кўрганман йўлда,
Кулиб йиғлаганман — вақт эса ўтди.
Гоҳи қувонч бўлиб кирган кўнгилга
Юрагим қатида ғамга айланди.

Аламлар зафарга айланди гоҳо,
Кўз ёши кулгига... Тортишманг, минбаъд,
Ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмас асло
Қувонч ва қайғуни айирган сарҳад.

* * *

Зим-зиё демагин Африкани сен,
Гарчи тортишмайман енгиб сабрни.
Бироқ, у зим-зиё бўлса, англагин,
Демак, кимдир ундан тўсмоқда нурни.

Агар бисотида бўлмаса олтин,
Халқларни айблама, ўйлагин андак:
Улуғ шаҳарларни қуришдан олдин
У ҳақда форларда тўқишиган эртак.



Барчамиз ўламиз, фониймиз охир,
Гарчи бу маълум гап, янгилик эмас.
Бироқ, яшамоқдан мақсадимиз бир:
Қолсин деймиз биздан уй, дараҳт, сўз, сас.

Барча наволарни ўлдиролмас вақт,
Барча жилғалар ҳам қуриб қолмайди.
Жилғалар дарёга қўшар куч, тоқат,
Қўшиқлар биз ҳақда мангу куйлади.



Инсон дилидаги қора туйғулар
Агар айланганда музга ё қорга,
Заминни қопларди мангун музликлар,
Ташна ўтар эдик ёзу баҳорга.

Инсон дилидаги меҳру муҳаббат
Тиниқ булоқларга айланса агар,
Ерда ҳар қадамда тиним билмасдан
Булоқлар жўшарди хоҳ шом, хоҳ саҳар.

*Юсуф Шомансур
таржимаси*

Мен күёш ўрнида бўлсам агарда —
Ажратиб ўтирмай кундуз-кечани,
Бирдай нур тўкардим қишу ёзларда,
Лаббай, дердим кимки йўқласа мани.

Қишдаги қуёшдай севимли нигор,
Мунча ҳам хасиссан, мунча бағритош?
Йўлларимга нуринг қилмайсан нисор,
Менга бахш этмайсан ҳарорат, оташ.

* * *

Амру фармонингга тайёрман, тайёр,
Буюр, чўққилардан дадил ошаман.
Оловдан қўрқмасман сен буюрсанг, ёр,
Денгиз гирдобига, буюр, тушаман.

Ер юзининг ярмин айланиб чиқай,
Номингни эъзозлаб ҳар он, ҳар нафас.
Не десанг тайёрман, хизматингга шай,
Хайрлашар чофи ўпиб қолсанг бас.

* * *

«Эрта келган меҳмон эрта кетади», —
Донолар шундай деб нақл этади.
Богимда ишқ пайдо бўлди тонг-саҳар,
Қайтишни ўйламас оқшомга қадар.



— Нон ва шароб билан сени сийладим,
Кўзғолмайсан, азиз меҳмон, нега сан?
— Меҳмонмасман! — дея севги кулади,
Қалб уйингга балки, кўпдан бекаман!

* * *

Кекса олча тагида ўпишади шайдолар,
Шивир-шивирларини эшиитаман оқшомда.
О, сиз илк висолу илк бўса, илк ваъдалар,
Гарчи энди йироқсиз, ўт ёқасиз кўксимда.

У чоқ олча ниҳоли нозиккина, ёш эди,
Ёнида ёрим билан топардим ҳузур, фараҳ¹.
Илк севгимнинг гувоҳи ўша навниҳол энди
Атрофга шох ёйибди, бўлибди кекса дарахт.

*Машраб Бобоев
таржимаси*

Ҳиндларнинг нақлига кўра энг аввал
Оlamda илонлар пайдо бўлгандир.
Тоғликларга қолса, улар ҳар маҳал
Энг аввал лочинлар пайдо бўлган дер.

Мен эса ўйлайман: ушбу оламда
Одамлар бунёдга келган илгари.
Кейин, қай бирлари лочин бўлган-да,
Илонга айланган қайси бирлари.

¹ *Фараҳ* — шодлик, қувонч.

* * *

Савол берсам дейман одамларга хўп,
Шундай жавоб берса улар ҳар асно:
«Очмисиз?»

«Йўқ!»

«Юпумисиз?»

«Йўқ!»

«Яшаш даҳшатлими?»

«Йўқ, асло!»

Ер юзини кездим, ҳар қадамимда
Ташвишли одамлар, муҳтожлик ва ғам.

«Очмисиз?»

«Ҳа!»

«Юпумисиз?»

«Ҳа!»

«Яшаш даҳшатлими?»

«Жуда ҳам!»

*Нуриддин Шукуров
таржимаси*

Гарчанд бу қиссанинг тарихи узоқ,
Бироқ у ёдимга келар ногаҳон.
Бир ўғил етаклаб кўр онасини
Даво излаб кезмиш айланиб жаҳон.

Юра-юра охир топибди даво,
Онаси кўрибди ёруғ дунёни.
Сўқир ер, қўлинг бер, мен билан юргил,
Кузингни очайин сен бенавонинг.



* * *

Жаҳон кезиб қайтсак узоқ эллардан,
Ўғлидан айрилган кўплаб волида
Сўпар: «Доғистонлик бир зот кўрдингми?»
Кўрдингми, кезарми унда афтода?»¹

Шунда бор гуноҳим олиб бўйнимга,
Дейман: «Кўрган эдим битта ҳамюртим!»
Ҳар она шу менинг ўғлим деб ўйлар,
Нафасин жимгина ичига ютиб.

* * *

Бир вақтлар тошларга уриб оёғим
Зўрга йўл босганман тун сўқмоғида.
Онам деразага қўяр шам ёқиб,
Адашмасин дея қайтар чоғида.

Шундан буён ўтдим кўп йўллар босиб,
Дуч келар гоҳ бўрон, гоҳ чақмок, қуюн.
Лекин ҳамма жойда шу шам шуъласи
Ёритар йўлимни кечса ҳамки тун.

* * *

Кечагина менга севимли бўлган
Қўшиғимни қўйдим бугун унутиб.
Бу кун куйлаётган қўшиғим, балки,
Эрта унутилар, бир кеча ўтиб.

¹ Афтода — ожиз, бечора.

Аммо юрагимда битта қүшиқ бор —
 Яширин ғам билан күйлаган онам.
 Бу қүшиқ севгидан туғилған ёдгор,
 У эсдан чиқмагай ҳеч қачон, ҳеч ҳам.

* * *

«Дунёда тартиб йўқ, ҳаммаси расво», —
 Деди-ю, бир шоир дунёдан ўтди.
 «Бу дунё гўзалдир», — дея бошқаси
 Қирчиллама чоғда кўз юмди-кетди.

Учинчиси вақтдан ўзиб яшади,
 Ўлимга ён бермай, бўлиб оқсоқол.
 Ёмонни ёмон деб, яхшини яхши,
 Ёзди-ю, ўзи ҳам бўлди безавол.

* * *

Бўронсиз, курашсиз, тинч, осойишта
 Яшаб келганингдан ўзингча шодсан.
 Ҳеч ким шерик эмас шодлик, ғамингга,
 Дўстинг йўқ, демак, бил, сен бенажотсан.

Юзга кирсанг ҳамки, фарқи йўқ, билгил,
 Сочинг оқарса ҳам ўхшаб донога,
 Одамлар олдида очиқ айтаман:
 Демак, келганинг йўқ ҳали дунёга.

*Муҳаммад Раҳмон
таржимаси*

Олисдаги чўққи ҳам яқин кўринар баъзан,
Узатсанг, шундоққина етгудай тоққа қўлинг.
Чақир тош, қорлар бўйлаб юрасан, суринасан,
Поёнига аммо ҳеч етай демайди йўлинг.

Сир-асрор йўқдек бизнинг ишимизда ҳам унча,
Қалам-қоғоз олдингми, тер селдек қуюлади.
Қийналиб бир-бирига сўзларни жуфтлагунча
Тоққа чиқиш минг карра осонроқ туюлади.

* * *

Ўт ёнади ўчоқда, сакладан ўрлар тутун,
Девордаги нинанинг кўзичалик тешикка
Ҳўкиздек гавда билан суқулар шамол тикка,
Ичкарига кириб у музлатар уйни бутун.

Иситаман шеъримни юрагим тафтин бериб,
Аммо бехуда кетар баъзан бу амал-аъмол:
Худди ўша уй каби музлатар шеърни шамол,
Бўш сўзлар орасидан сатрларимга кириб.

* * *

Йўлга чиқсанг қоқ нон ол, май ол,
Дўстинг билан баҳам кўрарсан.
Ол ўткирроқ ханжар. Бемалол,
Хавф-хатардан йироқ юрарсан.

Сафардаман мен кўпдан буён,
 Кўшиқ фақат йўлга олганим.
 Дўст учраса — у шароб ва нон,
 Ўткир ханжар, учраса ғаним.

* * *

Шоирлар бор — фарзанди замон,
 Шоирлар бор — мангуликка эш.
 Дов-дарахтлар, яхшими, ёмон,
 Тусланишга маҳкум ёзу қиши.

Ранг танлашда қарагай доим
 Улар фасл ўзгаришига.
 Ям-яшилдир қарағай доим
 Боқмай йилнинг ёзу қишига.

* * *

Шеърият, мазлумга ҳомийлик қилдинг,
 Қароли бўлмадинг зўравонларнинг.
 Олдинг паноҳингта нотавонларни,
 Золимларни эса душман деб билдинг.

Шеърият, имонни келтирмай эсга
 Зўри, зари борга қуллуқ айлаган,
 Эрни бойлигига қараб танлаган
 Келинга ўхшамоқ ярашмас бизга.

*Мирзо Кенжабек
таржимаси*

«Айтгил-чи, эй, бизнинг сўзамол дарё,
Кездинг юз чақирим, юз йиллар бўйи,
Не кўрдинг энг гўзал, ҳаммадан зебо
Шу узун йўллару шу йиллар бўйи?»

Менга жавоб қилди тоғли дарёча:
«Гўзаллик кўрмадим кириб шу ёшга,
Айни ўзанимда жойлашган ўша
Қора ва шаклсиз бир тошдан бошқа».

* * *

Тоғларда абадий бекиниб ётган
Олтинлар ва тошлар не керак менга?
Керакмас кўкдаги юлдуз ҳам, зотан,
Порламай беркинса булут кўйнига.

Сен хоҳ кўп яшагин, оз яша ёки
Сенга бир ҳикматни айтайин ошкор:
Ўзгаларнинг дарди гар ўзингники
Бўлмаган бўлса, бу ҳаётинг бекор.

* * *

Бўлса ҳам бебаҳо оппоқ попоги
Бош бўм-бўш бўлиши мумкиндир гоҳо.
Мумкиндир қўркувдан титраб турмоги
Олтин қилич тутган кимса ҳам ҳатто.

Гоҳо омборлари тўла зотнинг ҳам
 Бўлади кечирган ҳаёти бўм-бўш
 Ва гоҳо соддагина сўзлар билан ҳам
 Қўшиқлар бўлади ҳақиқий, сержўш.

* * *

«Не дейсан сен анов одам ҳақида?»
 Дўстим жавоб берди елкасин қисиб:
 «Уни танимайман, бироқ у ҳақда
 Мен қандоқ яхши сўз билайн, қизиқ?»

«Не дейсан сен анов одам ҳақида?»
 Бошқа бир дўстимдан айладим сўроқ.
 «Уни танимайман, унинг ҳақида
 Мен қандоқ ёмон сўз айтайин бироқ?»

* * *

Шуҳрат тирикларга, керакмас, тегма,
 Одамлар ҳақида не биларсан сен?
 Гоҳо улар ичра энг яххисин ва
 Ҳатто энг зўрин ҳам ўлдирасан сен.

Шуҳрат, ўликларга кераксан чиндан,
 Халал ҳам бермайсан уларга минбаъд.
 Ўликларни қайноқ нафасинг билан
 Сен тирилтирасан мудом то абад.

* * *

«Қандоқ яшаяпсиз, ёвқур — эркаклар?»
 «Хотин ёмон бўлса — тақдирни сўкиб!»
 «Қандоқ яшаяпсиз, ёвқур — эркаклар?»
 «Хотин яхши бўлса — яшаймиз тўкин!»

«Қандоқ яшаяпсиз, каптар — аёллар?»
«Агар эр ёмондир — тийрадир¹ жаҳон».«Қандоқ яшаяпсиз, каптар — аёллар?»
«Эр яхши бўлса ҳам, барибир — ёмон!»

*Нурулла Остонов
таржимаси*

«Сўйла, денгиз, нечун шўрсан бунча ҳам?»
«Одамлар кўз ёши бағримдаги таъм!»
«Сўйла, мавжларингда нелар намоён?»
«Мавжларим остида маржонлар пинҳон!»

«Нега сен нотинчсан, сўйла, эй денгиз?»
«Мардлар ҳалок бўлди қаъримда, эсиз:
Бири ёш оқмасин дея юмди кўз,
Бири маржон излаб йўқолди изсиз!»

* * *

Туғилганмиз қувончли дамлар
Аёлларнинг қутлуғ бағрида.
Айтинг, ахир нечун одамлар
Бадфеъл бўлиб қолар баъзида.

Улғаймоқда бизларда қараб,
Кулбамиизда навниҳол² фарзанд.
Нега ширин сўзларни аяб,
Қаҳримизни сочамиз баъзан?

¹ Тийра — қоронги.

² Навниҳол — ёш.

* * *

Фийбат, бўхтон, ёвузлик, заҳар,
Охир бориб тиқали гўрга.
Лол қолмасин шундай десалар,
Шундай бўлар, шу сабаб бўлган.

Билолмадим бир сирни ҳечам,
Шундай бўлур баъзида нечун —
Ҳақиқат ҳам, севги, шароб ҳам
Ўлдиради одамни бир кун...

* * *

Далаларнинг кўксини тилиб,
Далалардан ҳосил кутамиз.
Бошоқ тўлгач ҳосилга кириб,
Битта қўймай ўриб кетамиз.

Бу бепоён далалар кўксин
Қонимиз-ла сугоради зам.
Худди шундай, ҳасратлар бир кун
Ўриб кетар буткул бизни ҳам...

*Асрор Мўминов
таржимаси*

Мана гилам тўқиб бўлинди, лекин,
Бирорга кўрсатиб мақтана маҳорол.
Осилган ипларни қайчила секин,
Кейин безагига синчков назар сол.

Мана китоб ёзиб бўлинди, лекин,
У экинга шудгор қилинган дала.
Энди марзаларда айлангин секин,
Текшир, қолмадими бирор жой чала.

* * *

Менинг севгим — чинор, унда қўш шох бор,
Бири қуриб борар, бири гуллайди.
Менинг севгим — бургут, гўё икки сор,
Бири парвоз этар, бири қулайди.

Менинг қалбим қийнар икки жароҳат,
Биридан қон оқар, бири битади.
Умрим бўйи шундай: навбатма-навбат,
Гоҳ қувонч, гоҳ қайғу қўлим тутади.

* * *

Чопма, отим, чопмагин, отим,
Қарамадим ҳали ортимга.
Шунда кечди ширин ҳаётим,
Тўйиб қараб олай юртимга.

Чопгин, отим, чопақол, отим,
Йўлга чиққан манзилни кўзлар.
Бошланяпти янги ҳаётим,
Чорлар мени ўзга юрт-дўстлар.

Эргаш Очилов
таржимаси

Кеча эди, күшларнинг уясига тирманиб,
Кувлашиб юрар эдик қоялардан-қояга.
Меҳмон бўлди-ю севги, жиддий ва зангори кўз,
Бир лаҳзала етказиб қўйди мени вояга.

Кечади, санадим катта одам ўзимни,
Сўнгти кунгача бўлгум ақдли, кўпни кўрган.
Меҳмон бўлди-ю севги, кулиб қўйди шунчаки,
Унинг олдида гўдак бўлиб қолдим қайтадан.

* * *

Яна журнал қилмади қабул
Сенга атаб ёзган шеърларни.
Муҳаррирнинг айтишича, халқ —
Ўтирамайди ўқиб уларни.

Беришмади қўлимга қайтиб
Қўлёzmани — бу не муаммо?
Хотинимга ўқиб берай деб,
Олиб қолди муҳаррир аммо.

* * *

Хотинига атаб шеърлар ёзди шоир бешумор¹:
«Куёшимсан, юлдузимсан менинг, тонгим —
безавол.

¹ Бешумор — сон-саноқсиз.

Ширинлиги, ёнгинамда бўлсанг, ҳаётнинг бисёр,
Бир зум кўздан қочирсам бас, заҳарга айланар
бол».

Аммо, мана, остоңада хотин — қуёш ва юлдуз,
Мадҳ этилган нарсалардай пайдо бўларкан балқиб.
«Сен ҳалиям шу ердами? — ҳайқирап шоир
дилсўз,
Ҳай, бир нафас ишламоққа қўйсанг-чи, Ҳудо
ҳаққи!»



ТҮРТЛИКЛАР

*Эргаш Очилов
таржимаси*

- Ёш болани нима қиласар донишманд?
- Ғам-қайғы!
- Донишманд нимадан ёш бола монанд?
- Қувонч у!

* * *

Итларни күрмасак, босар экан йўл,
Биз — йўловчилар тинч сезамиз ўзни.
Тинчроқ бўлар эди бундан ҳам кўнгил,
Агарда итлар ҳам кўрмаса бизни.

* * *

- Эй ажойиб одам, нега ҳар жойда,
Сўзлашасан тоғлар, ўрмонлар билан?
- Улар кўпни кўрган — барчага фойда
Суҳбат қуриш кўпни кўрганлар билан!

* * *

- Айт-чи, бу дунёда нима энг жирканч?
- Кўрқиб-титраб турган юраксиз эркак!
- Айт, дунёда борми ундан ҳам ирганч?
- Кўрқиб жим ўтирган юраксиз эркак!

* * *

Деразам олдида күйлайди еллар
 Аллақачон жонга теккан қүшиқни.
 Қүшни деразада күйлар — мен йиллар
 Азиз билиб, дилга туккан қүшиқни.

* * *

Тинмай айланади ҳаёт — тегирмон,
 Ҳордиқ ва уйқуни билмай ҳеч қачон.
 Чарх ура бошлайди у тез ва енгил
 Дўлида камайиб борган сари дон.

* * *

Жуда оғир бўлар, оғир, қачонки
 Маҳорат бору куч йўқ ишга сира.
 Жуда оғир бўлар, оғир, қачонки
 Лаёқат йўғу куч билмас чегара.

* * *

- Кимга яшаш жуда оғир дунёда?
- Кимга эл ишонмас — оғирдир иши!
- Хўш, кимга оғирдир ундан зиёда?
- Агар ишонмаса ҳеч кимга киши!

* * *

- Қушлар, нега жимсиз отса ҳамки тонг?
- Тингляяпмиз ёмғир ёғишини биз!
- Шоирлар, сиз нега жим — урмайсиз бонг?
- Тингляяпмиз ёмғир ёғишини биз!

* * *

— Кўшиқларим — ишқим чечаги,
Кушча, бўлмай тингла чаманда.

— Агар бўлса шоир юраги,
Ўзинг жим бўл мен куйлаганда!

* * *

— Бу қандайин ҳукмдор, подшоҳ,
Қулларига бермаса фармон?

— Қай юртдаки қуллик йўқдир, шоҳ
Ҳукумати бўлмас ҳеч қачон!

* * *

Бир-биридан айру икки кўз,
Бир-бирига бўлмасин деб ёв.
Бир ролни ўйнаса икки дўст,
Бир-бирига душман беаёв.

* * *

— Нега кўзлар бўм-бўш, икки тешиқдай?

— Чунки йўқ уларда фикр ҳам, дард ҳам.

— Нега кўзлар порлар гулхан каби, ҳай?

— Фикру дард ёндирав уларни ҳар дам.

* * *

Туғилиш бу — биринчи давон,
Ўлим эса иккинчи, ёху!
Соддаликдан сен эса, инсон,
Юзинчисин қиласан орзу.

* * *

- Нега ҳалқа қилар думини илон?
- Қисмати шу — эгри уяси, яъни.
- Нега баъзан эгри юради инсон?
- Ҳаёт йўли доим тўғрими, қани?

* * *

Ҳеч ким оч қолмасин сира дунёда,
Ҳеч ким тўқ бўлмасин ҳаддан зиёда.
Бирор очлик сабаб ёвуз ҳар доим,
Бошқасини тўқлик айлаган золим.

* * *

«Кўз нега баландда, пастдадир оёқ?»
Мен бунда кўраман шундай аломат:
Токи ҳар бир киши қадам қўйган чоғ
Кўриб турсин қандай бўлар оқибат?

* * *

- Оч одам, сен нима истайсан? — Овқат.
- Совуқда не керак, уйсиз? — Уй фақат.
- Сен нима истайсан ташна қолган? — Сув.
- Сен нима истайсан сайёҳ? — Сўз-суҳбат.

* * *

- Ким энг эзма дунёда? — Бу қариқиз, шубҳасиз,
Ҳеч ким унинг ҳуснига қилган эмас эътибор.
- Ким энг эзма дунёда? — Бу қари шоир, эсиз,
Бутун умр шеър ёзиб, тан олинмаган зинҳор.

* * *

Одамларнинг сўзини нимага айлай қиёс?
Навбаҳорнинг ҳаётбахш ёмғирига ўхшар у:
Бир кун ёғса — барака, икки кун ёғса ҳам соз,
Шундан сўнг ҳам тинмаса, келтирас ташвиш-
қайғу.

* * *

— Умр бўйи дард нима билмай
Яшаса ким — энг бахтли одам!
— Дўст-душманга ҳеч ҳасад қилмай
Кун кечирган бахтли ундан ҳам!

* * *

Касб қилиб олганлар шеърни ҳар маҳал
Чин шоир ўрнини олмоқ бўлади.
Келгиндилар иши шумасми азал:
Ёт юртнинг соҳиби бўлмоқ бўлади.

* * *

Биламан: сўkkанинг менмас эрта-кеч,
Сўкасан бошқа деб, қақшатиб мени.
Биламан: сен мени мақтамайсан ҳеч,
Мақтайсан ўзингга ўхшатиб мени.

* * *

— Мевани хомлайн кетишса шилиб,
Чўнг меҳнат ҳавога учар бегумон.
— Вақтида терилмай, ерга тўкилиб,
Нобуд бўлиб ётса, ундан ҳам ёмон!

* * *

Касалликлар, қарзлар, ўт, душман,
 Фаму ташвиш, табиий офат —
 Уларни бор даҳшати билан
 Англаб етмас аҳмоқлар фақат.

* * *

Мен учун дунёда учта йўл маълум,
 Гарчи йўқ дунёда йўлдан ҳам мўли:
 Биттаси — шеърият, биттаси — ўлим,
 Биттаси — ҳар кимнинг ўз ҳаёт йўли.

* * *

Хаёлга келтирмас ўлимни ботир,
 Ҳаёт экан, ёзар у ҳақда шоир.
 Ўлим эса очиб эшигини кенг,
 Бир кўз билан боқар иккисига teng.

* * *

Сени улуғлашса ҳамма томондан,
 Талтайиб, кимлигинг унутма зинҳор.
 Ўзинг кўкка чиқиб борган нарвондан,
 Ўзинг ерга тушиб келмоғинг ҳам бор.

* * *

Бўлмаса хасталар, қамоқхоналар,
 Некбинликда бўлар эдим афсона.
 Дунёда абадий яшасак агар,
 Даҳрийликда бўлар эдим ягона.

* * *

Альпинистлар, кўпни кўрганлар айтар:
Баландга чиқишидан тушиши қийин.
Қирқ довонни босиб ўтсам ҳамки гар,
Йўлим тик ва оғир юрганим сайин.

* * *

Мен қайси чўққидан пастга отмай тош,
Бирор из қолдирмай йўқолди бари.
Мен қайси заминда қўшиқ битсам хуш,
У учар қадрдан тоғларим сари.

* * *

— Аёлни туш кўрдим тонг отар пайти,
Үйғотиб қўйдингиз, хўрозлар, мени!
— Яхиси, шукр қил, дуолар айтиб,
Умрингда илк бора үйғотдик сени.

* * *

Тақдирдан тиласа нима ҳар инсон,
Мен ҳам тилар эдим шуни доимо:
Нон топилса осон ҳам бўлса арzon,
Сўз эса оғиру ҳам қимматбаҳо.

* * *

Деразанг олдида тураг яйдоқ от,
Гар қўлингдан келса, эгарлаю мин.
Нега қилмадим деб шуни умрбод,
Юрма чекиб афсус-надомат кейин.

* * *

- Нима туш кўрдинг, дўстим?
- Эсимда йўқ сира ҳам!
- Ҳечқиси йўқ! Истайман сени ғамдан қутқазиб,
Кўзинг ўнгидага турсин фақат ушбу кун ҳар дам,
Ўтган йилларни бир-бир назарингдан ўтказиб.

* * *

- Ҳиссизлар, сиз нимадан кечдингиз?
- Бизми, ҳисдан!
- Ҳис кимни тарк айлади?
- Ҳиссизни, яъни бизни!
- Мутелар ким туғади сизни?
- Туғар салтанат!
- Салтанатни ким туғар?
- Бизлар, қилиб итоат!

* * *

Ўлим олар бизни-ю, бизга оид неки бор,
Фақат севги олдида ожиз унинг тузоги.
Ҳатто қарға ҳам яқин йўлай олмайди зинҳор,
Ёниб турса ловуллаб қайси уйнинг ўчоги.

* * *

Йўқ, мен қордан хафа эмасман, лекин,
Сочинг каби майин менга тегар у!
Шамолга ишим йўқ солса-да шовқин,
Аламлиси — сени қучиб ўтар у!..

* * *

Одамлар ёнингдан ўтар хотиржам,
Улар тўзаллигинг пайқамас, ҳайҳот!
Кўзи бор одамлар кўр бўлса наҳот?
Кошки кўзларини қарзга ололсам!

* * *

Мен кўрдим: изгирин шамоллар билан
Боғ гулларин ҳазон қилганини куз.
Энди сени ширин хаёллар билан
Гулга ўхшатмайман дея бердим сўз.

* * *

Маҳмуд шеърларини ёд биламан, ёд,
Бир ҳол мени ҳайрон қилгани-қилган:
Менинг муҳаббатим ҳақида устод
Мен ҳали туғилмай қаердан билган?

* * *

— Қачон эди? — дейди хотиним менга, —
Биз жанжаллашган эдик қилиб «сен»-«мен»лар?
— Эсимда йўқ, — дейман жавобан унга, —
Умр ҳисобига кирмас у кунлар.

* * *

Қувончимиз бизларнинг айру,
Айру бизнинг ташвишу қайғу.
Бор қувончни, бўлсайди имкон,
Алишардим қайғуга шодон.



ЭПИГРАММАЛАР

*Эргаш Очилов
таржимаси*

БИР ШОИРНИНГ ХОТИНИГА

Бошқалардан эринг эмас кам,
Ижодини қиласан хурмат:
Бир сатрини ўқимасанг ҳам,
Ҳар сатрини санайсан фақат.

ЖАНРИНИ ТЕЗ-ТЕЗ АЛМАШТИРГАН АДАБИЁТШУНОСГА

Иш услубинг ўхшар қўшнимга ошкор:
У уйланар эди деярли ҳар йил.
— Хотин билан бир йил яшабмиз бекор —
Орада бола йўқ, — келтирас далил.

Алмаштирдинг кўп бор жанрингни, лекин,
Бир насиҳатим бор — менга қулоқ сол:
Боланг йўқми, бориб дўхтирга кўрин,
Хотинингнинг айби йўқдир эҳтимол.

ЯГОНА ШОИРГА

Халқингнинг бошқа бир шоири йўқ, о,
Фойдаланиб қолдинг сен бу имкондан:
Хоҳлаган бир шоир бўлганда пайдо,
Сени шоир дея ҳеч ким олмас тан.

ШОИР ДЎСТИМ ҲАҚИДА ОНАСИННИГ АЙТГАНИ

Тили чиқмай туриб ўғлимнинг ҳатто,
Онаман-да, уни тушунар эдим.
Шоирлик йўлига кирди-ю аммо,
Мен уни сира ҳам тушунмай қолдим.

ШОИР ЮБИЛЕЙИ

Ўтказамиш шоир юбилейини,
Чунки амалда у, унвон, мукофот.
Фақат тузук-қуруқ шеъри йўқ унинг
Юбилей нашрини босишга, ҳайҳот!

ШИКОЯТ ЁЗУВЧИ ШОИРГА

Ўзгаларнинг айбин кўрувчи шоир,
Имзосиз шикоят тўплами эмас,
Яхши эди шеърлар тўплами — нодир,
Ёдгор бўлиб қолса — қилгулик ҳавас.

ОҚСОЙ ОВУЛИДАН ЧИҚҚАН АДАБИЁТШУНОСГА

— Ўттиз адіб Оқсойда сонда, —
Деб ёзасан, — истеъдод бари.
Менга айт-чи, Оқсой томонда
Нарх янгими ё эски ҳали?

ЎЗЛАШТИРИШГА ЎЧ ШОИРГА

Отарингда бўлса-да пайдо,
Гўзал қўзичоқлар, аксари
Улар ўзга отарда аммо,
Маъраганди бундан илгари.



ҲИКМАТЛАР

«МЕНИНГ ДОҒИСТОНИМ» АСАРИДАН

*Эркин Ваҳидов
таржимаси*

Кулбамга кирмасанг, йўлчи, мабодо,
Сенга ғазаб қилисин Тангри таоло.
Кирсанту мен улфат бўлмасам сенга,
Тангри таолонинг ғазаби менга!

* * *

Сен ўтмишга тўппонча отсанг,
Келажак сени замбарак билан отади.

* * *

Эрталаб кўз очганингда илон чаққандай
ўрнингдан сапчиб турма. Аввал бир нафас ётиб,
кўрган тушингни ўйлагин.

* * *

Чопиб келаётган отни жиловидан ушлаб қол-
масанг, ўтиб кетганидан кейин думига осилиш-
нинг фойдаси борми?

* * *

Бир кун улуғ Шомилнинг муридлари давра-
да ўтириб ўз қиличларини мақтаб қолишибди.

Бири пўлатининг тозалигини гапирса, бири қилич бандига ёзилган оятнинг маъносини айтиб мақтанаверибди. Муридлар орасида Шомилнинг ноиби Ҳожи Мурод ҳам бор экан. У йигилганларга қараб шундай сўз айтибди:

— Эй, сиз, содиқ муридлар. Бу ерда салқин чинор соясида ўтириб баҳс қилманг. Эртага саҳарлаб қирғин жанг бўлади. Кимнинг қиличи зўр бўлса, ана ўшандада билинади.

* * *

Гапиришни ўрганиш учун одам боласига икки йил кифоя. Тилни тийишга ўрганиш учун олтмиш йил керак.

* * *

Бировнинг қўлёзмасини титиш чўнтак кавлаш билан баробар.

* * *

Отам шундай дер эди: — Тоғдан пода келаётган пайтда аввал эчкининг шохи кўринади, кейин бутун эчки, ундан кейин пода кўринади.

Овчи овдан қайтиб келаётганда аввал унинг ити, сўнг ўзи кўринади.

* * *

Кичкина гўдак ҳам катта тушлар кўради.

* * *

Бир марта керак бўладиган қурол бутун умр ёнда сақланади. Бутун умр қалбда сақланадиган шеър бир ўтиришда ёзилади.

* * *

Баъзан нима қилишни билмай бекорчиликдан танбурни кўлга олиб тинғиллатиб ўтирганингда бирдан куй туғилади. Куй оҳанг бўлиб, оҳанг мусиқа бўлиб оқади.

* * *

Йигит қўшни қишлоққа арзимаган иш билан боради-ю, битта жононни эгарга ўтқазиб қайтади.

* * *

Дейдиларки, қачондир бирор отиб юборган данак тасодифан кийикнинг бошига тушган эмиш. Кийикнинг шохи ана шу данакдан ўсиб чиққанмиш.

* * *

- Лочин, қайда туғилдинг?
- Торгина форда.
- Лочин, қайга учурсан?
- Чексиз осмонга.

* * *

Қиз боланинг исми юлдуз жилвасига, гулнинг табассумига ўхшамоги керак. Йигитнинг номида қиличларнинг жарангиги-ю, китобларнинг дониши¹ мужассам бўлиши лозим.

* * *

Ҳар бир одам дунёга келганда шу нарсани билиши керак: у дунёга ўз халқининг вакили бўлмоқ учун келган. Ҳар дақиқа ана шу вазифани бажармоққа шай бўлмоғи керак.

* * *

Фикрингни яширма. Яширсанг йўқотасан. Хасис одам хазинасини яшириб юради. Яширади-ю, кейин ўзи ҳам қўйган жойини эсдан чиқариб қўяди. Хасислиги туфайли хазинадан айрилади.

* * *

Ўз фикрингни бировга берма. Қимматбаҳо асбобни ёш боланинг қўлига бериб бўлмайди. У ё синдиради, ё йўқотади, ё ўйнаб қўлини кесиб олади.

* * *

Отнинг феъли фақат эгасига маълум.

¹ Дониш — илм, маърифат.

* * *

Ёзувчининг калласига келган хаёл хотин кишининг қорнига илинган боладай. У албатта туғилиши керак. Фақат фурсат ўтиши, бола етилиши керак. Ёзиш азоби туғиш тўлғоғига ўхшайди.

* * *

Бирор қўйган исм эмас, лақаб бўлади.

* * *

Китобнинг номи айтмоқчи бўлган гапингдан, кўзлаган мақсадингдан келиб чиқиши керак.

* * *

Попоқни бошга ўлчаб оладилар.

* * *

Ёзувчи одамнинг фикрлари ҳар бир саҳифада, ҳар бир сатрда, ҳар битта сўз учун бир-бири билан баҳс қиласди.

* * *

Гўдакнинг бошига отасининг попогини кийдириб бўлмайди-ку. Попоқнинг ичидаги йўқ бўлиб кетади.

* * *

Киши ўтирган чоғда билинмас — соғми, чўлоқ. Киши ухлаган чоғда билинмас — тикми, маймоқ. Киши дам олган чоғда билинмас — мардми, кўрқоқ. Сўз очмаса билинмас — тили ростгўй, ё алдоқ.

* * *

Ўта фояли кишилар ҳам бўладики, ундейлардан фояга фақат зарар етади.

* * *

Фоя сўзда эмас, амалда кўриниши керак.

* * *

Гапнинг охирида айтиладиган сўз бошида айтилмайди.

* * *

Фоя тошдан-тошга сакраб, кўпириб, сув сачратиб оқувчи жилға эмас, балки экиннинг томирига жон берувчи, аммо ўзи кўринмай қолувчи сизот бўлиши керак.

* * *

Дейдилар: Боланинг номи-ку яхши, ўзи қанақа одам бўларкин?

* * *

Қинида ётса ханжар — занг босади,
Faflatda ётса ўғлон — чанг босади.

* * *

Чиройли муқова ёмон китобнинг жонига оро киролмайди.

* * *

Шеър осон ёзилса, қийин ўқилади. Аксинча, қийналиб ёзилган шеърни ўқиш осон бўлади.

* * *

Мазмун ва шакл — инсон ва унинг кийими. Агар инсон чиндан оқил, хушфеъл, чиройли бўлса, нега энди ўзига лойиқ, кўркам кийинмасин?

* * *

Чиройли хотинлар қўпинча ақлсиз бўлади ва, аксинча, ақли тўлиқ хотинлар хунук бўлади.

Лекин шундай баҳтли аёллар ҳам борки, уларда ҳам ҳусн мукаммал, ҳам ақл равшан.

* * *

Олтин билан кумушнинг ўзи ҳеч нарса эмас. Муҳими, устасининг қўли олтин бўлсин.

* * *

Ахир, шеърни қандай ёзишни ўйлагандан кўра шеърнинг ўзини ёзган маъқул эмасми?

* * *

Робиндронат Тагорнинг акаси ҳам ёзуячи бўлиб, у ҳинд адабиётинингベンгал мактабига мансуб экан. Робиндронат эса ўзи бир мактаб эди.



* * *

Робинранатнинг қалбидаги жаҳонда монанди йўқ бир қуш ошиён қурган эди. У бу қушни санъат осмонига учирди ва ҳаммани лол қолдирди. Чунки бу қуш фақат унинг, Робинранат Тагорнинг қуши эди.

Агар санъаткор учирган қуш бошқа қушларнинг галасига қўшилиб, улар ичидаги йўқ бўлиб кетса, демак, санъаткор ҳақиқий санъаткор эмас. Демак, унинг қуши ҳумоюн¹ эмас, оддий чумчуқ.

* * *

Эркак кишининг ўз ўчоги ва ўз олови бўлади. Бировнинг ўчогига тиқилган одам эртами-кечми бу ўроқни тарқ этиши керак. Бировларнинг отига мингашманг, фақат ўз отингизни мининг.

* * *

Адабиёт пандурга² ўхшайди, ёзувчилар эса бу пандурнинг торлари. Ҳар битта тор ўз садосига эга. Торлар кўшилиб, оҳанг пайдо бўлади.

* * *

Баъзан шундай бўлади: анави жарликда бир овчи кийик отибди, деган овоза тарқалади. Бошқа овчилар ҳам ёпирилиб ўша жарликка келади.

¹ Ҳумоюн — кутлуг, муборак.

² Пандур — торли мусиқа асбоби.

Бу пайт ҳалиги овчи бошқа жарликда айиқ уради. Овчилар энди бу жарликка югуради. Улар бу ерда уймаланишиб турганда овчи бошқа жарликда қоплоннинг изига тушган бўлади... Энди айтинг, ҳақиқий овчи ким, ўзи мустақил ов қидирганми, ёки бирорларнинг кетидан юрганми? Бунакалар бирорнинг қопқонига илинган овни ўтирашдан ҳам тап тортмайдилар.

* * *

Ирмоқ денгизга етиб борганда ҳам, бу мовий кенглик билан қўшилганда ҳам, ўзи туғилган тоғ орасидаги тиниқ чашмани, ўзи босиб ўтган нотекис, қийин йўлни унутмаслиги керак.

* * *

Тоғликларда бир гап бор: оламда дарл йўқки, тоғ гиёҳларидан дармон топмасин.

* * *

Ёзувчи — ҳакими ҳозиқ¹. У халқнинг асрлар давомида фойдаланган гиёҳлари, дори-дармонларидан ҳам, жаҳоний илмнинг энг сўнгги кашфиёти бўлган муолажа воситаларидан ҳам боҳабар бўлмоғи керак.

* * *

Ёзувчи — сафарга чиққан йўлчи. У ўзга юртларга йўл олар экан, қалбила ўз диёрининг

¹ Ҳозиқ — моҳир, билимдон.

Күшиқларини олиб бормоғи ва шу билан бирга,
юрагидан ўзга халқнинг қўшиқларига ҳам жой
топмоғи керак.

* * *

Камалак оламда бор бўлган ҳамма нурларни
ўзида жамлагани билан гўзал.

* * *

Дейдиларки, девори бақувват бўлмаса, ҳаша-
матли иморатлар ҳам йиқилади.

* * *

Дейдиларки, товуқ тушида бургут бўлган-
миш — қоядан парвоз этаман деб қанотидан ай-
рилибди.

* * *

Фақат йиғлар, фақат кулар чақалоқ,
Сабабин бирровга айттолмас бироқ.
Аммо айтиб берар вақт келиб бир кун
Ўзи ким, дунёга келган не учун.

* * *

Тилни билмай шеър ёзишга жазм қилган
шоир сузишни билмай дарёга тушган тентакка
ўхшайди.

* * *

Баъзилар миясига фикр келгани учун эмас,
тили қичигани учун гапиришади.

* * *

Одамзодга иккита кўз, иккита қулоқ, фақат битта тил берилган. Бир марта сўзламоқдан олдин икки марта кўрмоқ ва икки марта эшитмоқ керак.

* * *

Ўз ҳолича сўз йўқ: у ё қарғиш, ё олқиши, ё азоб, ё гул, ё тупроқ, ё ҳақиқат, ё бўхтон, ё нур, ё зулмат бўлади.

* * *

Ёзувчи ўз сўзининг ҳақиқий эгаси бўлмоғи керак.

* * *

Қасамхўрдан яхшилик чиқмайди.

* * *

Тилларни осмондаги юлдузларга ўхшатаман. Бу юлдузларнинг ҳаммаси қўшилиб, баҳайбат бир юлдуз бўлишини сира истамасдим. Осмонга битта қуёш, битта ой етади. Юлдузлар ўз жилваси билан гўзал. Ҳар бир инсоннинг ўз юлдузи бўлсин.

* * *

Кичкина тоғда ҳам катта олтин кони бўлади.

* * *

Сўз ёнғоқ эмаски, тишингда қарсиллатиб чақсанг.

* * *

Сўзни кучанмасдан талаффуз қил, оғзингдан чиққан сўз тарақа-туруқ қилмасин.

* * *

Чиройли айтилган ўткир гапни тоғликлар «Битта отга арзийдиган гап» дейишади.

* * *

Баъзиларга ўз она тили қашшоқ туюлиб, бойроқ, каттароқ тил излаб чиқиб кетишади. Лекин уларнинг кўпчилиги эртакдаги эчкига ўхшаб қолишади. Эчки бўриникига ўхшатан думни орзу қилибди-ю, дум ўстиргани ўрмонга кетибди, натижада шўрлик шохидан ҳам айрилиб қолибди.

* * *

Фоз сузишни билади, лекин балиқдай эмас, учишни билади, лекин қушдай эмас, ҳаттоқи бир оз сайрайди, лекин булбулдай эмас. Ҳаммасидан оз-оз бор, лекин ҳеч қайсисини қойил қилолмайди.

* * *

Ёзувчи учун энг ёмон аҳвол ўртачаси бўлади.

* * *

Майли, бошқа тилда ёз, лекин уни ўз тилингдан яхши билсанг ёз.

* * *

Ёзувчининг тил бойлиги деҳқоннинг ҳосил бойлигига ўхшайди.

* * *

Сўз ёмғирга ўхшайди: бир мартаси — роҳат, икки мартаси дуруст, уч мартаси — чидаса бўладиган, тўрт мартаси — офат, бало.

* * *

Эшикни тепма — калитини топсанг, ўзи очилади.

* * *

«Менга мавзу беринг» дема, «Менга кўз беринг» деб айт.

* * *

Фикрлар ва ҳислар қуш бўлса, мавзу — шу қуш парвоз этадиган осмон, фикрлар ва ҳислар оҳу бўлса, мавзу — шу оҳуга маскан бўлган тоғлар, фикр ва ҳислар йўл бўлса, мавзу шу йўл олиб борувчи манзил.

* * *

Бургут ҳовлидаги товуқлар орасида жимгина дон териб юрса, демак у бургут эмас.

* * *

Битта жангчига бир неча душман ҳужум қилиб, орқа-ўнгидан қилич солиб турса, қанақа баҳодир бўлмасин, ахволи танг бўлади. Шундай вақтда катта қоя бўлса-ю, жангчи унга елкаси билан суюниб урушса, ҳар қалай орқадан келадиган хавф йўқолади: чинакам баҳодир жангчи шундай қоя ҳимоясида икки-уч аскарни ертишлатиши мумкин.

* * *

Мавзу — бойлик тўла сандиқ. Сўз унинг қалити.

* * *

Бу мавзу меники, унга ҳеч ким тега кўрмасин, дейиш ҳам ақлдан эмас.

* * *

Қалб севги танлашда, ёзувчи мавзу танлашда эркин.

* * *

Севги бирорта юракдан жой оладиган бўлса, бунинг учун ҳеч кимнинг маҳсус рухсати керак эмас.

* * *

Агар бургут юксак қоядан кўтарилиб, водий узра парвоз қилмаса, билгинки, у ҳақиқий бургут эмас.

Агар бургут водий узра парвоз қилгач, яна юксак қояга келиб құнмаса, билгинки, у ҳам ҳақиқий бургут әмас.

* * *

Баъзи йигитлар келин танлаганда ақллиси қолиб, енгилтак қизни хоҳлашади, фақат бойнинг қизи бўлгани учун.

* * *

Шундай ёзувчилар борки, улар учун нима ҳақда, қайси юрт ҳақида ёзишининг сира фарқи йўқ. Улар қанча узоққа кетсам, молимни шунча қимматга сотаман, деб ўйловчи олибсотарларга ўхшайдилар.

* * *

Кунлардан бир кун икки тоғлик бўйинтуруққа ёғоч кесиб келгани ўрмонга боришибди.

Биринчиси мўлжалдаги дарахтни дарров то-пибди-да, бўйинтуруқбоп иккита қуруқ шохни кесиб қайтибди. Иккинчиси бу дарахтга қараса, униси яхшироқ, унисига қараса наригиси яхшироқ кўриниб, кечгача ўрмон кезибди. Охири у ҳам иккита ёғоч кесиб қайтибди, лекин бу ёғочлар дастлаб учраганидан анча ёмон экан. Уйга қайтаётиб кўрса, ўртоғи аллақачон ерини ҳайдаб, уйига келаётган эмиш.

* * *

Кўшиқ айтишни ўз юртингда ўрганмаган бўлсанг, ўзга юртда сира ўрганолмайсан.

* * *

Беш ой яшил япроқларини кўз-кўз қилиб турган дарахт баъзан бир кунда — ҳатто бир кечада сарғаяди. Ёки аксинча, беш ой яланғоч турган дарахтнинг яшил либосда кўриниши учун баъзан бир илиқ кун кифоя.

* * *

Дарахтлар борки, ҳар ой тусини ўзгартиради.
Дарахтлар борки, бир умр ўзгармайди.

* * *

Кўп кушлар иқлим ўзгариши билан ҳар фасл ватанини янгилайди. Бургутлар эса қишу ёз ўз тоғларига содик қоладилар.

* * *

Кушлар шамолга қарши учишни яхши кўришади. Яхши балиқ оқимга қарши сузади. Ҳақиқий шоир қалби буюрганда «кибор оламининг фикрига қарши» исён қиласди.

* * *

Ёзувчи ўз мавзусига муҳаббат кўймаса, бундан фақат ўлик асарлар туғилади.

* * *

Баъзан киши шундай тугунга дуч келадики, уни күл билан ечиб бўлмайди — жуда чигал. Тиш билан ечай десант, оғиз уриб бўлмайди — жуда ифлос...

* * *

Қаҳрамон ҳақида асар ёзган ёзувчи ўзи қаҳрамон бўлиб қолмайди.

* * *

Баъзилар улкан мавзуларни қаламга олиб, ўзим ҳам улкан ёзувчи бўлдим деб ўйлашади. Лекин улар энг улуғ нарса энг содда нарсада эканини тушунмайдилар. Улуғ одам билан тубан одам ўртасидаги фарқ шуки, тубан фақат йирик нарсаларнитина кўради, бурнининг тагида турганини кўрмайди. Улуғ одам эса йирик нарсани ҳам, кичик нарсани ҳам кўра билади, энг майда нарсада энг улкан нарса ёттанини кўради ва одамларга ҳам кўрсатади.

*Асрор Мўминов
таржимаси*

Эркак киши фақат икки ҳолда тиз чўкиши мумкин, булоқдан сув ичганда ва гул узганда.

* * *

Юрагида олови борлар ўз номини пок сақлаб қолади.



* * *

Агар сендан кимлигингни сўрашса, барча маълумотларинг ёзилган паспорtingни кўрсатишинг мумкин. Агар халқдан кимлигини сўрашса, у шундай ҳужжат ўрнига ўзининг олимини, шоирини, рассомини, бастакорини, сиёсий арбобини, саркардасини кўрсатади.

* * *

Неча асрлар бизнинг тарихимизни аждодларимиз ханжар ва қиличлар билан ёзишди. Энди одамлар қофоз-қаламни ўйлаб топишиди.

* * *

Ой осмонда сузиб ўтаётган вақтда денгизда ҳам, жилғада ҳам акс этади.

* * *

Кўра олмайдиган кўз узумсиз ток навдасига ўхшайди.

* * *

Одам кийим кийганда, ботир отга минганда билинади... Ахир, қаҳрамон бўлиш учун албатта йўлбарс терисида туғилиш шарт эмас. Баъзан пўлат совут кийганда ҳам қўрқоқни юраги безовта қилиши мумкин.

* * *

Оддий гилдан ясалади энг гўзал кўза,
Оддий сўздан яралади шеърий мўъжиза.

* * *

Бургутни пичан, эшакни гўшт билан боқиши-
га уринманг.

* * *

Агар дунёда сўз бўлмаганида ҳозиргидай гўзал
бўлмасди.

* * *

Тилни ўрганмасдан шеър ёзишга уринган одам
сузишни билмасдан чўмилиш учун ўзини сар-
каш дарёга ташлаган телбага ўхшайди.

* * *

Кўп қасам ичадиган одамнинг ёлғончидан
фарқи йўқ.

* * *

Одамларнинг тиллари ҳар хил бўлиши мум-
кин, лекин уларнинг юраклари бир хил тепса бас.

* * *

Полапонлар ҳам қанотлари қотгунча уясида
яшайди.

* * *

Шеърлар ҳар доим кутилмаганда, бир туҳфадай келади.

* * *

Туйғулардан мусиқа туғилади, мусиқадан туйғулар туғилади. Қайсисини биринчи ўринга қўйиш керак?

* * *

Биз Ватанни танламаймиз, чунки Ватан бизни аллақачон танлаб бўлган.

* * *

- Бургут, сенинг энг яхши қўшифинг қайси?
- Баланд тоғлар ҳақидаги қўшиқ.
- Ҷағалай, сенинг энг яхши қўшифинг қайси?
- Мовий денгизлар ҳақидаги қўшиқ.
- Қарға, сенинг энг яхши кўрган қўшифинг қайси?
- Жанг майдонида қолган мурдалар ҳақидағи қўшиқ.

* * *

Айрим адабиётчилар бор, бигта мавзуда ёлчишиб ёзишмайди, лекин у мавзудан-бу мавзуга сакрайди.

* * *

Бўйга етган қиз совчи юборгандарники эмас,
хотин қилиб олганники.

* * *

Агар қушнинг уяси бир боғда бўлса, бошқа
боғга бориб сайрамайди.

* * *

Думба жизза емоқчи бўлган одам қозонга
сариёф сурмайди.

* * *

Ёзувчи мавзууни муҳаббат ёки нафратига асо-
сан эмас, тараляётган ҳидига қараб танласа, ўз
даврининг нафаси уфуриб турган асарни дунёга
келтира олмайди. Улар даврининг эмас, айнан ўша
бир куннинг фарзанди бўлади.

* * *

Ёзувчининг қўлига фақат ўз юрагининг оғри-
ғи, ўз юрагининг қувончи қалам тутқазади.

* * *

Керакли нарсани умринг бўйи изласанг ҳам,
уни омад кулиб боққан лаҳзада топасан.



* * *

Агар шарманда қиласынан айбели иш қылған бўлсанг, кейин қанча тавба қилма, бўлиб ўтган ишни ортга қайтара олмайсан.

* * *

Шармандали айбели ишни содир этиб, йиллар ўтгандан кейин тавба-тазарру қылған одам қарзини эски пул билан тўлашга уринган одамга ўхшайди.

* * *

Жанжал тугагандан кейин мушт ўқталишнинг кераги йўқ.

* * *

Агар баданга ўқ тегса, уни олиб ташласа бўлади. Лекин юракка теккан ўқни олиб ташлаб бўладими?

* * *

Нур ҳеч вақт соя таратмайди, нурдан фақат нур таралади.

* * *

Айтишларича, оилада севги қанчалик кучли бўлса, соғлом бола туғилиш эҳтимоли шунчалик кўпроқ. Агар ёзувчи ва ижод ўртасидаги никоҳ севги асосида қурилмаган бўлса, фақат ўлик ки-

тоблар дунёга келади. Шунинг учун ёзувчи бирор мавзунинг бошини тутар экан, фақат юрак амрига қулоқ солиши лозим.

* * *

Буюкликнинг замини оддийликда.

* * *

Бир томчи ёмғирда сел мудрайди.

* * *

Доно ҳикмат айтиб, тентак эса бақириб ҳайрон қолдиради.

* * *

Баҳор келса — қўшиқ куйла,
Қишлоғ келса — эртак сўйла.

* * *

Танлаш имконияти қанча кўп бўлса, танлаш шунча қийин.

* * *

Албатта, қушлар сайраб туришлари керак, лекин уларнинг асосий вазифаси уя қуриш, овқат топиш, полапонларини боқишидир.

* * *

Дунёда шоирлик хусусияти йўқ одамнинг ўзи йўқ экан. Ҳар бир одам қалбан шоир.

* * *

Бизнинг ҳаммамиш шоирмиз. Фақат бизнинг фарқимиз шундаки, айримларимизгина шеър ёзади. Чунки улар шеър ёзишни билишади. Бошка бирорлари ҳам шеър ёзади, фақат улар шеър ёзишни биламан деб ўйлашади. Учинчи тоифадаги одамлар эса умуман шеър ёзишмайди. Эҳтимол, ҳақиқий шоирлар ана шу, учинчи тоифадаги одамлар орасидадир.

* * *

Наср узокроққа учади, лекин шеърият баландроққа күтарилади.

* * *

Шеърият — отда елмоқ, наср — пиёда юриш. Пиёда юрсанг узокроққа борасан, отда манзилга тезроқ етасан.

* * *

Агар китобнинг шакли қанчалик янги бўлмасин, бу китоб шакл учунгина ёзилган бўлса, ўкувчилар юрагига йўл топа олмайди.

* * *

Шомил қиличига шундай сўзларни ўйиб ёздирган экан: «Ким жангга кираётган вақтда оқибатини ўйласа, ботирлик кўрсата олмайди».

* * *

Донишманд табиб қўлидаги заҳар ҳам фойдали. Агар аҳмоқ қўлидаги асал бўлса ҳам бу асалдан синааб кўриб фойдалан.

* * *

Қўшиқчини машқидан, заргарни нақшидан билишади.

* * *

Ҳар бир ҳайвон ўзига хос ҳийла-найранг ишлатиб овчини додга қолдиради. Ҳар бир овчи ўзига хос усулда ҳайвон овлайди.

* * *

Шеърда қандай янги фикр бўлмасин, албатта у жозибали бўлиши керак. Жозибали бўлганда ҳам ўзига хос жозибали бўлиши шарт. Шоир учун ўз услубини топиш ўзлигини топишидир, демакки, чинакам шоир бўлишидир.

* * *

Шошқин жилгалар ҳеч қачон денгизгача етиб бормайди, улар вазмин оқувчи ирмоқ ёки дарёларга қўшилиб кетади.

* * *

Қаранглар, енгил қайиқлар ҳар битта тўлқинда чайқалаяпти. Қаранглар, улкан кемалар бўронларни ҳам писанд қилмай сузаяпти.

* * *

Мен шундай одамларни кўрганман: улар уйида, оиласи, хотини, дўстлари даврасида одамга ўхшайди, одамга ўхшаб гапиради. Бориб амалдорлик курсисига ўтирдими бас, қуруқ савлат, дағал, жаҳулдор, гўё уларни кимдир алмаштириб қўйгандай. Улар ҳар бир амал курсисига қараб, қиёфасини, сўзлаш оҳангини, юриш-туришини ўзгартиради.

* * *

Албатта, олтин тишлар билан ҳам олмани чайнаш мумкин, лекин табиий тишингдай олмани карсиллатиб тишлаб, мазасини түя олмайсан.

* * *

Болалар ота-оналарининг хавотир олишганини ўзлари ота-она бўлишмагунча тушунишмайди.

* * *

Ўзинг сув ичишдан олдин отингнинг чанқоғини қондир, дейишади тоғликлар.

* * *

Маданият, тараққиёт, касб маҳорати вақт ўтиши билан сингади. Демоқчиманки, агар улар йўқ бўлса, ўзлаштириш мумкин, лекин миллий туйғу одамга туғилиши билан берилади.

* * *

Агар адабий асарда муаллифи күзга ташланмаса, у йўлда чопиб кетаётган чавандозсиз отга ўхшайди.

* * *

Баъзи бир туйғулар, фикрлар, учрашув таасиротлари борки, уларни вақтнинг енгилгина шамоли ҳам учирив кетади, баъзи бирларини эса ҳаётнинг кучли бўронлари ҳам жойидан кўзфата олмайди.

* * *

Ортиқча эзмалик жазога лойиқ.

* * *

Битта қайчи тўй кўйлаги ҳам, кафанлик ҳам бичиши мумкин.

* * *

Ёпа олмайдиган эшигингни очма.

* * *

Истеъдод — сирли бир олам.

* * *

Дунёда бир-бирига ўхшаш иккита истеъдод бўлмайди, агар бир-бирига ўхшаса истеъдод атамайди.

* * *

Истеъдод кўп ҳолларда наслдан-наслга ўтмайди. Йўқса санъатда фақат санъаткорлар сулоласи ҳукм юргизарди. Баъзан донишманддан оддий фарзанд туғилади, баъзан оддий одамнинг фарзанди донишманд бўлиб вояга етади.

* * *

Севиш учун ҳам истеъдод керак.

* * *

Истеъдодли кўзи ожиз мудраб юрган кўзи очиқларга нисбатан кўпроқ нарсани кўради.

* * *

Кимдир айтган экан: уйда ўтирган ақдли одам бутун дунёни айланиб келган тентакка нисбатан кўпроқ нарсани билади.

* * *

Уруш ҳеч қачон дунёда одамлар сонини кўпайтирмайди, лекин у ердаги қаҳрамонлар сонини оширади.

* * *

Орзулар одамзоднинг умр риштаси узиладиган чегарадан ҳам ўтиб кетади ва асрлар оша учаверади.

* * *

Шалдираган жилға дөнгизга, ялқов пиёда
Маккага етиб бормайди.

* * *

Ёлғончи ва қўрқоқ болаларнинг тушуниб
бўлмайдиган одати бор: катталар ҳаммасидан ха-
бардор эканини ва баҳона топиш бефойдалиги-
ни билишса ҳам, тўғрисини айтиш ўрнига, яна
қандайдир ёлғон тўқишиади.

* * *

Ёлғон — бу хато ёки тасодиф эмас, у инсон
феълидаги қусур.

* * *

Дунёда ёлғондан хавфлироқ нарса йўқ.

* * *

Ёлғон — қўрқоқлик, ҳақиқат — мардлик.

* * *

Қанийди, ёлғон ҳеч қачон жазосиз қолмаса!
Афсуски, баъзан ҳақиқатни ёқлагани учун жазо
олишади.

* * *

Ҳақиқатдан кўз юммаслик учун, ҳақиқатни
айтишдан кўра кўпроқ мардлик керак. Агар

ҳақиқатдан қачондир кўз юмсанг, кўнглинг бе-
ҳаловат бўлади, бир умр виждан азобида қийна-
ласан.

* * *

Ишонаманки, охир-оқибат ҳақиқат ёлғон ус-
тидан ғалаба қозонади.

* * *

— Ҳақиқат ва ёлғон ўртасида қанча масофа бор?

— Тўрт энлик.

— Нега?

— Чунки кўз билан қулоқ ўртаси тўрт эн
чиқади. Кўз билан кўрганинг — ҳақиқат. Қулоқ
билан эшитганинг — ёлғон.

* * *

Мардлик қоянинг баландлиги қанча деб сўра-
майди.

* * *

Айтадиларки, бир умр аразлашиб юргандан
кўра бир марта уришиб олган яхшироқ.

* * *

Ўзинг ҳали тушуниб етмаган нарсани ўзга-
ларга тушунтиришга уринма.

* * *

Дейдилар, ёзувчининг энг асосий китоби ҳали ёзилмаган, лекин у албатта ёзиб тугатади.

* * *

Яхши иш қилмаган бўлсанг ҳам, яхшилик қилиш ниятинг бўлгани учун сенга ташаккур!

* * *

Ҳар бир йўл ҳам мурод-мақсадга етказмайди.

* * *

Бола туғилаётганда ўзига Ватан танламайди —
пешонасига ёзилган жойда дунёга келади.

* * *

Ҳақ гапим кимнингдир ботса дилига,
Яхиси, индамай кетсин йўлига.

* * *

Дунёда ёмон тил бўлмайди.

* * *

Тиллар ўртасида баъзи бир чегаралар бордир,
лекин юракларимиз ўртасида чегара йўқ.

* * *

Баъзан миллат ҳақида гап кетганда, улар сенгил табиатли, сал телбароқ, ўғри ёки ёлғончилар

деб қолишади. Бу ўша миллатга нисбатан туҳматдан бошқа нарса эмас.

Ҳар бир миллатда олийжаноб ва пасткашлар, гўзал ва бадбашаралар бор, ўғриларни ҳам, туҳматчиларни ҳам учратиш мумкин. Аммо улар бутун миллат қиёфасини белгиламайди, улар шу миллатдаги бегона ўтлар.

* * *

Бир одамнинг камчилигини айтиб, бутун миллатни айблаб бўлмайди. Ўрмон битта дараҳтдан иборат эмас.

* * *

Ўз уйидан баҳтини топмаган одам уни кўчадан изласа — овора бўлади.

* * *

«Уйдаги аҳмоқ қўшнилар билан алоқани бузади, овулдаги аҳмоқ овуллар ўртасига рахна солади, миллат ичидаги аҳмоқ бошқа мамлакатлар тинчлигини бузади».

* * *

Савол — ниманидир кўзлаб отилган ўқ. Жавоб — нишонга теккан ўқ.



ШЕЪРЛАРДАН

*Эргаш Очилов
таржимаси*

Кўзларга таржимон керак эмасдир.

* * *

Онанинг ўғлига пиширганидек,
Мазали нон йўқдир бутун дунёда.

* * *

Оналарни аянг вақт ўтмай.

* * *

Дунёдаги барча баланд тоғларда
Онадан ҳам ўтар юксак чўққи йўқ.

* * *

Агар оналарнинг ҳукмида бўлса,
Янада пок, гўзал бўларди дунё.

* * *

Ҳар бир куни оқилона ҳаётнинг
Оналар байрами бўлар биз учун.

* * *

Она қалби — сирли кучлар макони.

* * *

Мен шоир бўлсам, сен менинг қўшиғим.

* * *

Менинг ҳам қонимда яшар севгининг
Умумий меросидан бир зарраси.

* * *

Инсонлар севгиси — сеҳрли хазина,
Ўзини сочса-да, ҳамиша тўла.

* * *

Мен бир ўзимга хос яшаш истайман,
Мен фақат ўзимга ўхшаш истайман.

* * *

Мен сўрамайман ҳаётдан шафқат.

* * *

Севги учун сўз йўқ.

* * *

Нафақат кун, балки тунда ҳам
Нур сочади севги қуёши.

* * *

Ишқ гули баҳормас, қишида ҳам гуллар.

* * *

Ширин бўлмаса ҳам барчага ҳаёт,
Уни ҳамма севар — ҳамиша шундай.

* * *

Шиша қанча катта бўлса, шунча тез синар.

* * *

Ичи қораларнинг чаққон малайлари бор,
Яшашга қўймаслик учун одамни зинҳор.

* * *

Ахир, қандай шафқатсизлик, инсоғизлиkdir
Ҳеч ўйламай-нетмай гуноҳсизни қоралаш!

* * *

Менинг кўнглим оз нарсага қаноат этар:
Оддий меҳнат аҳли билан тенг бўлсан етар!

* * *

Мендан нима ўтаётганин
Мендан яхши биларми бирор?

* * *

Ҳар бошда бор бахтсизлигу баҳт,
Озми-кўпми, лекин ҳамма вақт
Бўлишарлар шодликни фақат,
Бўлишмаслар келса ғам-кулфат.



* * *

Манфаат кўзламас асли муҳаббат.

* * *

Ишқдан айру сухбат мисли бўш бешик,
Ҳеч қачон ичида гўдак ётмаган.

* * *

Ишонаман тақдирим порлоқ
Боқий экан токи муҳаббат.

* * *

Севги қандай бўлса, қолгандир шундай,
Аввалтича қолган жангут жанжал ҳам.

* * *

Тушунмайман баъзи одамларни ман:
Ўзи-ку шундоғам қисқадир ҳаёт,
Бехуда хусумат, душманлик билан
Дунёни ўзига тор қилар, ҳайҳот!

* * *

Сен бўй етган йигитсан агар,
Яхшилик қил, доим бўл оқил.
Таъқиб этиб қарилик юрар
Ундан қудратлироқ куч йўқ, бил.

* * *

Бошқаларнинг ғамини кўриб хуш қилма вақтинг,
Бирорлар баҳтсизлиги устига қурма баҳтинг.

* * *

Яралган яхшилик учун куну тун,
Улар вақт фарзанди — акаю сингил.

* * *

Туғилишдан кўра дунёда,
Яхши хабар йўқдир зиёда.

* * *

Дунёда яралган барча қўшиқнинг
Бизгача етмаган ўндан бири ҳам.

* * *

Қуёш тонгда кулиб чиқар экан то,
Ер юзида ҳаёт тугамас асло.

* * *

Вақтни тўхтатиб туриш
Келмас одам қўлидан.

* * *

Бу дунёда биргина мартаба энг суюқдир:
Гуноҳ тўла заминда инсон бўлиш буюқдир!

* * *

Тақдир улуғлаган ҳақиқий эркак
Ҳақиқатни устун қўйиши керак.

* * *

Эй ботирлар, дўстларим, хушомаддан сақланинг,
Бу ёлғоннинг пичоги ўлдиради оғритмай.

* * *

Мен яхши биламан: юзлаб жоҳиллар
 Тиз чўқтиролмайди битта оқилни.
 Лекин кўрдим шахсан: юзлаб оқиллар
 Майдонда қолдириб қочар жоҳилни.

* * *

Баҳт — изламасанг ҳам ўзидан ўзи,
 Кириб келадиган бир нарса эмас.

* * *

Баҳт ҳақида шуки билганим, хуллас,
 Асло биз излаган қуш эмасдир баҳт.
 Қуш бўлганида ҳам хонаки эмас,
 Кўлимизга келиб қўнмайди ҳеч вақт.

* * *

Ишламаган бўлса ҳафта бўйи ким,
 Дам олиш кунидан қувонармикин?

* * *

Йўқотишдан оғир нарса йўқ.

* * *

Мұҳаббатнинг душмани ҳам бор,
 Асра уни қилиб эҳтиёт.
 Қимматбаҳо нарсадай зинҳор
 Ёмон кўздан асра умрбод.

* * *

Йўқотамиз дўстларни осон,
Топиш эса қийин ҳар қачон.

* * *

Ер юзида дўстлар унча кўп эмас,
Дўстни йўқотишдан бўлинг эҳтиёт.

* * *

Чўчимаслик керак курашда
Мағлубиятлардан сира ҳам.

* * *

Табиати фақат инсоннинг
Ўзгармасдан қолар тоабад.

* * *

Ниҳоят англадим: муҳаббат йўли
Барча йўллардан ҳам узун ва хавфли.

* * *

Барча даврларда биргина аёл
Бизни халос этган ва ёки ҳалок.

* * *

Узун бўладими ва ёки қисқа,
Абадий эмасдир инсоннинг йўли.



* * *

Ниманидир берамиз осон,
Ниманидир қийин — мисли жон.

* * *

Инсоний муҳаббат жанг бўлса агар,
Бир жангки, қайтиш йўқ ундан муқаррар.

* * *

Биз билан гоҳо ҳаёт
Ҳазиллашар бешафқат.

* * *

Ишқ дунёда барча нарсадан юксак.

* * *

Истайман ердаги барча одамлар
Бошпана сўрасин Ишқ ўлкасидан.

* * *

Раҳмим келар менинг ҳар бир баҳилга,
Бечора бадбаҳтлар ичра бадбаҳт у.

* * *

Ҳаётдан ҳам гўзал нарсани
Ҳали ҳеч ким ўйлаб топмаган.

* * *

Ҳаёт — ўта инжиқ, биз унга муте.

Кучлидан енгилиш — уят иш эмас,
Кучизни енгиш ҳам мақтовга лойик.

Агар чексиз бўлса инсоний қайғу,
Бунга инсонларнинг ўзи айбдор.

Бузилишдан сақлаш учун дунёни,
Балки бизга зарур сўз керак ҳозир.
Майли, унда бўлсин онту илтижо,
Майли, унда бўлсин ўтинч ва амр.

Қайғу йўли қанчалик узун,
Кувонч йўли қанчалик қисқа.

Қанча гўзал инсон мақсади,
Шунча кўпдир рақиб ҳам унга.

Жароҳатинг тузалмас дейиш
Ярадорга шафқатсизликдир.

Қовушмаган сўз ва сатрлар
Оғриқ берар қум заррасидек.



* * *

Ким ўтмиш ҳақида қайғурап экан,
Ўтмишга айланар бугунги кун ҳам.

* * *

Қувонч билан қайғу аро чегара —
Йўқ дунёда, балки кўринмас кўзга.

* * *

Билгувчи киши йўқ ҳамма нарсани,
Биладиган қилиб кўрсатар фақат.

* * *

Ўтганни лаънатлаш қийин эмас ҳеч,
У ҳақда ҳақ гапни айтмоқлик қийин.

* * *

Бир-бирингиз севинг борича имкон,
Севги бўлар барча дардларга дармон.

* * *

Киши қанча кучли севолса агар,
У шунчалик соғлом ва баҳтли яшар.

* * *

Эй вақт, фурсат етгач мисоли жаллод
Хукм ўқимасдан узундан-узоқ,
Ҳаёт дарахтини этасан барбод —
Тенг сенга гуноҳли-гуноҳсиз ҳар чоқ.

* * *

Севги ўраб-чирмар қўйганча тузоқ,
Ўтида ўртанаар ҳар севган кўнгил.
Оққуш севганидан яшамас узоқ,
Ёлғиз қарға эса яшар уч юз йил.

* * *

Бир лаҳзадир инсон ҳаёти ўзи,
Лекин узоқ яшар қолдирган изи.



БИТИКЛАР

*Мамарасул Бобоев
таржимаси*

ЭШИК ВА ДАРВОЗАДАГИ ЁЗУВЛАР

Қайт, бўлса кўнглингда ёвуз бир ният,
Ниятинг пок бўлса — уйга марҳамат!

* * *

Кир, топасан дардингга дармон,
Шод бўласан кирсанг бу уйдан.
Ҳам бўласан қадрли меҳмон,
Ҳам дўст топиб кетасан бундан.

* * *

Эртами-кеч тақиллатма, дўстим, ўртоғим,
Эртами-кеч кир — истаган дам.
Сенинг учун очиқ қучоғим
Ва эшигим ҳам.

* * *

Чавандозман, шартимни
Билгин илгари.
Мақтамасанг отимни
Кирма ичкари.

ҚАБР ТОШЛАРИДАГИ ЁЗУВЛАР

Бу эмасди машҳур донишманд,
Ва эмасди машҳур қаҳрамон,
Аммо уни қилдилар ҳурмат.
Чунки, эди ҳақиқий инсон.

* * *

Бундаги номаълум — ғариб жон эди,
Номаълум ҳаёти гулдай тез сўлди.

* * *

Йигит ноҳақлик билан
Кўп курашди ҳар ерда.
Ноҳақлик юрар ҳамон,
Йигит, мана, қабрда.

* * *

Хурсанд бўлма, эй қўрқоқ,
Ботир кирди, деб ерга.
Милтиқ-ханжари бироқ
Кўмилмаган қабрга...

* * *

Қотилингдан қасос олмайман, укам,
Сени шу тупроққа дафн этган дам.
Онамиз бошига тушган бу мотам,
Ёндириласин унинг онасини ҳам.

* * *

Бунда ётган тоғлик — фақир бир ошиқ,
На зар йиғди, на мол — тирик вақтида.
Эл қүшиқ айтмоқда — у ёзган қүшиқ,
Эл қүшиқ айтмоқда — унинг ҳақида.

* * *

У кўп кутди: келади баҳор,
Ҳаво исиб, эриб кетар қор.
Баҳор келди ва кетди яксар,
У ётибди — бундан бехабар.

* * *

Тириклиқда ҳар вақт, ҳар қайда
Севиб висол кутишди улар,
Фақатгина мана шу жойда
Бир-бирига етишди улар.

* * *

Бунда ётар қаҳрамон йигит,
Қаҳрамонлик тириклир ҳамон.
Ҳа, қўрқоқ ҳам ётибди жимжит,
Кўрқоқлик ҳам тириклир ҳамон.

* * *

Юмилди ғарифнинг кўзлари, лаби...
Ёт ўлкада қолдирди танин.
Сен юртингни севганинг каби
Севар эди у ҳам ватанин!

* * *

Фам ема, тирик жон, толеим паст деб,
Таскин топажаксан бу ерга келиб.

* * *

Биз йўллар қурамиз ўрга ва қирга,
Ҳамма йўл келтирас бизни бу ерга.

ХАНЖАРДАГИ ЁЗУВЛАР

Ханжарни қўлга олу, аммо ўзингдан кетма,
Ханжар учун яхши жой қин эканин унутма!

* * *

Ханжар аҳмоқда бўлса,
Тинчлик бўлмайди ҳеч ҳам.
Ханжар оқилда турса,
Бўла бергин хотиржам.

* * *

Ҳамма юрт ва элларда
Ханжарга баҳо бирдир:
Ботирнинг қўлларида
Занг босса ҳам — ўткирдир.

* * *

Қўлингни дастамга чўзишдан олдин,
Нималар бўлишин хўп ўйлаб олгин.

* * *

Ханжар муздай доимо,
Баъзан қизир бетиним,
У бола туғмас, аммо
Болани қилас етим.

ЎЧОҚЛАРДАГИ ЁЗУВЛАР

Қаёққа қилмасин тақдир дарбадар,
Ўчоғинг иссиғи қалбингда бўлар.

* * *

Оловим ўчиб қолса,
Куйманг ҳолимга менинг.
Атрофимда ўтирган
Кишиларга ачининг.

* * *

Ҳеч қаерда тополмассан, чирофим,
Она уйнинг ловиллаган ўчоғин.

* * *

Бекорга бошланмаган
Ёшлик кўрган эртаклар.
Ёвлар ўлими билан
Тамом бўлган эртаклар.

* * *

Кезиб бир қанча диёр
Уйингга қайтган куни,
Сенга кўринар илк бор
Мўрисининг тутуни.

* * *

Қўшиқлар эсга келар
Бу оловнинг олдида,
Янгилари туғилар
Бу оловнинг олдида.

ПАНДУР ВА ЧАГАНЛАРДАГИ¹ ЁЗУВЛАР

Ўхшайди қўнғироққа —
Тили — чалган маҳали.
Аммо ошиқ-маъшуққа
Хар қайда тушунарли.

* * *

Она юртнинг тақдирин
Осонмас куйлаш йиллаб.
У куйлар ёниб бетин
Ҳам кулибу ҳам йиғлаб.

¹ Пандур ва чаган — чолғу асбоблари.

ҲАССАЛАРДАГИ ЁЗУВЛАР

Отдан тушувинг ҳамон,
Белингта бўлар дармон.

* * *

Баргларим ҳусн билан —
Яшнарди ёшлиқ чофим.
Мана бугун сен билан
Чекаман унинг доғин.

* * *

Оёқсиз қаҳрамоннинг
Мен оёғи бўламан.
Кўзи кўрмас инсоннинг
Кўз қароги бўламан.

ҚОЯЛАРДАГИ ЁЗУВЛАР

Жасурлик қоянинг устига минар,
Жоҳиллик қоянинг устидан қулар.

* * *

Яраланса гар ботир,
Йўқ асло зарар.
Қоятош гарчи бужир
Лек минг йил яшар.

БЕШИҚДАГИ ЁЗУВЛАР

— Болант жуда ҳам йиғлоқ,
Мени уйғотар йиги.
— Ўзингга ўхшар мутлоқ,
Болангнинг бор қилиғи.

МУНДАРИЖА

Сүз йўли	3
----------------	---

ШЕЪРЛАР

Эркин Воҳидов таржимаси

Она тилим.....	11
Қўшиқ.....	13
Икки томчи ёш.....	14
Армон.....	14
Аргумоғим.....	15
Сўз.....	15
Тоғ фарзанди.....	16
Мавзу ҳақида шеър.....	16
Шомил.....	17

Машраб Бобоев таржимаси

Бемор ўтил бошида она куйлаган қўшиқ.....	20
Онамга.....	21
Ўғрилар ҳақида.....	22
«Унуглигани най навоси» фильмидан қўшиқ композицияси.....	25

— ◀ — **ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ** ▶ —

Мамарасул Бобоев таржимаси

Тоғлиқ кексалар.....	27
Кече ва кундуз.....	30
Құшиқ.....	30
Гүзәл қыздар.....	31
Инсон рұхияти.....	33
Сен менинг ҳаётимсан.....	34
Тафовут.....	35
Ахвах.....	35
Юлдузлар.....	39

Зоҳиджон Обидов таржимаси

Дўстлик ҳақида қисса.....	40
Булғория гуллари.....	42

Эргаш Муҳаммад таржимаси

Ватан ҳақида.....	43
Уч бора.....	44
Аймоқтарим ҳақида.....	45

Нуриддин Шукурев таржимаси

Шеърият.....	47
Тоғликлар.....	48
Ёш шоирга.....	49
Күркөк.....	50

Юсуф Шомансур таржимаси

Шерозда.....	51
--------------	----

Миразиз Аъзам таржимаси

Гилам.....	52
------------	----

Муҳаммад Раҳмон таржимаси

Болалар.....	53
--------------	----

Кечир.....	54
------------	----

Раззок Абдурашид таржимаси

Одамлар.....	55
--------------	----

Үнүтиб бўлмас.....	56
--------------------	----

Кўмак беринг.....	57
-------------------	----

Аёл билан.....	59
----------------	----

Аёл юки.....	60
--------------	----

Фарзандлар.....	61
-----------------	----

Тоҳир Қаҳор таржимаси

Эркаклар.....	62
---------------	----

Кўрқоқ эркак ҳақида хотинлар қўшиғи.....	64
--	----

Хушомадга учманг.....	65
-----------------------	----

Шукур Қурбон таржимаси

Беланчак.....	66
---------------	----

Ҳаёт.....	68
-----------	----

Тилакларим.....	70
-----------------	----

Барот Истроиз таржимаси

Дўстларни қадрланг.....	72
Кечиримлилик.....	73
Меҳмонга.....	74

Асрор Мўминов таржимаси

Дентиз.....	75
Тошибитик.....	75
Шеъриятта.....	76
Умрим маъноси.....	76
От.....	77

ТОФ ЭЛЕГИЯЛАРИ

Мирпўлат Мирзо таржимаси

Чин муҳаббат.....	79
Баҳт соҳили.....	80
Аёл жозибаси.....	81
Аёллар.....	82
Эзгулик.....	83
Севги.....	84
Ишқ ўти.....	85
Севги ҳимояси.....	86

САККИЗЛИКЛАР

Мамарасул Бобоев таржимаси	88
Зоҳиджон Обидов таржимаси	95
Омон Матжон таржимаси	98
Хуршид Даврон таржимаси	106
Юсуф Шомансур таржимаси	116
Машраб Бобоев таржимаси	117
Нурилдин Шукуров таржимаси	118
Муҳаммад Раҳмон таржимаси	121
Мирзо Кенжабек таржимаси	123
Нурилла Остонов таржимаси	125
Асрор Мўминов таржимаси	126
Эргаш Очилов таржимаси	128

ТЎРТЛИКЛАР

Эргаш Очилов таржимаси	130
------------------------------	-----

ЭПИГРАММАЛАР

Эргаш Очилов таржимаси	139
------------------------------	-----

ҲИКМАТЛАР

«Менинг Догистоним» асаридан

Эркин Воҳидов таржимаси.....	142
------------------------------	-----

Асрор Мўминов таржимаси.....	158
Шеърлардан	
Эргаш Очилов таржимаси	174
Битиклар	
Мамарасул Бобоев таржимаси	185

Адабий-бадиий нашр

Жаҳон шеърияти дурдоналари

Расул Ҳамзатов

УМР КАРВОНИ

Муҳаррир *Алишер Саъдулла*

Бадиий муҳаррир *P. Зуфаров*

Техник муҳаррир *T. Харитонова*

Мусаҳҳих *Ш. Орипова*

Компьютерда тайёрловчи *Ф. Чанишева*

Нашриёт лицензияси А1 №158, 14.08.09.

Босишга 2013 йил 9 апрелда рухсат этилди. Офсет
қоғози. Бичими $70 \times 90^1 / 12$. «Times» гарнитураси оғсет
босма усулида босилди. Шартли босма табоги 7,31.

Нашр табоги 6,87. Адали 3000 нусха.

Буюртма №13-39

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

Ҳамзатов Расул

X 24 Умр карвони: роман / Р.Ҳамзатов; тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э. Очилов. — Тошкент: «O'zbekiston», 2012. (Жаҳон шеърияти дурдоналари). Китоб 1. — 200 б.

1. Очилов, Эргаш / тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи.

ISBN 978-9943-01-923-2

XX аср жаҳон адабиётининг забардаст на-
мояндаларидан бири, таниқли авар шоири
Расул Ҳамзатовнинг номи ҳам, асарлари ҳам
ўзбек ўқувчилари орасида машҳур: қатор шеър-
лари қўшиққа айланиб, ҳофизлар репертуари-
дан мустаҳкам ўрин олган. Ушбу тўплам унинг
ўзбек тилига ўгирилган шеърларининг энг сара
намуналари ҳамда «Менинг Догистоним» ва
бошқа асарлари ичida келган теран фалсафий
фикрлари ва ҳаётий ҳикматлари асосида тузилди.
Мутафаккир адабининг бой адабий меросидан
сарапланган бу турли мавзу, ранг-баранг жанр-
даги халқ донишмандлиги билан йўғрилган
ҳассос тароналар ва пурмаъно сатрлар барча
ёшдаги ва турли тоифадаги ўқувчилар қалбига
йўл топишига ишончимиз комил.

**УЎК: 821.512.133-1
КБК 84(2Рос.Дог)**

.РАССЫЛКА